- Б) Психологик холатларни хисобга олиш
- В) Моддий жихатидан путур етганлик
- Г) Саломатлигига таъсири
- Д) Хаммаси

“Хукук психологияси” фанидан соатлар хажми

№	Машгулотлар	аудитория соати		мустакил иш соати		Умумий вакт сарфи		Тупланадиган балла	
		7-сем.	8- сем	7-сем	8- сем	7-сем	8- сем	7-сем	8- сем
1	маъруза	22	18	24	18	48	36	30	30
2	Семинар	34	24	30	24	64	48	40	40
	Жами	56	42	54	42	112	84	70	70

Фаннинг рейтинг ишланмаси ва баҳолаш мезонлари

(7- семестр учун)

№	Назорат турлари	сони	балл	жами балл
	Жорий назорат 1.1. оғзаки (семинар режаси буйича берилган саволларга жавоб тайёрлаш) ТМИ – ёзма-(семинар режаси буйича берилган саволларга жавоб тайёрлаш)	17	17x 2,4	40
2	Оралиқ назорат 2.1. Ёзма-(учта саволдан иборат булган варианtlарга жавоб ёзиш). 2.2. ТМИ .- (берилган мавзулар буйича эссе тайёрлаш)	1	3x6=18	30
		1	12	
3	Якуний назорат 3.1. Тест (30 та саволдан иборат)	1	30x1=30	30
	Жами:			100

Фаннинг рейтинг ишланмаси ва баҳолаш мезонлари

(8- семестр учун)

№	Назорат турлари	сони	балл	жами балл

	Жорий назорат 1.1. оғзаки (семинар режаси бүйича берилган саволларга жавоб тайёрлаш) ТМИ – ёзма-(семинар режаси бүйича берилган саволларга жавоб тайёрлаш)	12	12x3,3	40
2	Оралиқ назорат 2.1. Тест-(тест вариантларга жавоб бериш). 2.2.ТМИ .- (СПЭ хulosасини хомаки вариантини тайёрлаш)	1	$20 \times 1 = 20$	30
		1	10	
3	Якуний назорат 3.1. Ёзма (3 та саволдан иборат вариантларга жавоб ёзиш)	1	$3 \times 10 = 30$	30
	Жами:			100

"Хуқуқ психологиясл" фанидан баҳолаш мезони

1. Жорий назорат

1.1. Жорий баҳолаш бүйича амалий машғулотда қатнашиб унинг топшириклами хамда Талабалар мустақил ишлари-(семинар режаси бүйича берилган ёзма топшириклари) ни түлиқ ва сифатли, ижодий тарзда бажарған талабани -1.5-1.7 балл, сифатии ва меөр талаблари даражасида -1.3-1.4 балл, ўрта даражада -1-1.2 бали, хато ва камчилклари бўлса-0.9 ваундан кам балл билан баҳолаш мумкин

2. Оралиқ назорат

Оралиқ баҳолаш ёзма ўтказилто, Зта саволга жавоб бериш сўралади. Хар бирсавол 6 баллгача баҳоланади:

-агар савол мохияти тўла очилган бўса, жавоблари тўлиқ ва аниқ бўлса-С.2-6-балл;
-саволнинг мохияти умумий очилган, асосий далиллар тўёри баён этилган бўлса-43-5.1-балл;

-саволгажавоб берилган, аммо камчиликлари бўлса-3.3-4,2-балл;

-саволгажавоб беришга харакат қилинган, аммо чалкашликлар мавжуд бўлса- 3,2 -ва ундан кам балл билан баҳолаш мумкин,

Талабалар мусақтл иши бўйича берилган мавзу асосида эссе тайёрлайди:

-мавзу ижодий, тўлиқ ва сифатли ёритилган ,хulosा ва амалий таклифлари мавжуд бўлса А 10,4-12балл;

-мавзу мохияти очилган, фақат хulosаси бор бўлса-8.6-10.3 балл;

-мавзу мохияти ёритилган, аммо айрим камчиликлари мавжуд бўиса-6,6-8.5 балл.

3. Якуний назорат

3.1. Якуний баҳолашда талаба 30 та тес саволига жавоб бериши лозим. Хар биртес саволига 1 баллдан берилади.

Аълў -26-30 балл, Яхши -22-25 балл, +ониқарлр-16.5-21 балт, Кониқарсиз -16 ва ундан кам балл.

Еслатма: Талабанинг умумий бали хисобланганда яхлитлаб олинади:
ўзлашлириш кўрсаткичи:

86- 100 балл- "аъло"

71-85балл-''яхши''
55-70 балл - ''қониқарли''

Дарслик укув кулланмалар руйхати Асосий

1. Каримов И.А. «Баркамол авлод - ўзбекисон тараққиётининг пойдевори». Т. 1997.
2. Ведерников Н.Г.Личнос обвиняемого и подсудимого.2000.
3. Гозиев Е.Г.Психология муаммолари. Тошкент «Университет» 1999.
4. ГозиевЕ.Г. Менежмент психологияси-Тошкент, «О"зМУ»,2001.
5. ЕникеевМ,л.Юридическаяпсихология.М.(2000.
6. Чалдини Р.Психология влияния. М.2000
7. Чуфаровский Ю.В. Юридическаяпсихология.М.2001
8. Столяренко А.М. Прикладная юридическая психология. «Юнити» Москва.,2001
9. Рухиева Х.А.,Е Дозиев, А.Мухторов. Суд-психологик экспертиза. ўкув қўлланма. Т. 2001.

Кўшимча

- 1.Богданов В.М.Психологические особенности профессионального мышления работников уголовного розыска. Омск. 1999.
2. Дубровина л.В. Практическая психология образования. М., 2000.
3. Тарапухин С.А.Пресупное Поведение. Сотсиалние и психологические герти. М.,1999.
4. А.Норбоев, А.Усманова. Юридическая психология. Учебник. Т. 2006.
- 5.Б.Умаров, У.Қодиров. Хуқуқ фаолияти психологияси. Тошкент. 2009.
6. Рухиева Х. Хуқуқ психологияси. Тошкент. 2011.

Интернет сайтлари

1. www.psixolog.uz
2. www.ziyo.net
3. www.flagiston.ru

ТЕХНОЛОГИК КАРТА

ВАЗИФАЛАРИ ВА ТИЗИМИ.	
Мақсад ва вазифалар	Талабаларни юридик психология фанининг предмети, мақсади ва вазифалари билан таништириши. Бу фан ноқонуний хатти-харакатлар содир этган этган шахслар психикасининг психологик механизмларини ва уни адолатни қарор топтиришда ресоциализация қилиш чоралари хамда камолотга эришиш йўлларини кўрсатувчи фан эканлигини, моҳияти ва асосларини тушунтириш. Юридик психология ва юридик адабиётларда предметини уйғунлиги. Юридик психология предметига нисбатан мавжуд 5 нуқтаи назарлар мавжуд. Юридик психологиянинг бошқа фанларлар билан ўзаро муносабати. Психологиянинг бошқа туркумлари билан муносабати тўғрисида тушунча бериш(тармоқлари). Мавзуга оид тарқатма материалларнинг талабалар томонидан якка ва гурухий асосда ўзлаштириб олинишини таъминлаш, сұхбат – мунозара орқали ўзлаштиришни назорат қилиш.
Ўқув жараёнининг мазмуни	- хуқуқ психология фанининг мақсад ва вазифалари; - Хуқуқ психология нинг тушунчалари; - Хуқуқ психология нинг тармоқлари; - Хуқуқ психологиянинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги.
Ўқув жараёнининг амалга ошириш технологияси	Метод: оғзаки баён қилиш, “баҳс – мунозара” методи, жамоатчилик фикрий фаолияти, ижодий, танқидий ва таҳлилий ёндашув асосида ўтказилади. Шакл: аудитория – дарс шакли, жамоада ишлаш. Восита: тарқатма материаллар – матнлар, маълумотномалар Усул: ёзма материаллар ва чизмаларни аниқ ажратиш ва белгилаш асосида. Назорат: савол - жавоблар
Кутиладиган натижалар	Ўқитувчи: Маърузачи қисқа вақт ичida барча талабалар томонидан мавзунинг ўзлаштирилишига эришади. Талабалар фаоллигини оширади. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқиши ўйғотади. Ўз олдига қўйган мақсадига эришади. Талаба: Янги билимларни ўзлаштиради. Якка холда ва гурух билан ишлашни ўрганади. Нутқи ривожланади ва эслаб қолиш қобилияти кучаяди. Қисқа вақт ичida кўп маълумотга эга бўлади.
Келгуси режалар (таҳлил, ўзгаришлар)	Педагогик ва психологик технологияларни ўзлаштириш ва уларни дарсга тадбиқ этиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш, мавзуни ҳаётий воеалар билан боғлаш. Педагогик маҳоратни ошириш.

1 – МАВЗУ :ХУҚУҚ ПСИХОЛОГИЯ ФАН СИФАТИДА, УНИНГ ПРЕДМЕТИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ТИЗИМИ.

Режа:

- 1. Хуқуқ психология предмети ;**
- 2. Хуқуқ психология фанининг ривожланиш тарихи ;**
- 3. Хуқуқ психологиянинг мақсад вазифалари, принципи ҳамда функциялари;**
- 4. Хуқуқ психологиянинг замонавий имкониятлари.**

Кириш

Хуқуқ Психологиянинг предметини инсон психикаси ташкил этади. Психика - бу инсон руҳиятиниң шундай ҳолатики у ташқи ва ички оламни онгли равишида акс эттиришимиз ва англашимизни таъминлайди. Демак, объектив оламни субъектив равишида акс эттиришдир. Бола мактабгача даврда- ўйин, мактаб даврида- ўқиши, мустақил ҳаёт даврида- меҳнат каби ҳар-хил фаолият турларида ўзини намоён қиласди.

1.Юридик психология предмети

Психологиянинг предметини инсон психикаси ташкил этади. Психика - бу инсон руҳиятиниң шундай ҳолатики у ташқи ва ички оламни онгли равишида акс эттиришимиз ва англашимизни таъминлайди. Демак, объектив оламни субъектив равишида акс эттиришдир. Бола мактабгача даврда- ўйин, мактаб даврида- ўқиши, мустақил ҳаёт даврида- меҳнат каби ҳар-хил фаолият турларида ўзини намоён қиласди.

2. Хуқуқ психология фанининг ривожланиш тарихи ;

XX аср ва унинг эришилган ютуқлари асосида ва XXI асрнинг бошланишида жуда кўплаб давлатларда бўлгани каби дунё харитасида муносиб ўрин олган мустақил Ўзбекистонда ҳам барча соҳаларда туб ислоҳотлар амалга ошояпти.

3. Хуқуқ психологиянинг мақсад вазифалари, принципи ҳамда функциялари;

Юридик психология предметининг моҳияти ва тадқикот объективини урганишда куйидаги вазифалар белгиланади:

фанинг методологик ва назарий асосларини урганиш, назарий тадқикотнинг услубиёти ва усусларини ишлаб чикиш ва уларни бошка фанларнинг услубиёти билан таккослаш ва мослаштириш;

предметнинг тизимиий элсмснтиларини урганиш: юрист шахси; унинг фаолияти; хукукий ва нохукукий хулки; конунбузар ва конунга риоя килган шахслар; конунбузарларнинг ижтимоий хукукий психологияси; жиноий ишни олиб боришнинг психологик хусусиятлари, конунбузарлар профилактикаси...;

4. Хуқуқ психологиянинг замонавий имкониятлари.

Хозирги биологизатор криминологик назариялар жиноий хулқ-автор табиатини Ломброзо сингари жуда соддалик билан изоҳламайди. Улар ўз далилларини замонавий фанлар: генетика, психология, психоанализ ютуқлари асосида тузадилар. Масалан, жумладан, Клейнфельтер синдроми деган ном олган кашфиёт: 74XVV типидаги хромосомли бузилишлар эркакларда 46XY хромосомлари мажмуи нормал бўлганида жиноятчилар ўртасида 36 марта кўпроқ учраши 70-йиллардаги шов-шувлардан бири бўлган эди.

Хуқуқ психология илмий фан сифатида. XX аср ва унинг эришилган ютуқлари асосида ва XXI асрнинг бошланишида жуда кўплаб давлатларда бўлгани каби дунё харитасида муносиб ўрин олган мустақил Ўзбекистонда ҳам барча соҳаларда туб ислоҳотлар амалга ошояпти. Бу ислоҳотларнинг барчаси инсон омилини ҳар қачонгидан ҳам юқори савияга кўтариб, унинг кучи, идроки, салоҳияти, руҳий ҳамда маънавий баркамоллигини бевосита тараккиёт, ривожланиш ва цивилизация билан ўзвий боғлади. Бунда инсон ва унинг мукаммалиги, ўз устида ишлиши, ўз мукаммалиги хусусида қайғуриши муаммоси ҳар қачонгидан ҳам долзарб масалага айланди.

Инсон психологиясини билиш, ўз тараккиётини ва иқтидорини ташкил этишни билиш, ҳар қандай ёш даврда ҳам оптимал равища ишга яроқлиликни, турли ўзгаришларга психологик жиҳатдан тайёргарликни таъминлаш, янгича фикрлаш ва тафаккур қилиш, рўй берадиган жараёнларни объектив ва тўғри идрок қилиш қобилиятиини ривожлантириш муаммоларини илгари сурилган.

Шундай қилиб, янги давр ҳар бир инсондан ўз ички имкониятларипи адекват билиш, шу билимлар захираси билан якинлари ва ҳамкаслари психик дунёсини билишни талаб қилмоқда. Янги давр ва унинг ўзгаришларга бой ҳаёти энди, ҳар бир кишининг психологик холатлар қонуниятларини ҳисобга олиш ва шунга мос тарзда оқилона ва омилкорона иш юритиш заруратини талаб қилмоқда.

Жамият ривожланишининг ҳозирги босқичида, фанлар тизимида психология фани муҳим аҳамиятга эга. Академик Б.М. Кедровнинг фикрича - психология ўзлаштирилаётган гуманитар, аниқ ва маҳсус фанларнинг марказини ташкил этади (Б.М.Кедров, 1998).

Ҳозирги кунда психологик билимларга эҳтиёж кундан кунга ортиб бормоқда.

Психология фанининг фан сифатида шаклланишига, ривожланишига асос соглан буюк мутафаккир юонон олим Аристотельдир.

Психология ўзи нима? юононча сўз бўлиб, псиохе (*руҳ*) ва "логос" (таълимот,) сўзларидап иборат бўлиб, анъанавий маънода "руҳ ҳақидаги фан" яъни ўзликни англаш демакдир. Психология - психика ҳақидаги фан экан, у инсон руҳий дунёсига алоқадор барча ҳодиса, жараёнлар, ҳусусият ва ҳолатларни ташки оламсирлари ва ўзимизнинг онгимиз остида ётган психологик холатлар, психологик жараёнлар шахснинг индивидуал психологик ҳусусиятлар ва хислатларининг психологик қонуниятлари ва принципларининг механизмларини ўрганади.

Психологиянинг предметини инсон психикаси ташкил этади. Психика - бу инсон руҳиятининг шундай ҳолатики у ташки ва ички оламни онгли равища акс эттиришимиз ва англашимизни таъминлади. Демак, объектив оламни субъектив равища акс эттиришдир. Бола мактабгача даврда- ўйин, мактаб даврида- ўқиши, мустақил ҳаёт даврида- меҳнат каби ҳар-хил фаолият турларида ўзини намоён қиласди.

Мана шу ёш даврларда инсоннинг руҳияти (психикаси) ўзига хос бетакрорлиги, хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Улар шу кадар мураккабки, биз баъзан ўз-ўзимизни ҳам тушунмай коламиз. Шунинг учун ҳам одамларнинг билимдонлиги нафакат ташки оламда рўй берадиган объектив ҳодисалар моҳиятига алоқадор билимлар мажмуига эга булиш билан, балки ҳаётда муносиб ўрин эгаллаш, ўз ички имкониятлари ва салоҳиятидан самарали фойдаланган холда фаолиятини оқилона ташкил этишниш барча сирларидан боҳабар булиш, ўзига ва ўзгаларга таъсир курсатишнинг усулларини билиш ваулардан ўз урнида унумлй фойдаланишини назарда тутади. Психологик билимдонликнинг мураккаблиги айнан шундаки, атрофимиздаги нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини бевосита хис қилиб билишимиз мумкин, ласкин психик холатга алоқадор бўлган жараёнларни, ҳолатларини миямиз, онгимизда рўй берадиган нарсаларнинг моҳиятини ўзимизда билвосита биламиз.

Шундай қилиб, психология фанида ўрганадиган жараёнлар психологик ҳолатлар, шахснинг индивидуал ҳусусиятлари ва ҳодисалар мураккаб ва хилма-хил. Уларни урганишининг икки жихати бор: бир томондан, уларни урганиш мураккаб жараён бўлса, иккинчи томондан осон ҳам. Осонлиги шундан иборатки, улар бевосита ўзимизда берилиган, уларни ўзокдан кидириш шарт эмас, бошқа томондан, улар умумий қонуниятлар ва тамойилларга буйсунади.

Юрист-хукукшунос фаолитининг энг муҳим томони, бу - инсонлар билан ишлашдир. Бу масаланинг мазмун-моҳияти бир нечта ўзаро бөглиқ булган аспектдарда куришимиз мумкин:

- одамларни урганиш ва уларга баҳо бериш;
- психологик алоқа урнатиш ва уни ривожлантириш;
- уларга керакли психологик таъсир утказиш;

- ургатиш, укитиш, тарбиялаш ва х.к.

Хуқуқ фаолият билан боглик булган ходимлар учун психологик билимларни эгаллаш жуда ҳам муҳимдир. Психологик лар юридик соҳасига дойр маълумотларнинг таркибий кисми булиб хисобланади. Улар нафакат юрист учун мавжуд булган маҳсус муаммоларни хал этишга ёрдам беради, балки иш билан биргаликда "айблаш", "жиноятчи шахе", "жиной хулқ-атворт" каби асосий жиной хукукий тушунчаларнинг ечнини юридик психология нуктаи назаридан куриб чикишни талаб этади.

Психология фанининг турли тармоқлари мавжуд ва улар томонидан инсон психикаси аниқ шарт-шароитларда урганилади, масалан:

- умумий психология;
- болалар психологияси;
- педагогик ва ёшлар психологияси;
- тибиёт психологияси;
- спорт психологияси;
- авиация ва космос психологияси;
- ҳарбий психология;
- ижтимоий психология;
- этнопсихология;
- оиласий хаёт психологияси;
- психодиагностика;
- юридик психология кабилар.

Илк бор психология ва юриспруденция соҳасининг биргалик-даги илмий тадқикотлари ва улар натижасида олинган маълумотлар "суд психологияси" атамаси билан фаплар тизимида ўз урнини эгаллай бошлагаи эди (1690, 1720). Пекин юридик психология ўз йуналишини фан сифатида XIX аернийнг охирида исботлашга кадам куиди.

Хуқуқ психология - илмий педагогик фан булиб хисобланиб "инсон-хукук" тизимидағи психологик қонуният ва тамойилларни урганишга ва бу тизимнинг самарадорлигини ошириш учун амалий тавсиялар ишлаб чикишга ҳаракат кнлади.

Хуқуқ психологиянинг замонавий тушунчаси, бу - хукукий тартибга солиши шароитларидаги шахе ва фаолиятнинг турли психологик аспектларини урганувчи фан булиб, у тизимли ёндашув орқали олдида турган вазифаларни хал этишга ва ривожлантиришга максадини каратади. Психология ва юрисируденциянинг уйгунлашганлиги фанни икки томонлама бойитишга ва суд фаолиятидаги долзарб муаммоларни хал этишга ёрдам беради.

Психология ва юриспруденциянинг бирлашганлиги жамиятнинг эхтисжидан келиб чиқилган. Бу бирлашиш ич боглик булиб мавжуд булган фаннинг обьекта, предмета ва усуллари нималардан иборат, унинг умумий фаилар билан алоқадорлйиги ва у' ердаги урни кандан эканлиги каби саволларни урганишга каратилган.

Хуқуқ психологиянинг пайдо булиши қонуний ҳодиса экан, бу ерда нимага асосланиб умумий психологиядан юридик психология маҳсус фан сифатида ажралиб юриспруденция фани учун ердамчи йуналиш булиб чикканлигини аниқлаб олиш лозим.

Хуқуқ психология – суд ишларини юритиш чоғида, шахснинг хулқ-атворини маҳсус ўрганишда юриспруденция соҳасида керакли ва муҳим бўлган амалий вазифаларни эчишга ёрдам беради.

Амалиётда психологик билимларни икки усул орқали қўллаш мумкин:

-бевосита, бу усул мавжуд қонун қоидалар, қонуниятлар асосидаги билимларни шу вазиятнинг ўзидаёқ фаолия билвосита, бунда қонуниятлар асосида йигилган билимлардан бевосита фойдаланиш мумкин эмас. Бунинг учун аниқ, фаолият жараённида. ўзгаришларга дуч ксладиган қонуниятдарни билиш ва тахлил қилиш учун маълум вакт керак булади.

Хуқуқ психология фанида айнан психологик билимлардан билвосита усули орқали фойдаланиш кенг йулга куйилган (Рамуль К-А. 1995г.). Масалан, дастлабки тергов, суд

тергови ва судланувчиларии кайта тарбиялашда юзага келувчи мураккабвигг[^]е. ларро психолорик муносабатлар, шахсни урганиш, махсус хрдисаларда намоён булувчи психик жараён ва холатларни чукур урганиш ва оқилона хулосалар чикаришда маълум тажрибани кулга киритиш муҳим аҳамият касб этади.

Хуқуқ психология фанининг тарихий ривожланиши. Одил судловни урнашшда психологик билимлардан фойдаланиш кадим замонлардан бошлашан.

Антик «а урта аср (мил. ан. 3-аср ва 5-17-аср) ларда жиноий жавобгарликка тортиш учун эмпирик тажрибалардан фойдаланилган. Эмпирия - бу одамнинг ички дуиёси асосида тупланган тажриба ташки дунё (атроф-мухит, шароитлар, муносабатлар) дан йирок булганлигини билдиради. Инсон "кафасда", унинг ички дунёсини ўзгарти-риб булмайди, унинг табиати асли шундай деган фикрлар булган эди.

Одам "кафас"да булганлиги сабабли унга таъсир курсатувчи кучлар урганилмаган эди.

Урта аср даврларда жипоятчилар ўз айбини тан рлмаслиги ва айбига икрор булмаслиги натижасида уларни турли хил кийнокларга солиб керакли курсатмаларни олиш тажрибаси кенг таркалган эди (узок муддатдаги жисмоний ва руҳий кийнокдар, удиклар ётган коронги хоналарга камаш. Собиқ Буржуа ҳукм сурган даврдан бошлаб илк бор психологик билимлар пайдо булди. Ошкоралик ва тортишув асосида олинган гувоҳларнинг курсатмалари катта аҳамиятга эга була бошлади.

Россияда жиноятчиликда жиноятчининг психологиясига этибор бериш кераклиги тўғрисида И.Т.Посашков (1652-1726) фарл фикр юритади. Унинг нуктаи назари буйича жиноятчиларнинг бошка одамларга нисбатан салбий таъсирини йукотиш максадида уларнинг хулқ-атвор В.Н.Татишев (1686-1750) фикрига кура "кунунларни ёшликтан билиш лозим, уларни билмаслик бўзилишга олиб кслади", деган назария илгари сурилади.

Князь М.М.Шербатовнинг фикрига кура конун чикаришда ҳалкнинг психологияси, инсонларнинг юрагини билиш лозимдир (1733-1790). У биринчилардан булиб жиноятчини муддатдан аввал чикариб юбориш масаласини кутарган.

19-асрда И. Гофбауэрниг "Суд хабтида психологияпи куллаш" ва И.Фридрихнинг "Суд психологиясига оид муентазам кулланма"деб помланган илмий изланншларида психологик нуктаи назаридаи шаҳе, уни айглаш тушупчаси, суд жараённ, психологияси каби саволлар кенг ёритиб берилган.

20-асрда И.С.Баршевнинг "Жиноий хукукшунослик фани", Н.Я.Янович-Яневскийнинг "Жиноий адлия тўғрисида фикрлар" каби ишларида психология билимларига катта эътибор қаратилган. И.С. Баршевнинг фикри буйича "психологияни билмаслик бу тирик инсонларни эмас, мурдаларни суд қилиш демакдир.

Бадиий асарларда ҳам (Ф.М. Достоевский, Л.Н.Толстой, А.Б.Чехов ва бош.) инсоннинг ички дунёси, унинг хиссиятлари, ички туйгулари хакида сўз юритилади.

Хуқуқ психологиянинг 20-асрдаги ривожланишига А.Ф.Кони катта хисса кушали. Унинг асарларида суд фаолиятининг психологияси, гувоҳлар ва жабрлаиувчилар психологияси ва курсатмаларига катта ургу берилган.

А.С.Тагернинг "Суд исихология"сини ривожлантиришта катта хисса күшгаилиги унинг бир иеча илмий тадқикрт ишларда иштирок этганлигидан далолат беради. У "гувоҳлар турли психологик ҳрлат ва ҳодисаларнинг таъсири остида ўз курсатмаларини баён қилишлари мумкин", - деган фикрни илгари суради (куриш, эшитиш, эслаб колиш, гапириб беришнинг индивидуал хусусиятлари турли ва Ѣдрсл[^]) турлича булиши мумкин.)

XX аерниг 30-йилларида жамиятда, шу жумладан илму-фанининг турли тармокларида кескин ўзгариғалар юз беради. Психология фани каришиб 30 йил давомида педагогика фанига буйсиниб, юридик психологияга оид ишлар тухтатилб, йирик илму-фан, санъат арбоблари ўзларининг ишларидан четлатилиб катагон булганларни каби ҳодисалар кенг таркалган булади.

Факатгина 50-ипларниг охирлари 60-йилларнинг бошлари-да психология фани ва шу. ўринда юридик психология фани- аста-секинлик билан катта ва оғир зарбалардан сунг

тиклана бошлайди: 1964 йил - собик ЦК КПСС қдрорига биноан юридик психология фанини ривожлантириш ва юридик маълумотларни янгилаш ишлари бошланади.

1971 йил-суд психологиясига багишланган 1-Бутуниттифок конференцияси булиб утади.

1986 йил-юридик психология фапига багишланган 2-Бутуниттифок конференция Тарту шахрида ташкил килинади.

1989 йил-Лснинград шахрида юридик психология буйича барча Олий укув юртлари учун ишчи дастурларни тўзиш ва тасдиклаш каби тадбирлар амалга оширилади.

XX асрнинг 90- йилларида Россия олимлари томонидан юридик психология соҳаси буйича олиб борилган йирик илмий-тадқикот ишлари кенг йулга куйилади.

Ҳозирги кунда юридик психология предметининг замонавий тарздаги ифодаси илмий-амалий фанга асосланган булиб, "инсон-хукук" тизимидағи психологик қонуниятларни урганиш ва шу тизимнинг самарадорлигини ошириш учун керакли булган тавсиялар ишлаб чикиш маъноени билдиради.

Юридик психология предметини таърифлашда куплаб олимлар гомонидап гурли-хил ёндашувлар булган: юридик психологиянинг предмета - хукук нормалари билан бо»лик психик ҳодиса, механизм, қонуниятларга каратилган (А.Р.Ратинов, 1989); юридик психология, бу- бир томондан психик ҳодисаларнинг пайдо булиши ва ривожланиши, иккинч томондан ноконуний ҳаракатлар асосида инсоннинг психикасини урганишdir (А.В.Дулов, 1990), каби фикрлар илгари сурилади.

Юридик психология фанида психология ва юридик билимлар бир бутунликни ташкил килади ва улар бир-бирлари билан ўзвий boglik. Юридик психология предмети таркибиغا куйидаги тушунчалар киради:

- психологик: юридик:
 - жараён;- фаолият мойиллиги;
 - холат;-хукук мойиллиги;
 - ҳодиса;-деликто мойшшиги;
 - фаолият; -акл-роя мойиллиги;
 - шахс;-мотив:
 - куллаш;-айбланиш;
 - хулк-атвор;- қасддан ҳаракат қилиш кабилар.
- мулокот...

Психология фани жамиятимиз ривожланиб бораётган сари ўз аҳамиятига эга бўлиб, инсоният ҳаётида зарур бўлган муҳим илм соҳаларидан бирига айланиб бормоқда. Бугун психология илми кириб бормаган фан ва ишлаб чиқариш соҳасини деярли учратиб бўлмайди.

Юридик психология учун энг муҳим керакли бўлган маълумот ва далил исботларни суд-психологик экспертизаси бера олади.

Ушбу таркибий кисмлар турли илмий-тадқикот усуслар билан тасдикланади.

Хукуқ психологиянинг мақсад вазифалари, принциплари ҳамда функциялари

Юридик психология предметининг мөхияти ва тадқикот обьектини урганишда куйидаги вазифалар белгиланади:

фанинг методологик ва назарий асосларини урганиш, назарий тадқикотнинг услубиёти ва усусларини ишлаб чикиш ва уларни бошка фанларнинг услубиёти билан таккослаш ва мослаштириш;

предметнинг тизими элсмснларини урганиш: юрист шахси; унинг фаолияти; хукукий ва нохукукий хулки; конунбўзар ва конунга риоя килган шахслар; конунбўзарларнинг ижтимоий хукукий психологияси; жиноий ишни олиб боришнинг психологик хусусиятлари, конунбўзарлар профилактикаси...;

юрист- амалиётчилар учун хукук ишларига оид ва амалиётни янада яхшилаш учун юристлар жамоасини мустахкамлаш ва уларнинг фаолиятларини рагбатлантиришга

каратилган тавсиялар ишлаб чикиш, касбий йуналиш ва касб танлашга оид услубиётлар ишлаб чикиш;

4) "юридик психология" фанини назарий ва методологик жиҳатдан таъминлаш;

5) амалиётни маҳсус психологик билимлар билан таъминлаш, суд психик экспертизасига оид назария ва услубиётни ишлаб чикиш, юриспруденция жараёнида мутахассис - психологнинг иштирокини таъминлаш.

6) Жиноятни олдини олишда ёки суд ҳукмини тўғри чиқарилишида тергов ва суд ишларидаги муаммоли вазиятларни тўғри ҳал қилишида инсоннинг индивидуал психологик хусусиятлари, психологик ҳолатлари ҳамда психик жараёнларни мукаммал ўрганган ҳолда масалан ойдинлаштиради. Юридик психологиянинг ilk тарихи

Инсоний билимлар турли тармоқларининг туташган жойида пайдо бўлган кўплаб янги фанлар каби юридик психология ҳам ўз ривожланишининг дастлабки босқичларида мустақил бўлмаган ва маҳсус олимлар қадрига эга эмас эди. Бу фанга тегишли бўлган масалаларни айрим психологлар, юристлар ва хатто билимнинг бошқа соҳаларидағи мутахассислар ҳал этишга ҳаракат қилишган. Ривожланишининг ilk босқичи ҳукуқий фанларнинг ҳукуқшуносликнинг анъанавий методлари билан ҳал этиб бўлмайдиган ўзига хос вазифаларни ҳал қилиш учун психологияга мурожат қилиш зарурати билан боғлиқдир. Юридик психология ҳам психология фанининг кўплаб бошқа тармоқлари сингари соф синалмаган назариялардан илмий-экспериментал тадқиқотгача бўлган йўлни босиб ўтди.

М.М.Шербатов (1733-1790) бир катор суд-психологик жиҳатларни ва инсонпарварлик ғоясини кўриб чиқсан илк муаллифлардан бири эди. У ўз асарларида қонунларнинг инсон шахсининг индивидуал ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилишини талаб қилган, биринчилардан бўлиб жазодан шартли-муддатидан илгари озод қилиш ҳақидаги масалани киритган эди. У жиноятчининг қайта тарбияланишида меҳнат омилини ижобий баҳолаган эди.

И.Т.Посошковнинг (1652-1726) асарлари ҳам қизиқиш уйғотади, уларда айбланувчилар ва гувоҳларни сўроқ қилиш, жиноятчиларни таснифлаш ҳусусида психологик тавсиялар берилган, яна бошқа айрим масалалар устида фикр юритилган.

Жиноятчини тузатиш ва қайта тарбиялаш ғоясининг тарқалиши ҳукуқни ана шу муаммоларни илмий асослаш учун психологияга мурожат этишга мажбур қилди. XIX асрнинг бошида Россияда В.К.Елпатьевский, П.Д. Лодий, Л.С.Гордиенко, Хр.Штельцер ва бошқалар бу муаммоларни ҳал этиш устида иш олиб боришиди.

Бироқ у пайтда метафизик, синалмаган назария тулага эга бўлган психологиянинг ўзи хатто жиноят ҳукуки билан биргаликда ҳам инсон шахсини ўрганишининг етарли даражадаги мезонлари ва методларини ишлаб чиқа олмади.

Россияда XIX асрнинг III чорагида юридик психология бўйича анчагина асарлар пайдо бўлди. Булар И.С. Барьшевнинг "Жиноий қонуншунослик фанига назар" К. Янович-Яновскийнинг "Психология ва физиология" нуқтаи назаридан жиноий адлия ҳақидаги фикрлар". Ферзенинг "Суд психологияси очерки", Л.Е.Владимировнинг "Янги тадқиқотлар бўйича жиноятчиларнинг ўзига хос хусусиятлари" ва айрим бошқа асарлардан иборат эди.

Кўрсатилган асарларда суд ва тергов органларининг аниқ фаолиятида психологик билимлардан соф прагматик фойдаланиш ғоялари илгари сурилган. Масалан, И.С.Барьшев агар судья психологияни билмаса, бу «суднинг тирик мавжудотлар устидан эмас, балки мурдалар устидан ўтказилишини» билдирад эди, деб ёзган эди.

Немис олимлари И.Гофбауэрнинг «Суд ҳаётининг асосий соҳаларида қўлланиладиган психология» (1808й.) ва И.Фридрихнинг «Суд психологияси бўйича бир тизимли қўлланма» (1835й.) асарларида психология маълумотларидан жиноятларни тергов қилишда қўлланиш борасида уринишлар қилинган.

Машхур француз математик олими Лапласс ҳам гувоҳлик кўрсатмаларини баҳолашнинг психологияк масалалари билан шуғулланган. Лаплас 1814 йилда Францияда босилиб чиқкан (русча таржимаси—М.,1908й.)

“ Эҳтимоллар назарияси фалсафаси тажрибалари “ асарида гувоҳлик кўрсатмаларининг эҳтимоллигини суд хукмлари, йиғилишлардаги қарорлар ваш у кабиларнинг натижаларининг эҳтимоллиги Билан бир қаторда кўриб чиқади, уларга математик ҳисоблаш асосида баҳо беришга ҳаракат қиласди.

У берилган кўрсатманинг ҳақиқатга мувофиқлиги эҳтимолининг Элементлари қуидагилардан иборат бўлади, деб ҳисоблаган эди:

- Гувоҳнинг ҳикоя қилаётган ҳодисасининг ўзининг эҳтимолликларидан;
- Сўроқ қилинаётган шахсга нисбатан тўртта фаразларнинг эҳтимолликларидан;
- а) гувоҳ адашмаяпти ва алдамаяпти;
- б) гувоҳ алдаяпти, лекин адашмаяпти;
- в) гувоҳ адашмаяпти, лекин алдаяпти;
- г) гувоҳ ҳам алдаяпти, ҳам адашаяпти.

Лаплас гувоҳнинг кўрсатмаларининг ҳақиқатлигини ёки ёлғонлигини бундай тарзда баҳолашнинг фактлар далолат берадиган ҳолатлар сонининг кўп микдорда эканлиги сабабли қийин эканлигини тушунар, лекин суд ҳам ўзининг хукмларида математик ишончлиликка эмас, балки факат эҳтимоллиликка таянади, деб ҳисоблар эди. Лекин барибир Лапласнинг схемаси гувоҳлик кўрсатмаларини баҳолашнинг илмий методикасини яратиш борасидаги илк уриниш тарзида қизиқарлидир.

Суд психологияси муаммоларини ўрганиш узоқ вақт давомида ана шундай уринишлардан нарига ўтмаган. XIX асрнинг иккинчи яримида барча капиталистик мамлакатларда нафақат табиий фанларнинг гуркираб ривожланиши, шу билан бирга жиноятчиликнинг ҳам ўсганлиги суд-психология тадқиқотларини янада жонлантириш ва кенгайтириш учун туртки бўлди.

Хуқуқ психологиянинг фан сифатида шаклланиши

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида психология психиатрия ва бир қатор юридик фанларнинг (биринчи навбатда-жиноят хуқуқи) интенсив ривожланиши Билан боғлиқ ана шу даврда бу Фан соҳасида иш олиб борган бир қатор олимлар (И.М. Сеченов, В.М. Бехтерев, С.С. Корсаков, В.П. Сербский, А.Ф. Кони ва бошқалар) прогрессив позицияларни эгаллашган эди.

Психология, психиатрия ва хуқуқнинг ривожланиши юридик психологиянинг мустақил илмий фан сифатида шакллантирилиши зарурлигига олиб келди. П.И.Ковалевский 1899 йилда психопатология билан хуқукий психологияни ажратиш, шунингдек бу фанларни юридик таълим курсига жорий этиш ҳақидаги масалани қўйди.

Тахминан ана шу даврда жиноят хуқуқининг антропологик ва социологик мактаблари ўртасида кураш авжига минди. Антропологик мактабнинг асосчиси Ч.Ломброзо эди, у «туғма жиноятчи» назариясини яратган эди, бу назарияга кўра бундай жиноятчи ўзининг атавистик хусусиятлари туфайли тузалиши мумкин эмас.

Социологик мактаб вакиллари утопик социализм ғояларини қўлланишган ва жиноятчилик сабабларини тушунтиришда ижтимоий фактларга ҳал қилувчи аҳамият беришган. Бу давр учун социологик мактабнинг айрим ғоялари прогрессив элементлар касб этган эди.

XX асрнинг бошида юридик психологияда тадқиқотнинг экспериментал методлари пайдо бўлади.

Шу даврдаги асарларнинг аксарият қисми гувоҳлик кўрсатмалари психологиясига бағишлиланган. Булар: И.Н.Холчевнинг «Ҳаёлпараст ёлғон», Гр.Португаловнинг «Гувоҳлик кўрсатмалари тўғрисида» (1903), Е.М.Кулишернинг «Гувоҳлик кўрсатмалари психологияси ва суд тергови» (1904) асарларидир. М.М.Хомяковнинг «Гувоҳнинг психологияси

масаласига доир» (1903), А.В.Завадский ва А.И.Елистратовнинг «Ўгитсиз сўроқларнинг гувоҳлик кўрсатмаларининг ишончлилигига таъсири ҳақида» (1904), О.Б.Гольдовскийнинг «Гувоҳлик кўрсатмалари психологияси» (1904) мавзуларидаги маъruzalari ҳам шу мавзуга бағишлиланган эди.

Л.Е.Владимиров, Г.С.Фельдштейн, М.Н.Гернет ва бошқаларнинг ҳам жиноятчи шахсининг психологиясини тадқиқ этишга доир асарлари пайдо бўлади.

Суд психологияси бўйича энг батафсил асар Ганс Гроссга тегиши эди. Унинг 1898 йилда босилиб чиқкан «Криминал психология» асарида шу даврдаги бир қатор психологларнинг умумий патологик экспериментал тадқиқотлари натижаларидан фойдаланилган.

Психологиянинг экспериментал методининг бевосита қўлланилиши жиноятларни тергаш психологиясини ўрганишда олдинга ташланган жиддий қадам бўлди. Ушбу методнинг яратувчиларидан бири француз психологи Альфред Бинэ ўгитнинг болалар кўрсатмаларига таъсири ҳақидаги масалани илк марта экспериментал йўл билан ўрганиб чиқди. У 1900 йилда «Уқтирувчанлик» номли китобини эълон қилди, унда маҳсус боб ўгитнинг болалар кўрсатмаларига таъсири ҳақидаги масалага бағишлиланган. Унда А.Бинэ шундай қизиқарли хulosаларни чиқаради: 1) саволларга жавобларда ҳар доим хатолар бўлади; 2) кўрсатмаларга тўғри баҳо бериш мақсадида суд мажлиси протоколларида саволларни ва уларга жавобларни батафсил баён қилиш керак бўлади.

1902 йилда немис олим Вильям Штерн гувоҳлик кўрсатмаларининг ишончлилигини аниқлаш бўйича тажрибалар ўтказди. Унинг вазифаси А.Бинэдаги сингари гувоҳларнинг кўрсатмаларини олишнинг илмий асосланган усусларини излаб топиш эмас, балки кўрсатмаларнинг ишончлилиги даражасини белгилашдан иборат бўлган. В.Штерн ўз маълумотларига таяниб, гувоҳлик кўрсатмалари принципиал даражада ишончли эмас, хато, чунки «эсдан чиқариш бу қоидадир, хотирлаш эса – истиснодир», деб таъкидлаган. В.Штерн ўз тадқиқоти якунлари ҳақида Берлин психология жамияти мажлисида ахборот берган, бу маълумотлар Европанинг кўплаб мамлакатларидаги юридик доираларда катта қизиқиши уйғотган. Кейинчалик В.Штерн яққол ифодаланган идеалистик тусга эга хотиранинг персоналистик концепциясини яратди. Бу концепцияга биноан одамнинг хотираси объектив борлиқнинг акси бўлмайди, балки фақат унинг шахснинг тор худбин манфаатларини, унинг индивидуалистик ниятларини, ғурурини, шухратпастлигини, иззатталабилигини ва шунга ўхшаганларни кўзлайдиган бузуб акс эттирилиши бўлади.

В.Штерннинг маърузаси рус юристлари орасида ҳам қизғин баҳс келтириб чиқарди. Петербург университети профессори О.Б.Гольдовский, Қозон университети профессорлари А.В.Завадский ва А.И.Елистратов В.Штерннинг Россиядаги чинакам тарафдорлари бўлиб чиқишиди. Улар В.Штерннинг тажрибалари каби тажрибаларни ўзлари ҳам мустақил ўтказишиган ва шунга ўхшаган хulosаларга келишган. О.Гольдовский шундай деган эди: «Хатоларнинг психологик асослари турли-туман ва гувоҳ тасвирлаган манзаранинг воқелик билан таққосланиши ғоят нохуш хulosага олиб келади. Гувоҳ аниқ нусхани эмас, балки унинг сохта шаклини беради».

А.В.Завадский ва А.И.Елистратовнинг қарашлари қуйидаги фикрда анча аниқ ифодаланган: «В.Штерн гувоҳлик кўрсатмаларининг ишонч-лилиги устида бир қатор тажрибалар олиб борган. Тажрибалар унга шундай ҳолатни солиштириш ҳуқуқини берган: бехато кўрсатмалар истисно бўлади, хатоларга эга кўрсатмалар қоида тусини олади. Бундай қоидани тўлиқ аниқланган деб ҳисоблаш мумкин».

Германияда, шунингдек, О.Липпман, А.Крамер, В.Ф.Лист, С.Яффа ва бошқалар суд психологияси масалалари билан шуғулланишган. 1903 йилдан бошлаб В.Штерн Лист ва Гросс билан ҳамкорликда «Кўрсатмалар психологияси бўйича маъruzalар» журналини нашр қилишган.

Криминалистик психология бўйича тадқиқотлар бошқа мамлакат-ларда ҳам: Францияда – Кларапед, АҚШда – Мейерс, шунингдек, Микин Кеттел томонидан ҳам

үтказилган; М.Кеттел 1895 йилда талабаларнинг хотираси билан тажриба ўтказган, сўнгра гувоҳлик кўрсатмаларининг аниқлиги даражасининг кўрсаткичини тузишни таклиф килган.

Россияда М.М.Хомяков, М.П.Бухвалова, А.Н.Берштейн, Е.М.Кулишер ва бошқалар гувоҳлик кўрсатмалари психологияси масала-лари устида иш олиб боришган. 1905 йилда «Психология муаммолари. Ёлғон ва гувоҳлик кўрсатмалари» тўплами босилиб чиқди. Тўпламдаги кўпгина мақолалар гувоҳлик кўрсатмаларининг ишончли эмаслиги ҳақидаги ғояни илгари суради.

Россиянинг ўша пайтдаги жиноят-кассация Сенати обер-прокурори (кейинчалик адлия вазири) И.Г.Шегловитовнинг В.Штерннинг тажрибалари ҳақида фикри характерлидир. У шундай ёзга: «Энг янги кузатувлар шуни кўрсатадики, гувоҳлик кўрсатмалари ҳақиқатнинг кўплаб ноихтиёрий бузиб кўрсатишларига эга, шунинг учун жиноятнинг ташки ҳолатини фақат гувоҳлар ёрдамида белгилашдан қочиш зарур».

Бироқ шуни қайд қилиш зарурки, ўша даврдаги юристлар ва психологларнинг ҳаммаси ҳам гувоҳлик кўрсатмаларига нисбатан салбий муносабатга қўшилишмаган. Улар орасида аввало йирик рус юристи А.Ф.Конининг номини келтириш зарур. Петербург университети юридик жамияти жиноят бўлими мажлисидаги О.Гольдовскийнинг «Гувоҳлик кўрсатмалари психологияси тўғрисида»ги маъruzаси бўйича музокараларда А.Ф.Кони В.Штерн ва О.Гольдовскийнинг хulosаларига кескин қарши чиқкан. У шундай деган: «Штерннинг тадқиқотлари ғоят бир томонлама эканлиги бўлими мажлисидаги О.Гольдовскийнинг «Гувоҳлик кўрсатмалари психологияси тўғрисида»ги маъruzаси бўйича музокараларда А.Ф.Кони В.Штерн ва О.Гольдовскийнинг хulosаларига кескин қарши чиқкан. У шундай деган: «Штерннинг тадқиқотлари ғоят бир томонлама эканлиг бўлими мажлисидаги О.Гольдовскийнинг «Гувоҳлик кўрсатмалари психологияси асоссиз таъкидларга жавоб бўлган эди.

Қозон университети олимлари М.А.Лазарев ва В.И.Валицкий шундай қайд қилишган эдики, Штерннинг қоидалари амалиёт учун аҳамият касб этмайди, гувоҳлик кўрсатмаларидаги ноихтиёрий хатолар эмас, балки гувоҳларнинг онгли ёлғонининг энг катта ёмонлик эканлиги энг кўп тарқалган ҳолатdir, бу гувоҳларнинг 3/4 қисми ҳақиқатдан чекинади, деганига нисбатан тўғрироқdir.

Таникли психолог Б.М.Теплов ҳатто муаллифларнинг тўлиқ субъектив виждоний ишлаганида ҳам психологик тажрибаларнинг натижалари мазмунига кўра улар амал қиласидиган назария томонидан белгиланади, деб тўғри қайд қилган эди. В.Штерн ва бошқалар ўзларининг психологик изланмаларида объектив борлиқнинг психик акс этишининг ўзига хос хусусиятларини тушунмасликни намоён этишган. Масалан, улар ноихтиёрий хотира моҳиятини миянинг унга таъсир этувчи омилларни пассив тарзда эслаб қолишининг тасодифий натижаси сифатида кўриб чиқишган. «Бизнинг хорижий психологиядаги хотирага оид турли назарияларни таҳлил этишимиз шуни кўрсатдик, хотиранинг фаолият ва аввало субъектнинг амалий фаолиятининг маҳсули ва алоҳида, мустақил идеал фаолият сифатида ўрганилмаганлиги улар учун асосий ва умумий нуқсондир. Бу хотира ҳақидаги механистик ва идеалистик тасаввурларни келтириб чиқарадиган асосий сабаблардан бири эди».

Фанлар, шу жумладан, ижтимоий ходисалар ҳақидаги фанларнинг ривожланиши жиноятчиликнинг сабабларини ўрганиш, унинг олдини олиш билан шуғулланадиган ижтимоий институтлар фаолиятини илмий асослашга доир интилишни ҳосил қиласиди. Шундай қилиб, XIX асрнинг охираida ўшбу муаммо ечимиға нисбатан янгича ёндашув шаклана бошлади, унинг моҳияти жиноий хулқ-атворнинг сабабларини очиб бериш ва уларнинг асосида жиноятлар ва жиноятчиликка қарши кураш бўйича амалий фаолият дастурини яратишдан иборат эди.

XIX асрнинг ўрталарида Чезаре Ломброзо биринчилардан бўлиб жиноий хулқ-атвор табиатини антропология позициясидан туриб илмий изоҳлашга ҳаракат қиласиди. Ломброзо назарияси бизнинг давримизда ҳам ўз тарафдорларига эга. Клайнфельтернинг хромосомлар аномалиялари назарияси, туғма тажовузкорлик ва бузғунчилик майллари, ген инженерияси

ҳақидаги фрейдистик ва неофрейдистик таълимотлар каби замонавий назарияларда уларнинг таъсирини кўриш мумкин.

Шубҳасиз, агар Ч.Ломброзонинг антропологик назарияси мантиқига охиригача амал қилинадиган бўлса, унда жиноятчиликка қарши кураш «туғма» жиноятчиларни жисмоний йўқ қилиб ташлаш ёки умрбод қамаб қўйиш йўли билан амалга оширилиши керак. Жиноий хулқ-атвор табиатини тушунтиришдаги биологизаторлик ёндашуви жиноятчилик ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганила бошлаган вақтда буржуа социологлари, Ломброзонинг замондошлари томониданоқ жиддий, адолатли танқид остига олинган.

Хуқук психологиянинг XX асрдаги тарихи

XIX асрнинг охири – XX асрнинг боши криминологик билимнинг ижтимоийлашуви билан характерланадики, бунда ижтимоий ҳодиса сифатидаги жиноятчилик сабабларини буржуа социологлари Ж.Кетле, Э.Дюргейм, П.Дюпоти, М.Вебер, Л.Леви-Брюль ва бошқалар ўргана бошлаган, улар ижтимоий статистика методини қўлланиб, жиноий хулқ-атвор табиатини тушунтиришдаги антропологик ёндашувга барҳам беришган, чекинувчан хулқ-атворнинг жамиятнинг фаолият кўрсатишининг ижтимоий шарт-шароитларига боғлиқ эканлигини кўрсатишган.

Жумладан, Жан Кетле, Эмиль Дюргейм томонидан муайян тарихий муддат давомида ўтказилган турли нонормал кўринишларнинг (жиноятчилик, ўзини ўзи ўлдиришлар, фохишабозлик) салмоқли статистик таҳлили шуни кўрсатдики, одамларнинг хулқ-атворидаги ҳолатлар шуни кўрсатадики, буни келиб чиқишининг асосий сабабини ижтимоий муҳитдаги иқтисодий қийинчиликлар, ижтимоий муҳитнинг яхши эмаслигидан дейишидаи.

Тартибга солиб турадиган турли ижтимоий-психологик механизmlар ва феноменлар ҳисобига делинквент хулқ-атвор табиатини тушунтиришга нисбатан турли-туман ёндашувлар тақдим этилган. Жиноятчилик ҳақидаги турли буржуа ижтимоий-психологик назарияларнинг характерли белгиси – ягона методологик платформанинг йўқлиги, жиноятчилик ва бошқа салбий ижтимоий ҳодисаларнинг ижтимоий-иқтисодий детерминизациялашувини ҳисобга олмасликдан иборатdir. Жиноятларнинг ижтимоий – психологик теорияси ҳақидаги фактларни американлик ижтимоий-психология йўналиши вакиллари – Р.Мертона, Ж. Старленда, Д. Матса, Т.Сайкса, Э. Глюка ва бошқалар таҳлил этиб беришган.

Замонавий криминологик билимнинг ажralиб турадиган ўзига хос хусусияти – бу чекинувчан хулқ-атвор сабаблари ва омилларини кўриб чиқиш ва ўрганишга нисбатан бир тизимли ёндашув, муаммонинг айни бир вақтда фаннинг турли тармоқлари вакиллари: юристлар, социологлар, психологлар, медиклар томонидан ишлаб чиқилишидир.

Бу ўз навбатида жиноятларнинг олдини олиш амалиётига нисбатан комплекс ёндашиш имконини беради. Бунда амалиётда хуқуқни муҳофаза қилиш, превентив, пенитенциар фаолиятни амалга оширадиган ижтимоий институтларнинг психолого-педагогик жиҳозлантирилиши катта роль ўйнайди.

Хозирги биологизатор криминологик назариялар жиноий хулқ-атвор табиатини Ломброзо сингари жуда соддалик билан изоҳламайди. Улар ўз далилларини замонавий фанлар: генетика, психология, психоанализ ютуқлари асосида тузадилар. Масалан, жумладан, Клайнфельтер синдроми деган ном олган кашфиёт: 74XVV типидаги хромосомли бузилишлар эркакларда 46ХУ хромосомлари мажмуи нормал бўлганида жиноятчилар ўртасида 36 марта кўпроқ учраши 70-йиллардаги шов-шувлардан бири бўлган эди.

Шунингдек, хромосомли аномалларнинг умуман ҳамма жиноятчиларда эмас, балки аввало узун бўйли шахслар ўртасида кўпроқ учраши ҳақидаги фараз ҳам текшириб кўрилди. Америка психик саломатлик миллий маркази 1970 йилда хромосомли аномалларнинг жиноятчилик билан тахмин қилинадиган алоқасига бағишлиланган 45 та тадқиқотнинг обзорини ўз ичига оладиган маъruzani эълон қилди. Жами 5342 жиноятчи тадқиқдан

үтказилди, бунда хромосомли бузилишларда агрессив хулқ-атвор билан боғлиқ деб ҳисобланадиган узун бўйли шахслар гурухи махсус танлаб олинди. Бундай шахслар орасида фақат 2% да, ҳар қандай бўйли жиноятчилар орасида – 0,7%, 327 кишидан иборат қонунга итоаткор фуқароларнинг назоратли гурухи орасида – 0,1% да хромосомли бузилишлар аниқланди.

Ўз моҳиятига кўра бу тадқиқот хромосомли бузилишларнинг нафақат жиноятчилик, шу билан бирга руҳий қасалликлар билан ҳам айрим энг кам алоқасини белгилаб берди.

Францияда 1972 йилда Халқаро конференцияда турли мамлакатлар тадқиқотчилари гендаги бузилишлар билан жиноятчилик ўртасидаги боғлиқликнинг статистик тасдиқланмаслиги ҳақидаги яқдил фикрни билдириши.

Шундай қилиб, хромосомли аномаллар назарияси ҳам бир пайтлар-даги жиноятчиликнинг антропологик назарияси каби бироз синчиклаб ўрганилганида ўз тасдигини топмади ва жиддий асосли танқидга учради.

Биологизаторлик ёндашуви тарафдорлари ва, жумладан, фрейдистик ва неофрейдистик мактаб вакиллари гўёки зўравонлик жиноятларининг илк сабабчиси бўлиб хизмат қиласиган тажовузкорлик каби хусусият табиатини тушунтиришга алоҳида эътиборни қаратишади. Тажовузкорлик – бу муайян обьектга ёки одамга зарар етказишни мақсад қилган хулқ-атвордир. У, фрейдистлар ва неофрейдистларнинг фикрича, айрим англанмайдиган туғма майларнинг ҳар хил сабабларга кўра амалга оширилмаслиги натижасида вужудга келади ва тажовузкорлик энергияси, бузғунчилик энергиясини ҳаётга келтиради. Э.Фрейд либидони, А.Адлер - ҳокимиятга, бошқалар устидан устунликка интилишни, Э.Фромм – бузғунчиликка майлни ана шундай англанмайдиган туғма майлар сифатида кўриб чиқишиган.

Шубҳасиз, бу тарздаги тушунтиришда тажовузкорлик албатта туғма, кучли ифодаланган англанмайдиган, ҳаётда ҳар доим ҳам амалга ошавермайдиган ва шу сабабли деструктив, бузғунчилик хулқ-атворида намоён бўладиган майларга эга ҳар қандай одамда пайдо бўлиши керак.

Бироқ тажовузкорлик ва унинг табиатининг хориждаги ва мамлакатимиздаги кейинги тарафдорлари (А.Бандури, Д.Берговең, А.Басе, Э.Квятковская-Тахович, С.Н.Ениколопов ва бошқалар) тажовузкорлик ва унинг ифодаланиши табиатига нуқтаи назарни жиддий ўзгартириши.

Тажовузкорлик табиатида ижтимоий ҳаётда амал қиласиган омилларга тобора кўпроқ ўрин берилаяти. Масалан, А.Бандурининг фикрича, тажовузкорлик - бу ижтимоийлаштиришнинг бузилган жараёнининг натижаси, жумладан, ота-оналарнинг жазолашлар, болаларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлишни сустеъмол қилиш натижаси. А.Бергковең эса обьектив вазият билан одамнинг тажовузкор хулқ-атвори ўртасида ҳар доим иккита воситачи сабаблар: тажовузкорликка тайёрлик (ёвузлик) ва ушбу вазиятни ўзи учун талқин қилишлик вужудга келишини кўрсатади.

Индивидуал психосоматик ва жинс-ёшга оид хусусиятлар, улар билан боғлиқ чекланишлар (ақлий ривожланишдаги қолоқлик, асабий-психик ва соматик патологиялар, ўсишдаги кризисли ёшга оид даврлар ва шу кабилар) ноижтимоий хулқ-атворнинг психобиологик асослари сифатида кўриб чиқиладики, улар индивиднинг ижтимоий кўникумалар Билан боғлиқ чекланишлар (ақлий ривожланишдаги қолоқлик, асабий-психик ва соматик патологиялар, ўсишдаги кризисли ёшга оид даврлар ва шу кабилар) ноижтимоий хулқ-атворнинг психобиологик асослари сифатида кўриб чиқиладики, улар индивиднинг ижтимоий кўникур билан боғлиқ чекланишлар (ақлий ривожланишдаги қолоқлик, асабий-психик ва соматик патологиялар, ўсишдаги кризисли ёшга оид даврлар ва шу кабилар) ноижтимоий хулқ-атворнинг психобиологик асослари сия делинквент субмаданиятининг шакланиши усусларини изоҳлашнинг бир қатор ўзига хос уринишлари мавжуд.

Р.Мертоннинг делинквент хулқ-атворда ахлоқ нормаларининг ўлиб, йўқолиб бориши ҳақидаги фаразга қурилган (жиноятчилик психологияси) «ижтимоий аномалия» назариясини; жиноятчи ахлоқнинг умумий қабул қилинган нормаларига умуман

қўшиладио, лекин ўзининг жиноий хулқ-авторини оқлайди, деб ҳисоблайдиган Д.Матс, Т.Сайкснинг «нейтраллаштириш» назариясини шунга киритиш мумкин.

Собиқ совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида одил судловни амалга ошириш, қонунийлик, жиноятчи шахси ва бошқа масалаларга бўлган катта ижтимоий қизиқиши юридик психологиянинг ривожланишига кўп ёрдам берди. Мамлакатда жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарларни қайта тарбиялашнинг янгича шакллари излана бошлади. Юридик психология шу муаммоларни ҳал этишда фаол иштирок этди. 1925 йилда Москвада дунёда биринчи марта жиноятчилик ва жиноятчини ўрганиш бўйича Давлат институти ташкил этилди. Ушбу институт фаолият кўрсатишининг дастлабки беш йили давомида юридик психология бўйича кўп сонли асарларни эълон қилди. Москва, Ленинград, Саратов, Киев, Харьков, Минск, Бокуда ва бошқа шаҳарларда жиноятчилик ва жиноятчини ўрганиш бўйича маҳсус кабинетлар ташкил этилди.

Шу билан бир вақтда гувоҳлик кўрсатмалари психологияси, психологик экспертиза ва бошқа айрим муаммолар бўйича тадқиқотлар олиб борилди.

Психолог А.Р.Лурия 1927 йилда Москва губерния прокуратурасида ташкил этилган экспериментал психология лабораториясида қизиқарли тадқиқотларни ўтказди. У жиноятларни тергаш учун экспериментал психология методларини кўлланиш имкониятларини ўрганди ва кейинчалик «ёлғонни фош қилувчи» (лай-детектор) деган ном олган асбобнинг иш принципларини ифодалаб берди.

В.М.Бехтерев ва А.Ф.Кони каби таникли мутахассислар ўша пайтдаги юридик психология ривожига катта ҳисса кўшишиди.

Пед. Техналогиялар: Таалабаларнинг мустақил ишлари кичик ва катта гурухларда мухокама қилинади. Шунингдек, маъруза ва амалий машғулотларни олиб боришда тарқатма материаллар, замонавий пед-к, психологик технологиялар “Интер актив”, “Бумеранг”, Кластер, “Ақлий хужум” ”Давра столи”, “Кластер” “ФСМУ”каби интерфаол усуллардан фойдаланилади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар :

- 1 Юридик психология предмети тушунчаси хақида айтинг?
2. Юридик психология тарихий шаклланиши хақида нималар биласиз?
3. Ҳуқуқшунослик фаолиятининг ижтимоий психологик тавсифномаси қандай тузилишга эга?
5. Ҳозирги замон юридик психология фанининг имкониятлари хақида нималар биласиз?
6. Юридик психология ривожланиш тарихида қандай муаммолар бўлганлигини аниқланг.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1 Каримов. И.А Юксак маънавият –енгилмас куч.
-Т. : маънавият ,2008-17 б.
- 2.Васильев.В.А. Юридическая психология.Учебник.
–С.П. : Питер.2010.
- 3.Дулов.А.В.Судебная пс-я. Минск.2005.
- 4.Ениниев.М.И.Юридическая пс-я.М.: 2006.
- 5.Нагаев.В.В. Основа судебно-психологической экспертизы.
Учебник.М.: 2008.
- 6.Столяренко.А.М. Прикладная юридическая п-я.
Учебник.М.: 2007.
- 7.Ситковская.О.Я. Судебно-психологическая экспертиза аффекта.
Учебник. Мет-пос.М.:2008.
- 8.Рухиева.Х.А. Суд-психолог экпертизаси. Ўқув кўлланма – Т.: 2010.
- 9.Рухиева Х.А. Гозиев Э.Ф. Олий мактаб психологияси
Муаммолари. Ўқув кўлланма. Т.: 2008.

Технологик карта

2 - МАВЗУ		Хуқуқ психологиянинг методологик асослари ва усуллари
Мақсад ва вазифалар		<p>Талабаларга илмий билимлар ривожланишининг замонавий босқичида методологик муаммолар ахамиятини ўсиши тушунтириш. Илмий тадқиқот метадологияси тушунчаси. Юридик психологияда талаблар. Юридик психологияда – психологик тадқиқотни иккита асосий типи. Экспериментли ва корреляцион. Маълумотларни валидлiği, ишончлилигини ва шартли масаласини очиш хусусияти тўғрисида тушунча бериш.</p> <p>Юридик психология қўлланиладиган асосий методлар . Юридик – психологияда татбиқ этиладиган методикаларнинг валидлiği хамда уларга муносабат.</p> <p>Юридик психологияда «тест» ларни қўллашнинг муоваффақият гарови. Юридик психологияда тергов экспериметлари. Юридик психологияда ўтказилган методикаларни корреляцияси ва интерперитатцияси.</p> <p>Мавзуга оид тарқатма материалларнинг талабалар томонидан якка ва гурӯҳий асосда ўзлаштириб олинишини таъминлаш, сұхбат – мунозара орқали ўзлаштиришни назорат қилиш.</p>
Ўқув жараёнининг мазмуни		<ul style="list-style-type: none"> - Илмий билимлар ривожланишининг замонавий босқичида методологик муаммолар ахамиятини ўсиши; - Илмий тадқиқот метадологияси тушунчаси; - Юридик – психологияда тадқиқотни иккита асосий типи; - Юридик психологияда тадқиқотни асосий методлари; - Юридик психологияда «тест» қўллашни шароитлари.
Ўқув жараёнининг амалга ошириш технологияси		<p>Метод: оғзаки баён қилиш, “ФСМУ”, “Блиц”, “Кластер”, “Интер фаол”, “Баҳс – мунозара” методи, жамоатчилик фикрий фаолияти, ижодий, танқидий ва таҳлилий ёндашув асосида ўтказилади.</p> <p>Шакл: аудитория – дарс шакли, жамоада ишлаш.</p> <p>Восита: тарқатма материаллар – матнлар, маълумотномалар</p> <p>Усул: ёзма материаллар ва чизмаларни аниқ ажратиш ва белгилаш асосида.</p> <p>Назорат: савол - жавоблар</p>
Кутиладиган натижалар		<p style="text-align: center;">Ўқитувчи:</p> <p>Маърузачи қисқа вақт ичида барча талабалар томонидан мавзунинг ўзлаштирилишига эришади. Талабалар фаоллигини оширади. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқиш уйғотади. Ўз олдига қўйган мақсадига эришади.</p> <p style="text-align: center;">Талаба:</p> <p>Янги билимларни эгаллайди. Якка ҳолда ва гурӯҳ билан ишлашни ўрганади. Нутқи ривожланади ва эслаб қолиш қобилияти кучаяди. Қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлади.</p>
Келгуси режалар (таҳлил, ўзгаришлар)		Педагогик ва психологик технологияларни ўзлаштириш ва уларни дарсга тадбиқ этиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш, мавзуни ҳаётий воеалар билан боғлаш. Педагогик маҳоратни ошириш.

2 – МАВЗУ : Хуқуқ психологиянинг методологик асослари ва усуллари

Режа :

- 1.Юридик психологиянинг методологик асослари.**
- 2.Юридик психологиянинг замонавий методлари ва уларнинг мақсад ва вазифалари.**
- 3.Тергов жараёнида методларнинг амалиётга тадбиқ этишнинг аҳамияти**

Кириш

Методология - бу, назарий ва амалий фаолиятни ташкил қилиш ва тўзишга каратилган тамойил ва услублар тизими тушунчаси, хакикатни билиш ва исбот қилиш усуллари ҳақидаги таълимотдир.

1.Юридик психологиянинг методологик асослари.

Аниқ изланиш предметига эга бўлган ҳар қандай фан ўша предметининг моҳиятини ёритиш ва материаллар тўплаш учун маҳсус усуллар ва воситалардан фойдаланади ва улар фаннинг методлари деб юритилади

2.Юридик психологиянинг замонавий методлари ва уларнинг мақсад ва вазифалари.

Кузатиш методлари , Сўрек методлари Тестлар Экспериментал ва моделлаштириш методлари орқали инсон психик холати аниқланади.

3.Тергов жараёнида методларнинг амалиётга тадбиқ этишнинг аҳамияти.

Суд-психологик экспертизаси замонавий, илмий - психологик методлар асосида ўтказилиши керак. Эксперт текшируванинг хulosалари терговчи, судьяларнинг текшируви ва берган баҳоларига лойик бўлиши лозим.

Суд-психологик экспертизасининг асосий мақсади - патологик бўлмаган шахсни, яъни психик ривожланиши жихатидан орқада қолиб кетмаган шахснинг руҳий холатидаги ўзгаришларда хукукий нормага нисбатан муносабатини психодиагностик усуллардан фойдаланиб, илмий жихатдан асослаб беришdir.

Юридик психология фаннинг методологик асослари

Атрофимиздаги бутун борлик, яъни табиат, одамлар, вазият, ҳодиса ва имкониятларнинг онгимизда фаол тасвирланишини "билиш" деб аталади. Онг - бу факат одамгагина таалукди булган объектив дунёни олий шаклидаги тасвири ва бу тавсир уйгунлашган психик жараёнлар оркали амалга оширилади. Одам оғиги 2 та хусусиятга эта:

- биологик - материя субстратига кура бош миянинг функцияси;
- ижтимоий - онгнинг идеал равишда жамият тажрибаси, ижтимоий мухит билам бөглигик булган функцияси.

Масалан, тафаккуримиз онг оркали идеал равишда онгнинг маҳсулини ташкнл килса, психик жараёнлар (ссзги, кабул билиш, тасаввур, фикрлаш) материал (биологик) Характерда ўз фаолиятини олиб боради.

Билиш маҳсус олий шаклдаги тасаввур хиеоблапиб, у бор нарсаларнинг шахеий долатидаги чегараларидан чикиб кетиши му лори Билиш табиати - унинг имкопият, шарт-шаронтлари, хакконийлигини билиш назариясига таълукли булиб у оркали урганилади.

Ижтимоий билишнинг хусусиятлари шундан иборатки, одам ҳар вакт ҳам ўрганилаётган объектларни кўздан кесира олишга, у билан мулокртда булиш ва тадқикотлар утказишга имконият топа олмайди. Чумки содир булаётгап ходнсалар ўзипииг маъносига тўғри келмаслиги мумкин (масалан, юридик психология нуктаи назаридан воеа содир булган жойда топилган предметлар хакикий ҳодисага тегишли булмаслиги мумкин). Шунинг учун ҳам воеа ва ҳодисаларнинг хакконийлигини аниқлаб олишда катта ва мураккаб фикр юритиш керак булади.

Юридик психологияда доимо конунбўзарлар, жиноий иш ва жиноятчилар тўғрисида маълумотлар олинади. Бу маълумотларни топит, тахлил қилиш ва уларга баҳо бериш билиш аспектининг мазмунини ташкил киласди (масалан, тергов ишларини олиб бориш, жиноий ишни фош қилиш, жиноят содир булиши тўғрисида огохлантириш ишларида).

Амалистда билишнинг 3 тури мавжуд:

1. оддий (кумдалик хайтимиздан келиб чиккан, хайтий тажрибамиз асосидаги билимлар);
2. илмий (аниқ текшириб курилган, табиат ва жамият конунлари асскпда исботлаиган билимлар);
3. фалсафий (билимларимиз объектив ҳакикатга айланган, субъект томонидан ҳакикий тасвирга эга, объектив табиат томонидан тан олинган). Ушбу тасаввурлар мантикий фикр юритиши, предмет ва ходисалар |1| сиззиларли даражада кабул қилиш, мантикий холосалар чикариб исботлаб бериш натижасида юзага келади.

Оди'л суд на хуку кии муҳрфаза қилиш органлари фаолиятилимг хусусиятларидан келиб чикиб А.К. Дулов (1998) 6 та фаолият гурларини курсагиб угади:

- билиш фаолияги; конструктив фаолият; коммуникатив фаолият;
- ташкилий фаолият; тарбиявий фаолият; тасдиқловчи фаолият.

Мазкур фаолиятлар асосида олинган маълумотлар оддий, илмий ва фалсафий нуктаи назаридан куриб чикилади ва таҳдил қилиш учун манбаа яратилади.

Юридик психология фанининг методологик масалаларини куйидаги илмий тартибда кўриш мумкин: диалектика

- мантнк
- пазарий билиш

Мантнк - аниқкатегорийялар тизими, билишнинг мазмуюй томони ва унинг найдо булиш ва ривожланиш жараёни булиб хисобланади ва у пазарий билиш билан бөглиқ: (бошлангич ва умумий шароитдаги мавжуд булнан билишларни урганиш);

диалектика билан бөглиқ:

(табиат, жамият ва тафаккур жараёни хамда ривожланишнинг уйгунлашган конунларни урганиш).

Юқоридаги илмий низом назария ва усулнинг бирлигини аниқлаб беради. Бу бирлик одамга атрофдаги борликни мустақил равишда тушиниб етишига ёрдам беради.

Бу, аниқ тушунчалар тизими булиб, улар тадқикот оъъекти, унинг ички алокалари, ривожланиш коинуларнинг мазмунини тасвирлайди.

Предметга (объектга) булган ҳаракатни аниқлаб беради.

Назария ва намоён булади.

Усул натижавий функцияни бажариб, у субъект объектга нисбатан ўзини қандай тутиш, максадга эришиш учун қандай амалий опрацияларни бажариши кераклигини бслгилаб беради. усулнинг тадқикотда кулланилиши услубиётда намоён бўлади.

Тадқикот услубиёти - бу, изчил операциялар ва кулланаётган усулларни тартибга солувчи коидалар тизими.

Амалий ва пазарий жиҳатдан ҳакикатни билиш учун усул назария оркали ўз вазифаларини бажаради.

Юридик психология методологияси юриспруденция ва умумий психология методологиялари бирлигига намоён булади.

Методология - бу, назарий ва амалий фаолиятни ташкил қилиш ва тўзишга каратилган тамойил ва услублар тизими тушунчаси, ҳакикатни билиш ва исбот қилиш усуллари ҳақидаги таълимотдир.

Щунай таъкидлаб утиш керакки, услубий тадқикот усуллардан ташкири тадқикот шаклларига эга.

Усул - бу обьектга нисбатан булган психологик билимларни эгаллаш ҳаракатини англашса, шакл - шу билимларни эгаллаш босқичидалари маъносини билдиради. Маълум бир пайтда йигилган билимларни ургаишда илмий муаммо, фактлар, гипотеза ва назариядан фойдаланиш мумкин.

Психологик-хукукий билимларни
илмий муаммо
фактлар
гипотезалар
назария
шакллари оркали кул га киритиш мумкин.

Оддий шаклдаги билимлар (тушунча, фикр юритиш, хулоса чикариш) кейинчалик илмий билиш даражасига кутарилади.

Илмий билимлар эмпирия, яъни тажрибадан назарияга келиб тушиб шаклана бошлайди. Бу билимлар ҳаёт давомида текшириб, таққосланиб кейин илмий билимларга айланади. Объектив дунёни тушуниб - этиш аниқ; илмий-тадқикот усуллардан ташкари кушилиб кетган усуллар оркали амалга оширилади. Масалан: индукция-дедукция, тахдил-синтез, абстракциялаш-

Аниқ изланиш предметига эга бўлган ҳар қандай фан ўша предметининг моҳиятини ёритиш ва материаллар тўплаш учун маҳсус усуллар ва воситалардан фойдаланади ва улар фаннинг методлари деб юритилади. Фаннинг салоҳияти ва обрўси ҳам биринчи навбатда ўша методлар ёрдамида тўпланган маълумотларнинг ишончлилиги ва валидлилигига боғлик бўлади. Бу фикрлар бевосита психологияга ҳам алоқадор бўлиб, методлар масаласи бу фанда жуда катта аҳамиятга молик масала сифатида қаралади. Чунки юқорида таъкидлаганимиздек, психик ҳодисаларни бевосита қўл билан ушлаб, кўз билан илғаб, кулоқ билан сезиш қийин. Лекин жуда кўплаб фанлар билан фаол ҳамкорлик шунга олиб келганки, психологиянинг ҳар бир тармоғи ўз вазифаларини ечиш ва маълумотларга эга бўлиш учун кўплаб методларни синовлардан ўтказиб, энг ишончли ва мукаммалларини сақлаб қолган.

Математик статистика ва эҳтимоллар назариясининг психология соҳасида қўлланилиши ва унда эришилган муваффақиятлар аввало ҳар бир методнинг ишончлилик даражасини аниқлаш, қоловерса, тўпланган маълумотларнинг қай даражада асосли ва валид эканлигини исботлашга ёрдам беради.

Умумий психологияда инсон психикасини тадқиқ қилиш ме-тодларининг турли йўналишлари мавжуд. Текшириладиган психик ҳаёт ҳодисалари жуда хилма-хил бўлиб, мураккаб ва психологик жараёнларга хос ҳодисаларни ўз ичига олади. Инсонда бу психологик ҳолатлар, ҳодисалар ва жараёнлар қандай методлар, яъни кайси йуллар, қандай усуллар билан текширилади, деган савол туғилиши табиий. Аввало методнинг ўзи нима, деган саволга жавоб беришга тўғри келади. Метод лотинча «*methados*» сўзидан олинган бўлиб, текшириш, ўрганиш, ва тушунтириб бериш деган маънони англатади, ҳамда аниқ масала, муаммоларни ҳал қилишга қаратилган воқеаликнинг амалий ёки назарий билиш усуллари мажмуидан иборатдир.

Бу методнинг умумий таърифидир. Агар уни ҳар бир алоҳида фанга нисбатан оладиган бўлсак, у вазиятда метод айни шу фаннинг предметини текшириш, ўрганиш ва тушунтириб бериш усулларининг йигиндиси эканлиги келиб чиқади. Демак, ҳар қандай метод маълум принципларга асосланмоғи керак¹.

Бу принцип қуидагилардан иборатдир:

1. Текшириладиган ҳар бир психик ҳодисага бошқа ҳодисалар билан боғланган деб қаралиши зарур. Жумладан, психик ҳодисани унинг нерв-физиологик асосидан ажратиб ўрганиш мақсадга мувофик. эмас. Ёки шахсдан ажратиб ўрганиш ҳам ижобий натижа бермайди.
2. Ҳар бир психик ҳодиса ва воқеалар умуман шахс вужудга келиш, тараққий этиш ва ўзгариш жараёнида кўздан кечирилиши мухим аҳамият касб этади. Шунинг учун масалан, болалар ва ўсмирлар психикасининг тараққиёт қонуниятларини ўзлаштирмасдан туриб, катталар психикасини етарлича аниқ ва тўлиқ ҳолда билиб бўлмайди.
3. Психик ҳаёт ҳодисаларини уларнинг тараққиёт жараёнида ўрганганда микдор

ўзгаришларнинг сифат ўзгаришларга ўтишини ва бир сифат ҳолатларининг иккинчи сифат ҳолатига ўтишини кўздан кечирмоқ қерак. Масалан, одам психикасининг тараққий этишини ўргана туриб, билим олиш ва тўплаш жараёнида одамнинг билиш жараёнлари сезги, идрок, дикқат, хотира, тафаккур ва нутқи мушоҳадакорлиги сифат жиҳатдан ўзгаришини кўрсатиб берса бўлади.

4. Табиат ва жамиятдаги барча мавжуд нарса ва ҳодисалар ўзаро боғлиқликда яшайди. Бирон нарса ёки ҳодиса билан боғлиқ бўлмаган, яъни якка ҳолда яшайдиган нарса ёки ҳодиса бўлмайди ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

5. Табиат ва жамиятдаги барча мавжуд нарса ва ҳодисалар ҳар доим хатти-харакатда бўлиб, харакатдан тўхтаб қотиб қолган ҳеч нарса ва ҳеч бир ҳодиса бўлмайди.

6. Нарса ва ҳодисаларнинг миқдор жиҳатдан бундай ўзгариши, дастлабки вазиятларда билинар-билинмас бўлиши мумкин². Лекин бориб-бориб, маълум бир нуқтага етганда бу миқдор ўзгаришлари, сакраш йўли билан сифат ўзгаришларга ўтади. Яъни нарса ва ҳодисалар эволюцион тарзда (босқигчма-босқич) эмас балки инқилоб тарзда бирданига ўзгариб кетадилар.

7. «Табиат ва жамиятдаги барча нарса ва ҳодисаларнинг тараққиёти асосида ички қарама-қаршиликлар қураши ётади, яъни ҳар қандай тараққиёт ички зиддиятларнинг ҳал қилиниши жараёнида юзага келади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳар бир фаннинг методи ўз предметини ўрганиш ва текшириш жараёнида ана шу принципларга асосланади». Амалий психологиянинг ҳам ўз предмети бўлиши, психик жараёнлар, шахснинг индивидуал психологик хусусиятларини, ҳамда психик ҳолатларини ўрганишда асосан бир қанча илмий методлардан фойдаланиши зарур.

«Ҳозирги фан ва техника тараққиёти психологик тадқиқот ва текширишларнинг илмийлигини янада ошириш учун (субъектив омилларнинг таъсирини камайтириш мақсадида) комплекс дастур асосида бошқа фанлар медицина, физика, физиология, биология, хукуқ, социология, кибернетика, статистика, фалсафа, мантиқ ва ҳоказолар билан биргаликда тадқиқот ишлари олиб боришни тақозо этмоқда. Амалий йўсингдаги илмий-тадқиқот фаолияти ана шу қўп қиррали (комплекс) ёндашишни талаб қиласди. Психология соҳаларида (психофизиология, космос, медицина, инженерлик, юридик психологияси) ёки авиация психологиясида тадқиқот обьектига системали ёндашиш принципи амалга оширилмоқда. Комплекс метод ёрдамида ўрганилаётган обьектдаги ўзгаришлар турли нуқтаи назардан таҳлил қилинади ёки уларга ҳар хил ёндашилади. Масалан, болада оддий билимларни ўзлаштириш хусусияти психологик жиҳатдан текширилаётган бўлса, комплекс ёндашиш таъсирида ана шу ўзлаштиришнинг фалсафий, мантикий, физиологик, ижтимоий, биологик хусусиятлари ёритилади. Айтайлик, кексайишнинг биологик омилларини ўрганиш унинг психологик, физиологик, мантикий жиҳатларини ёритишга хизмат қиласди.

Комплекс дастур ёрдамида амалга оширилган тадқиқот на-тижаси илмий аҳамиятга молик бўлиб, инсоншунослик муам-моларини ҳал қилишда катта ёрдам беради ҳамда муҳим аҳамият касб этади.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда амалий психология ўз олдида турган назарий ва амалий вазифаларни чинакам илмий асосда ҳал қилишда, психология соҳасида илмий текшириш ишларини муваффақиятли олиб боришда фойдаланадиган усул ва воситаларга, яъни методларга катта эътибор беради. Уларнинг ҳақиқатни очишга, психик жараёнларнинг қонунларини муқаррар қилишга қодир бўлишларини тақозо қиласди. Демак, одамнинг теварак-атрофдаги воқеликни билиши кузатишдан, тажрибадан бошланади.

Шу сабабли амалий психология ҳам ўз тадқиқот доирасини ўрганиш тажрибасидан, психик ҳаёт фактларини кузатиш, аниқлаш, тавсиф этиш ва таҳлил қилишдан бошлаши лозим.

Сўнгра аниқланган ва таҳлил қилинган фактлар асосида, психик ҳаёт қонуниятларини очиб, тегишли назарий ва амалий хulosалар чиқарилиши мумкин.

Хар бир фандаги каби амалий психологияда ҳам тажриба кузатиш ва эксперимент шаклида қўлланилади. Кузатиш ва экспериментдан ташқари илмий текширишнинг бошка маҳсус методлари сухбат, биография, солиштирма тарихий метод ва бошқа усувлар ҳам қўлланилади.

Психологиянинг асосий методлари

АСОСИЙ МЕТОДЛАР	Асосий методларнинг варианtlари
КУЗАТИШ МЕТОДИ	Ташки (объектив кузатиш) Ички (субъектив, ўз-ўзини кузатиш) Эркин кузатув Стандартлаштирилган Гурух ичидаги кузатиш Гурух ташкарисида кузатиш
СЎРОҚ МЕТОДЛАРИ	Оғзаки сўроқ Ёзма сўроқ Эркин сўроқ (сухбат) Стандартлаштирилган сўроқ
ТЕСТЛАР МЕТОДИ	Тест-сўров Тест-топшириқ Проектив тест Социометрик тест
ЭКСПЕРИМЕНТ	Табиий эксперимент Лаборатория эксперименти
МОДЕЛЛАШТИРИШ	Математик моделлаштириш Мантикий моделлаштириш Техник моделлаштириш Кибернетик моделлаштириш

Кузатиш методи

Кузатиш методи психологиянинг асосий ва кенг қўлланиладиган методларидан бири бўлиб, бу метод ёрдамида психик жараёнларни шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари, ҳамда психик ҳолатларини табиий шароитда, яъни одам у ёки бу фаолиятда қандай бўлса шундайлигича ўрганилади. Бироқ психик ҳодисалар одамнинг субъектив ички кечинмалари бўлгани учун уларнинг ички мазмунни шахснинг ўзигагина аёндир. Масалан, кишининг хаёлига нималар келганлигини, нималар эсга тушганлигини, ҳар хил истак, орзу, туйғуларнинг мазмунини ва шу кабиларни факат шахснинг ўзигагина айти олади. Психик жараёнлар (сезги, идрок, диққат, хотира, тафаккур, нутқ, хаёл кабилар)ни шахснинг ўзигагина билиши, англаши мумкин деб қаралган. Субъектив кузатиш, яъни ўз-ўзини кузатиш методидан бир неча аср давомида фойдаланиб келинган бўлишига қарамай бу методни илмий метод деб бўлмайди. Психик ҳодисаларнинг физик ва физиологик ҳодисалардан фарқи ҳам шундаки, улар ички мазмунга эга бўлганидек, бу психологик ҳолатларнинг сиртқи ифодалари ҳам бордир. Шу сабабли кузатиш методи психологияда ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ўз-ўзини (субъектив) кузатиш ва сиртдан (объектив) кузатиш деб икки усулага ажрати

"Ўз-ўзини кузатиш методи

Ўз-ўзини кузатиш методининг бир қатор салбий томонлари бор. Биринчидан ўз-ўзини кузатиш методидан фойдаланилганда ҳар бир одам ўз манфаати юзасидан субъектив хулоса чиқаради. Иккинчидан, субъектив методдан фойдаланганда одам ўз шахсига хос бўлган айrim салбий (яъни иродасизлик, номустақиллик, кўрқоқлик, қобилиятсизлик каби) хусусиятларни боқша одамларда ҳам худди шундай бўлади деб ўйлаши мумкин.

Бу методдан фойдаланиш анча мураккаб. Чунки бирор кучли психик ҳолатни кечираётган киши (масалан, қайгу ёки шодлик вақтида) бирор ўй ёки хаёлга ботган вақтда ўзи уларни онгли равишда таххил қилиб бериши жуда мушкул ишdir. Яъни, шахс айни

вазиятда психик ҳолатни «ҳам кечиравчи, ҳам текширувчи» бўлмоғи қийиндир. Аммо чинакам фаний билим объектив яъни ҳамма учун умумий хақиқат бўлмоғи шарт, Яна шуниси ҳам борки, бу методдан фойдаланиш учун психологиядан анча маълумотли бўлмоқ ва ўз кечинмаларини таҳлил қила билмоқ ҳам керак.

Бу метод билан кичик ёшдаги болаларнинг психологиясини ўрганиб бўлмайди. Демак, бу методнинг имкониятлари чеклан-гандир. Бироқ юқорида кўрсатилган камчиликлар ўз-ўзини кузатиш методини тамомила рад қилиш учун етарли асос бўлолмайди. Киши ўз бошидан кечираётган бирон бир психик ҳолатни айни вазиятда ўзи текшира олади. Онгли шахснинг хусусиятларидан бири ҳам шундан иборатки, у ўзининг бошидан ўтказаётган воқеа ва ҳодисаларни шу оннинг ўзидаёқ англайди, фаҳмлайди, яъни уларни кузатиб бора олади, ҳатто инсон ўзини идора қила олади, баъзи туйғуларни боса олади. Масалан, ваҳимага берилмасликка ёки жаҳлини босишга ҳаракат қиласи. Демак, у шу вазиятда бу каби ҳислар ўзида пайдо бўлса ҳам уларга йўл қўйиш ярашмаслигини билиб туради. Буни ҳар ким ўз тажрибасидан жуда яхши билади. Одам фақат ҳаддан ташқари ҳаяжонланган, жуда кучли туйғу-ҳиссиёт депрессия, агрессия, шок ва аффект ҳолатларига берилган вазиятлардагина ўз бошидан ўтказаётган ҳолатларни таҳлил қила олмайди, у ўзини йўқотиб қўйгандай бўлади. Аммо психик воқеа ва ҳодисаларни, уларни айни кечираётгандагини кузатиш мутлақо шарт эмас. Уларни ҳар ким ҳам, яъни эсга тушириш йўли билан таҳлил қилиши мумкин.

Кўпинча ўтмишда бошдан кечирилган психик воқеа ва ҳодисалар кейинчалик хотирага олинниб, таҳлил қилинади. Масалан, катта завқ-шавк билан ишлаб ўтирган киши бутун вужуди билан илҳомга берилиб ўтиради ва айни вазиятда илҳомнинг ўзи хақида ва ўзи илҳом кечираётгандагини ўйламайди. Аммо кейинчалик у илҳомга берилган вақтида қандай руҳий ҳолатларни кечирганини хотирасига олиб, шу каби психик кечинмаларнинг хусусиятларини таҳлил қиласа бўлади. Психологияда бу методни қўллаш натижасида эришилган хulosаларни бошқа методларни қуллаш йўли билан текширилади ва тўлдирилади. Чунки умумпсихик ҳодисаларни фақат ягона бир метод билан ўрганиш мумкин эмас.

Сиртдан кузатиш методи

Ўз номидан куриниб турибдики, бу метод воқеаларга ара-лашмай, унинг табиий боришини ҳисобга олиш методидир. Яъни кишининг руҳий ҳаётига дикқат беруб психик жараёнлари индивидуал психик хусусиятлари ҳамда, психологик ҳолатларини шу тариқа ўрганиш сиртдан кузатиш методи дейилади. Лекин бунда шуни назарда тутиш керакки, ўкиш фаолиятларида катта қийинчиликларга дуч келувчи ўқувчиларни ҳаддан ташқари қийнаб, жонига тегиб кузатиш ҳамиша заарлидир. Маълумки, ички туйғуларнинг, психик жараёнларнинг «ташқи ифодалари», яъни сиртқи алломатлари мавжуддир.

Бу ифодалар одамнинг ҳаракатлари, мимика ва пантомимкаларидан (имо-ишораларидан, юриш туришларидан) иборат. Сиртдан кузатишнинг мақсади ички руҳий ҳолатларнинг фақат сиртқи кўринишларинигина эмас, балки уларга қараб психик жараёнларнинг ички мазмунларини очиш ва шундай тарзда кузатилган психик жараёндан маълум илмий-амалий натижалар чиқаришдир.

Масалан, ўқувчилар дикқатининг хусусиятларини ёки улар дикқатининг қанчалик чидамли эканлигини, дикқат нима сабабдан ўзгариб туришини билиш зарур бўлса, дарсда эшитиб ўтирган ўқувчиларнинг дикқати сиртдан кузатилади. Дарсда болаларнинг қилиб ўтирган ҳаракатларидан, ўёқ-бу ёққа қараб ўтиришларидан ёки тик қотиб ўқитувчига тикилиб ўтиришларидан, уларнинг дикқатлари тўғрисида тегишли хulosаларга келиш мумкин.

Сиртдан кузатиш вақтида кузатилаётган фактлар қайд этиб борилади. Қайд этишда уларнинг сурати ҳам олиниши мумкин. Бу соҳада фото ва видео аппаратуралардан кенг фойдаланадилар, айниқса кичкина болаларнинг психикаси ва хайронлар психикасини ўрганишда шу воситалардан кенг фойдаланилади. Бу метод билан тўпланилган фактлар

тахлил қилинади ва умумийлаштирилиб, маълум психологик қонуниятлар мұқаррар қилинади.

Бироқ бу методнинг асосий камчилғи шуки, унинг ёрдами билан психик ходисаларнинг ички мазмунини чукур ўрганиб бўлмайди. Масалан, бир кишининг ташқи кўринишидан унинг хаёл суріб ўтирганини билиш ва унинг шу ҳолатини кузатиб туриш ҳам мумкин бўлади. Аммо унинг хаёлига кандай нарсалар келганлигини, хаёлида қандай образлар пайдо бўлганлигини, яъни ундаги психик ҳолатнинг ички мазмунини била олмаймиз. Психологнинг туб мақсади, албатта, хаёлга чумиб ўтирган кишининг фақат юз ифодаларини қайд этиб бориш, уларнинг суратини олиш каби ишлардан иборат бўлмасдан, балки шу ташқи ифода ва аломатларга қараб психик жараёнларни тўлиқ ва тўғри билиб олишдир. Шунинг учун бу методлар ёрдамида олинган маълумотлар эришилган натижалар ўз-ўзини кузатиш методи билан олинган маълумотлар асосида тўлдирилади.

Ёш болаларнинг психикаси асосан шу метод билан текширилади ва уларнинг харакатлари қараб психик ҳолатлари ҳакида хулоса чиқарилади.

Сиртдан кузатиш методи билан ҳар бир психик ҳолат табиий шароитда, турмушда қандай юз берадиган бўлса, шу ҳолида олиб текширилади. Бу методдан фойдаланувчилар маълум илмий текшириш режаси асосида иш кўрсалар ҳам шу жараёнларга таъсир қиласдан, сиртдан туриб текширадилар ва текширмоқчи бўлган психик жараённинг юз беришини пойлаб юришга мажбур бўладилар. Илмий текшириш соҳасидаги бу ноқулайлик ва қийинчиликлар эксперимент методи билан бартараф қилинади.

Эксперимент методи

Эксперимент методи психологияда XIX асрнинг иккинчи яр-мидан татбиқ қилина бошланди ва унинг асосий методларидан бири бўлиб қолди.

Эксперимент методининг психологияда икки асосий тури мавжуд бўлиб, уларни лаборатория ва табиий эксперимент деб ажратадилар.

Текширилиши лозим бўлган биронта психик ҳодиса ва воқеа лаборатория шароитида маҳсус равища вужудга келтирилиб, уни техник аппарат, асбоб ва воситалар ёрдами билан текшириш усули эксперимент методи дейилади. Эксперимент асосида текширишлар одатда маҳсус лаборатория ва институтларда олиб борилади ва бунинг учун ҳар хил техник аппарат, асбоб ва материаллардан фойдаланилади. Психологик эксперимент методи жуда қулай ва аниқ натижалар берадиган методлар сирасига киради. Чунки унинг ёрдами билан хоҳлаган бирон бир психик ҳодисани атайин вужудга келтириб, ҳар томонлама батафсил ва аниқ ўрганиш мумкин. Масалан, дикқатнинг ҳажмини, эсда колдириш тезлигини, хотира топқирлигини, хаёл ва тасаввурларнинг бойлигини, тасаввурлар боғланиши (ассоциацияси)ни ва шу сингари бошқа психик жараёнларни шу метод билан тез ва аниқ текширилади ва нати-жада маълум психологик қонуниятлар ҳосил қилинади.

Психик жараёнлар билан организмдаги ўзгаришлар ўртасидаги муносабат, организм реакцияларининг суръати ва шунга ўхшаш ҳодисалар ҳам шу йўл билан ўрганилади.

Психик ҳодисаларни лаборатория эксперименти методи ёрдамида ўрганиш жараённида уларни турлича ўзгаририб туриш, бошқа ҳодисаларга боғлаб, шароитни турлича ўзгаририб, уларнинг кучини, тезлигини, ҳажмини ва бошқа томонларини аниқ ўрганиш ва кузатиш натижаларини математик усул билан ҳисоблаб чиқиш мумкин. Шу билан бирга бирор лабораторияда ўтказилган тажриба натижаларини, лозим топилса бошқа бир лабораторияда ҳам айнан такрорлаб, уни синааб кўриш мумкин. Чунки эксперимент методи ўтказиш жараённида ишлатиладиган асбоб, аппаратуралар ва бошқа лаборатория жиҳозлари аниқ ва тўғри кузатиш ҳамда бир тажрибани айнан такрорлаш имкониятини беради. Шунинг учун ҳам бу метод объектив натижага берадиган методдир.

Бироқ психологияда лаборатория эксперимент методи баъзи бир нуқсонлардан ҳам холи эмас. Эксперимент методининг нуқсонларидан бири унинг маълум даражада сунъийлигидир. Эксперимент қилинаётган жой - лаборатория, психология кабинетларининг психологик мухити кишининг психикасига таъсир қиласи. Яна шуниси ҳам

борки, киши ўзининг текширилаёт-ганлигини пайқаб қолса, ўнғайсизланади ва ўзини одатдагидан бошқачароқ хис қиласди, тортинади ва хоказо. Бу эса, албатта, экспериментнинг натижаларига ҳам таъсир кўрсатиб, кутилган мақсадга олиб келмаслиги мумкин. Маълумки уялиш, тортиниш, шошиб қолиш ҳам психик жараёнларнинг сифатига таъсир қиласди.

Шунинг учун ҳам психологияда эксперимент методини алоҳида дикқат ва эҳтиёт билан қўллаш лозим.

Психологияда эксперимент методининг яна бир кўриниши-дан фойдаланадиларки, бу табиий эксперимент дейилади.

Табиий эксперимент методи. Ўрганмоқчи бўлган шахсдаги бирон бир психик жараённи, унинг ўзига сездирмасдан ва унинг учун табиий бўлган шароитда ёки унинг кундалик фаолияти жараёнида вужудга келтириб ўрганиш усули **табиий эксперимент методи** деб аталади.

Психик жараёнларни табиий эксперимент методи билан ўрганиш лаборатория шароитида сунъий йўллар билан ўтка-зиладиган эксперимент методидан фарқ қиласди. Чунки табиий эксперимент текшириладиган одам учун табиий бўлган бир шароитда ва унинг кундалик фаолияти жараёнида амалга оши-рилади. Текширилаётган одам ўзи устида маҳсус тажриба қилинаётганини пайқамайди. Шу сабабли унинг ҳамма хатти-ҳаракатлари, юриш-туришлари самимий ва табиий бўлиб чиқади. Шунинг учун ҳам бу метод аниқ илмий натижалар ҳосил қилишга ёрдам беради.

Табиий эксперимент методини рус психологи Лазурский вужудга келтирди, шундан сўнг XX асрдан бошлаб бу метод психологияда кенг ёйилди. Бу метод хусусан боғча ёшидаги ва мактаб ёшидаги болаларнинг психологиясини ўрганишда татбиқ қилинади. Масалан, боғча ёшидаги болаларнинг ижодий хаёлига хос бўлган хусусиятларни аниқлаш мақсадида қуйидаги табиий экспериментни ўтказиш мумкин. Болалар боғчасида болалар учун одатдагича хикоя айтиш вақтида маҳсус тайёрланган бир хикояни гапириб, унинг энг қизиқарли, воқеанинг энг баравж жойига келиб тўхтатилади. Шундан сўнг бу хикоянинг нима билан тамом бўлишини гапириб бериш болалар ихтиёрига қолдирилади. Болаларни шу тарика гапириб берган нарсаларидан уларнинг ҳаёли ва тасаввурларига хос бўлган хусусиятлари аниқланади.

Яна бир мисол. Ўқитувчи бирор таълим-тарбиявий чоранинг ўқувчилар психикасига, онгига қандай таъсир килишини синаб кўриш мақсадида шу чорани синф ёки мактаб мухитида, ўқувчилар одатланган бир машғулот жараёнида ўтказиб, маълум бир хulosага келади.

Табиий эксперимент методидан фойдаланиш учун аввалом бор пухта тайёргарлик кўриш керак. Бу метод ёрдамида тўпланган материаллардан хulosса чиқарганда субъективликнинг олдини ола билиш лозим, яъни текширувчи одам психик жараёнларнинг фақат ташқи алматларинигина қайд этиб бориб, уларнинг ички хусусиятларини аниқлашда текширилаётган одамда ҳақиқатда бўлмаган кечинмаларни бўлди деб ўйлаши ёки уларни бутунлай бошқача изоҳламоғи мумкин. Шунга кўра психологияда табиий эксперимент методи бошқа методлар билан биргаликда татбиқ қилинган тақдирдагина тўла илмий қийматга эга бўла олади.

Шу методлар билан бир қаторда психологияда яна сўроқ - сухбат методлари ва киши фаолияти маҳсулини таҳлил қилиш каби бир-қанча ёрдамчи методлардан ҳам фойдаланилади.

Сўроқ-сухбат методи. Бирорта психик жараённинг ички хусусиятларини аниқлаш юзасидан текширилаётган одамга маҳсус берилган саволларга жавоб олиш усули **сўроқ ва сухбат методи** дейилади. Бу метод ҳам психик жараёнларни бошқалар устида ўрганишдан иборатdir. Текширилаётган одам берилган саволларга жавоб қайтаради. Унинг жавоблари ёзиб борилади, сўнгра улар таҳлил қилиниб, маълум бир хulosса чиқарилади. Бирок бу методдан тўғри фойдалана билиш керак. Айниқса, бериладиган саволларни пухта ва чукур уйлаб чиқиш лозим. Бу саволлар шундай мазмунда ифода қилиниши зарурки, уларга бериладиган жавоблар худди текширилмоғи лозим бўлган кечинма ва жараёнларнинг ички

хусусиятларини билиб олишга ёрдам берсин, бу жавоблар самимий ва холисона бўлсин, улар текширилувчига таъсир қилиб, унинг фикрини бошқа бир изга солиб юбормасин. Савол берган вақтда шуни эсда тутмоқ керакки, одамнинг табиати тез таъсиранувчан бўлиб, тақлидга мойил бўлади. Хусусан, бу ёш болаларга хос хусусиятдир. Шунинг учун ҳам, масалан, болаларнинг кизикиш, орзу-ҳавасларини ёки қандай мавзудаги китобни ўқишни истаганликларини аниқлаш учун «Саёҳат, саргузашт, ҳайвонот ёки уруш ҳақида ёзилган китобларни ўқишни истайсанми?» ёки «Сен ким бўлишни ҳоҳлайсан, муҳан-дисми, учувчими ёки ўқитувчими?». Мана шу хилда ифодаланган саволларни бериш ярамайди. Чунки одатда болалар бу са-волларнинг мазмуни таъсирига берилиб, саволда нималар кўрса-тилса, факат шуни қайтараверадилар. Аммо «Сен ким бўлишни истайсан?» деб савол берилса, бола ҳолисона жавоб бериб, ўзи нимага қизиқадиган бўлса, шуни қўрсатади.

Сўроқ ва суҳбат методи ҳозирги замон психологиясида давр талабидан келиб чиқсан ҳолда кенг ишлатилади. Хусусан, тергов жараёнида фикрлаш, ирова, хаёл ва ижод жараёнлари каби энг олий руҳий ҳолатларни ўрганишда бу методдан кўп фойдаланилади. Унинг қиймати шундаки, респондент (текширувчи) ўзининг берган саволи билан реципиент (текширилаётган) одамнинг дикқатини ички кечинмаларига қаратади ва уни шу ҳақида чукур ўйлашга, ўзининг кечинмаларини таҳлил қилишга мажбур этади.

Сўроқ қилиш методи юридик психологиянинг энг долзарб методларидан бири ҳисобланиб, тергов харакатларини ўтказишда муҳим аҳамият касб этади. У ҳам психологиянинг барча тармоқларида бирламчи маълумотлар тўплашнинг анъанавий усулларидан ҳисобланади. Унда текширилувчи текширувчи томонидан қўйилган қатор саволларга муҳтасар жавоб қайтариши керак бўлади.

Оғзаки сўроқни ёки баъзан уни оддийгина қилиб, суҳбат методи деб аталади, ўтказадиган шахс унга маълум даражада тайёргарлик кўргач сўроқ ўтказади. Агар мабодо унинг профессионал маҳорати ёки тажрибаси бунга етарли бўлмаса, сўров ўз натижаларини бермаслиги мумкин. Лекин маҳоратли респандент ушбу методлар ёрдамида инсон руҳий кечинмаларига алоқадор бўлган ноёб маълумотларни тўплаш имконига эга бўлади.

Ёзма сўроқ ёки анкетанинг афзаллиги шундаки, унинг ёрдамида бир вақтнинг ўзида кўпгина одамлар фикрини ўрганиш мумкин бўлади. Унга киритилган саволлар, улардан кутиладиган жавоблар (ёпиғ анкета), ёки эркин ўз фикрини баён этиш имкониятини берувчи (очиқ анкета) сўровномалар аниқ ва равон тилда жавоб берувчилар тушуниш даражасига монанд тузилган бўлса, шубҳасиз, қимматли бирламчи материаллар тўпланади.

Сўроқнинг ҳам эркин ва стандартлаштирилган шакллари мавжуд бўлиб, биринчисида олдиндан нималар сўралиши қатъий белгилаб олинмайди, иккинчи шаклида эса, хаттоки, компьютерда дастур ишлаб чиқилиб, минглаб одамларда бир хил талаблар доирасида сўроқ ўтказилиши назарда тутилади.

Тест методи.

Тестлар охирги пайтда ҳаётимизга дадил кириб келган текширув усуллари сирасига киради. Улар ёрдамида бирор ўрганилаётган ходиса хусусида ҳам сифат, ҳам мифдор характеристикаларини олиш, уларни кўпчиликда қайта-қайта синаш ва маълумотларни корреляцион анализ орқали ишончлиликка текшириш мумкин бўлади. Тест лотинча “**test**” – сўзидан олинган бўлиб, **синаш** деган маънони англатади. Айни тестга қўйилган талаб ҳеч қачон ўзгармайди, хаттоки, шундай тестлар борки, улар турли миллат ва элат вакилларида, турли даврларда ҳам ўзгармаган ҳолда Тадқиқотларда қўллаш мумкин. Масалан, Равеннинг ақлий интеллектни ўлчаш, Кэттельнинг ва Айзенкнинг шахс тестлари шулар жумласидандир.

Тест — сўров олдиндан қатъий тарзда қабул қилинган саволларга бериладиган жавобларни тақозо этади. Масалан, Айзенкнинг 57 та саволдан иборат тести шахсадаги интроверсия-экстроверсияни ўлчайди, саволларга «ҳа» ёки «йўқ» тарзида жавоб бериш сўралади.

Тест — топшириқ одам хулқи ва холатини амалга оширган фаолиятлари асосида баҳолашни назарда тутади. Масалан, шахс тафаккуридаги креактивликини аниқлаш учун күпинча бир қарашда оддийгина топшириқ берилади: берилған 20 та доира шаклидаги шакллардан ўзи хохлаганча расмлар чизиш имконияти берилади. Маълум вақт ва тезликда бажарилиш суръати, расмларнинг ўзига хос ва бетакрорлигига қараб шахс фикрлаши жараёнининг нақадар ностандарт, ижодий ва креактивлигига баҳо берилиб, миқдорий кўрсатгич аниқланади. Бу методларнинг умумий афзаллиги уларни турли ёш, жинс ва кассб эгаларига нисбатан қўллашнинг қулайлиги, бир гуруҳда натижа бермаса, бошқа гуруҳда яна қайта текширув ўтказиш имкониятининг борлиги бўлса, камчилиги-баъзан текширилувчи агар тестнинг моҳиятини ёки қалитини билиб қолса, сунъий тарзда унинг кечишига таъсир кўрсатиши, фактларни фалсификация қилиши мумкинлигидир.

Тестлар ичida **проектив тестлар** деб номланувчи тестлар ҳам борки, тестнинг асл мақсади текширилувчига сир бўлади. Яъни шундай топшириқ бериладики, текширилувчи топширикни бажараётib, нимани аниқлаши мумкинлигини билмайди. Масалан, машҳур Роршахнинг «сиёҳ доғлари» тести, ёки ТАТ (тематик апперцепцион тест), тугалланмаган хикоялар каби тестларда бир нарсанинг проекциясидан гўёки иккинчи бир нарсанинг моҳияти аниқланади. Ўша 1921 йилда қашф этилган «сиёҳ доғлари» ва уларга қараб текширилувчининг нималарни эслаётганлиги, доғлар нималарга ўхшаётганлигига қараб, унинг шахс сифатидаги йўналишлари, ҳаётий тамойиллари, қадриятларига муносабати, ишни бажариш пайтидаги эмоционал ҳолатлари аниқланади. Бу тестлар жуда ноёб, қимматли, лекин уни факат профессионал психологни мумкинлигидир.

Психологик экспериментнинг моҳияти шундаки, унда шартли равища шундай сунъий бир вазият шакллантирилади ва ташкил этиладики, айнан шу вазиятда қизиқтираётган психик жараён ёки ходиса ажратилади, ўрганилади, таъсир кўрсатилади ва баҳоланади. Агар табиий эксперимент ўша қизиқтираётган феномен текширилувчи учун табиий хисобланган шароитларда (масалан, меҳнат жараёнида, каникулда ёзги лагерда, лицей аудиториясида ва шунга ўхшаш) мақсадли ташкил этилиб, ўрганилса, лаборатория эксперименти маҳсус жойларда, маҳсус асбоб-ускуналар воситасида ўрганилади. Масалан, диққатингизнинг хусусиятларини билиш керак бўлса, психология лабораториясида маҳсус тахистоскоп деб аталган мослама ёрдамида ёки «Ландольт халғачалари» деб номланган жадваллар ёрдамида ўрганиш мумкин бўлади. Хаттоқи, ижтимоий муносабатлар борасида ҳам ўзаро ҳамжиҳатлик, лидерлик ва конформлилик ходисаларини текшириш учун *группавий интеграторлар ва гомеостат* деб номланувчи мосламалар яратилган ва улар ёрдамида гуруҳдаги турли хил ходисалар ўлчанган.

Моделлаштириш методи кузатиш, сўроқ, эксперимент ёки бошқа усувлар ёрдамида ўрганилаётган ходиса ва воқеаларнинг туб моҳияти очилмаган вазиятларда далил исботларни топиш мақсадида қўлланилади. Бунда ўша ходисанинг умумий хоссаси ёки асосий параметрлари моделлаштирилиб, ўша модель асосида тадқиқотчини қизиқтирган жиҳат ўрганилади ва хulosалар чиқарилади.

Моделлар техник, мантикий, математик ёки кибернетик бўлиши мумкин. Математик модел асосида ўрганилган ходисага машҳур тадқиқотчилар Вебер-Фехнерларнинг сезгириликнинг куйи, юқори ҳамда нормал пароглари (чегараси)ни аниқлашга қаратилган математик формуласи ва шу асосда тўпланган маълумотлар тахлилини мисол қилиш мумкин. Мантикий моделлар ёрдамида кўпинча инсон интеллекти ва тафаккур жараёнлари ва қонунларини ҳисоблаш машиналари иш принциплари билан қиёслаш орқали тузилган ғоялар ва символлар ишлатилади. Кибернетик моделлаштиришда эса ғоялар психологиясини ЭҲМ даги математик программалаштириш тамойилларига мослаштириш назарда тутилади. Ҳозир кўпгина мураккаб шахс хусусиятлари ҳам программалаштирилган бўлиб, улар алгоритмлар асосда қисқа фурсатда кўпгина сифатларни кўплаб параметрлар нуқтаи назаридан ҳисоблаб натижаларни умумлаштиришга имкон бермоқда. Кўпинча математик ўйинлар ғояси одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар соҳасини ўрганишда ҳам қўлланилмоқда. Маълум бўлишича, одамнинг фикрлаш операциялари билан ЭҲМ ларнинг

ишлиш принциплари ўртасида маълум уйғунлик бор экан, бу эса мураккаб психик жараёнларни моделлаштириш орқали инсон ақлу-заковати чегарасини янада кенгайтириш истиқболини беради.

Умуман психологиянинг ва унинг ҳар бир алоҳида тармоқларининг ўзига хос методлари бор. Улар ижтимоий ҳулқ ва алоҳида индивид ички дунёсини комплекс тарзда ўрганиш имконини беради. Гап шундаки, уларни ўз вақтида ва профессионал тарзда кўллай билиш ва олинган натижалардан тўғри хulosалар чиқара олиш кўзланган мақсаднинг мувофакияти гарови ҳисобланади.

Шахс фаолияти маҳсулини таҳлил қилиш методи. Одам психологиясини, хусусан унинг шахсий хусусиятларини, орзу-ҳавасларини, туйғу-хисларини ўрганишда татбиқ қилинадиган бу методдан фойдаланиш шундан иборат бўладики, унда кишининг меҳнат самараси, ижодиёти, қилган фаолияти таҳлил қилинади. Амалий психологияни ўрганишда ҳам шу методдан фойдаланадилар. Яъни ҳар хил ёшдаги болаларнинг ўйинлари, мағшулоти, расмлари, ёзувлари ва бошқа ижодий ишлари таҳлил қилиниб, шу ёшдаги болаларнинг тасаввурлари, хаёл, қобилиятлари, орзу-ҳаваслари, билим ва тажрибалари аниқланади.

Умуман, психик ҳаёт ва уни белгиловчи сабаб ҳамда мотивлар жуда мураккаб ва хилма-хил бўлганлиги учун психология фанида ҳар хил методлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шахснинг индивидуал психологик хусусиятларни текширишда унинг таржимаи ҳоли, ҳамда ижтимоий келиб чиқиши, олган тарбияси, фаолияти, орзу-ҳаваслари, ёши, соғлиги ва шунга ўхшаш ҳолатлар ҳисобга олинади. Чунки кишининг индивидуал психологик хусусиятлари ва хислатлари бир шаклда қотиб қолмасдан ўсиб, ўзгариб туради ва бу факат организмнинг табиий ҳолати билангина эмас, балки асосан шахснинг ижтимоий ҳаёт кечириш тарзи, унинг мафкураси ва мақсад-маслаклари билан белгиланади. Фақат ягона бир метод билангина илмий натижаларга келиш мумкин эмас. Психик ходисаларни айниқса ҳар тарафлама ўрганиш зарур. Бу эса ҳар хил методлардан фойдаланишни такозо қиласди. Аммо юқорида кўрсатилган методлардан айрим ҳолларда бирини таянч метод тариқасида олиш мумкин. Бироқ шу бир метод натижасида ҳосил қилинган маълумотни бошқа методлар ёрдами билан синаб, текшириб кўриш лозим. Лекин бу методларнинг ҳаммаси амалий тажриба принципларига асосланганда гина киши психикаси ва онг ходисаларини чинакам илмий суръатда тушунтириш ва психология фанини инсониятнинг порлоқ истиқболига хизмат қилдириш мумкин.

Айниқса ўқитувчи учун психологиянинг илмий ўрганиш ме-тодларини яхши билиш, улар воситаси билан ўз ўқувчиларининг индивидуал психологик хусусиятларини ўргана билиш, унга ёш авлодларга истиқлол тарбиясини бериш ишини унумли ва ижодий бажаришга имконият беради.

Суд-психологик экспертизаси замонавий, илмий - психологик методлар асосида ўтказилиши керак. Эксперт текширувининг хulosалари терговчи, судьяларнинг текшируви ва берган баҳоларига лойиқ бўлиши лозим.

Суд-психологик экспертизасининг асосий мақсади - патологик бўлмаган шахсни, яъни психик ривожланиши жиҳатидан орқада қолиб кетмаган шахснинг руҳий ҳолатидаги ўзгаришларда хуқуқий нормага нисбатан муносабатини психодиагностик усуллардан фойдаланиб, илмий жиҳатдан асослаб беришdir.

Психологиянинг бир бўлими бўлган психодиагностика XIX асрнинг охирларидан бошлаб шакллана бошлади. Бу соҳанинг йирик намояндалари Дж. Кеттел ва Ф. Дальтонлардир. Унга француз психологи А.Бине болаларни ақлий салоҳиятини ўлчаш методика (аклий интеллект шкаласи - IQ) сини ишлаб чиқиб, катта ҳисса кўшди.

Психодиагностика маҳсус йўналишларга асосланган жуда кўп методларни ўз ичига қамраб олган. Мутахассислар суд экспертизасида психологик диагностиканинг айниқса, шахснинг хуқуқий нормаларни бузишидаги руҳий ҳолатини аниқлаш ва ўсмирнинг психологик ривожланиши жиҳатидан орқада қолганлик даражасини аниқлаш усулларидан фойдаланадилар. Психодиагностикада бош ролни тест методи эгаллайди. Суд

экспертизасидаги диагностик тестлар ишонарли, ишнинг моҳияти учун аҳамиятли бўлиши билан тўғри ҳулоса чиқаришда ҳам кўл келиши лозим. Тестлар қанчалик ишонарли бўлса, унинг берган жавоб вариантлар, натижалари ҳам шунчалик аниқ белгиланган бўлади. Психодиагностик тест усулларидан энг кўп фойдаланадиган тури шахснинг психологик хусусиятлари ва интеллектини текширадиган тестлар ҳисобланади.

Интеллектини текширувчи тестлар асосан одамнинг ақлий ривожланиш даражасини, идрок ва зехни, қобилиятларини ўрганади. Бу тестлардан қўпроқ шахснинг ақлий ривожланишини қай даражада эканлигини аниқлашда фойдаланилади. Умуман олганда тестлар психик процессларни нормал ҳолатдан бузилганлигини, патопсихологик жиҳатларини таҳлил қилишда кўлланиладиган метод ва методикалар ҳисобланади.

Суд-психологик экспертизасида “шахсий сўровнома” (личний опросник MMPI - Миннесотский многофазний личностний опросник) усули амалиётда кўп кўлланилади. Бу сўровнома жисмоний ва психологик касалликларни, нерв фаолияти системасидаги бузилишларни, ижтимоий муҳит муносабатларни, ҳулқидаги оғишлик, девоналик аломатларини (маниак, психопат, агрессивлик, садистлик каби аломатларини) аниқлайди., ўрганади. Ўн ўлчовга асосланган сўровномани суд-психологик экспертизаси учун асосан тўртинчи ўлчови (бейхтиёр, тасодифий таъсирга берилувчилар, ижтимоий қолоқликни қайта ишлаш диагностикаси), олтинчи ўлчови (шахсни аффект ҳолатини аниқловчи), еттинчи ўлчови (ҳавотирга тушиб, ташвишланиш даражасини аниқлаш), саккизинчи ўлчови (ижтимоий муносабатлардан узоқлашиш, бегоналашиш сабабларини аниқлаш) тестларидан қўпроқ фойдаланилади.

Психологияда MMPI нинг асосан учта соддалаштирилган усули бўлиб, булар Березин, Мирошниченков сўровномаси, В.М.Бехтерев номидаги илмий текшириш институтининг медицина психологияси лабораторияси учун соддалаштирилган сўровнома варианти ва Л.Н.Собчикнинг сўровномасидан иборатdir.

MMPI сўровномаси жиноий ишларга аҳамияти бўлган шахсларни индивидуал психологик хусусиятларини текширишда, диагностика қилишда кўп фойдаланилиши мумкин.

Суд экспертизаси олиб борган текширишларида Кетелл сўровномасидан ҳам кенг фойдаланилади. Бу сўровнома авторнинг фикрича “ўн олтита шахсий омиллар” асосида аниқланади.

Суд экспертизасининг амалиётида лойиҳалаш методидан ҳам кўп фойдаланилади. Бу метод асосан турли хил вазиятлардаги шахснинг хусусиятларини аниқлашда кўлланилади. Лойиҳалаштирилган диагностик методнинг кўп тарқалган туридан бири Роршах тестиdir. У ўнта жадвалдан тузилган бўлиб, икки томонлама симметрик равишда олиб борилади. Яъни текширилаётган шахсга “бу нимага ўхшайди?” деб савол бериб, унинг жавобидан шахсий хусусиятларидаги устунлик жиҳатларини аниқлаб, илмий томондан изоҳлаб берилади.

Розенцвейг методида текширилувчига расмлар чиздириш орқали шахснинг таъсиранлик жиҳатлари аниқланади.

Тематик (апперцептив) тест ТАТ анча мураккаб тестлардан бири ҳисобланади. Текширилувчи қоғозга тасвирланган турли хил образли расмларни ҳар томонлама изоҳлаб беради. Текширилувчининг расмларни изоҳлаб беришига қараб, яъни ундан тасвирга ижобий ёки салбий муносабати, чекинишлари, тасвирдан четга чиқишилари, тасвирни нотўғри қабул қилиши каби характер хусусиятлар ўрганилади ва аниқланади.

А.Е.Личконинг ишлаб чиқилган “патопсихологик диагностик сўровнома” (патопсихологический диагностический опросник ПДО) сидан вояга етмаган болаларни психик хусусиятларидаги ўзгаришларни (психический аномалий) бор-йўқлигини текширишда ва уни ўрганишда кўлланилади.

ПДО сўровнома ёрдамида қалтис вазиятлардаги шахс характерини ўзгариш жиҳатларини ўрганилади. (акцентуация характера). Бу сўровнома шахснинг психикасига таъсири этувчи омилларни аниқлайди ва уни заиф сабабларини текширади. Суд-психологик

эксперитзаси амалиётда ПДО сўровномасидан кўп фойдалангани учун етарли тажриба ва маҳоратга эга.

Шахснинг индивидуал психологик хусусиятларидағи ўзгаришларни текширишда ва мотив (сабаб)ларини аниқлашда текширилаётган шахсни наслини ўрганиш яъни, психогенетик диагностика методидан ҳам фойдаланиш суд-психологик экспертизасини ўтказишида муҳим аҳамиятга эга.

Юкорида таъкидлаб ўтилган метод ва методикалардан хulosса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, бугунги кунда жиноий жавобгарлик ишларида суд-психологик экспертизасини қўллаш давр талаби бўлиб, у фақат кўрилаётган ишнинг одилона баҳоланишига, балки тўғри хulosса берилишига, ҳамда фуқароларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимояланишига ҳам олиб келади.

Пед. Технологиялар: Талабаларнинг мустақил ишлари кичик ва катта гурухларда муҳокама қилинади. Шунингдек, маъруза ва амалий машғулотларни олиб боришда тарқатма материаллар, замонавий пед-к, психологик технологиялар “Интер актив”, “Бумеранг”, Кластер, “Ақлий хужум” ”Давра столи”, “Кластер” “ФСМУ”каби интерфаол усуллардан фойдаланилади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар :

- 1.Юридик психологиянинг методологик асослари нималардан иборат?
- 2.Юридик психологиянинг замонавий методлари ва уларнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат ?
- 3.Тергов жараёнида методларнинг амалиётга тадбиқ этишининг аҳамияти қандай?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Каримов. И.А Юксак маънавият –енгилмас куч.
-Т. : маънавият ,2008-17 б.
- 2.Васильев.В.А. Юридическая психология.Учебник.
–С.П. : Питер.2010.
- 3.Дулов.А.В.Судебная пс-я. Минск.2005.
- 4.Ениниев.М.И.Юридическая пс-я.М.: 2006.
- 5.Нагаев.В.В. Основа судебно-психологической экспертизы.
Учебник.М.: 2008.
- 6.Столяренко.А.М. Прикладная юридическая п-я.
Учебник.М.: 2007.
- 7.Ситковская.О.Я. Судебно-психологическая экспертиза аффекта.
Учебник. Мет-пос.М.:2008.
- 8.Рухиева.Х.А. Суд-психологик экспертизаси. Ўқув қўлланма – Т.: 2010.
- 9.Рухиева Х.А. Гозиев Э.Ф. Олий мактаб психологияси
Муаммолари. Ўқув қўлланма. Т.: 2008.
- 10.Романов.В.В. Юридическая пс-я. Учбник. – М.:
Прогресс,2006.

Технологик карта

3 - МАВЗУ	Юридик мәхнат психологияси.
Мақсад ва вазифалар	Юридик мәхнат психологияси- хукуқни күлловчы фаолиятнинг психик қонуниятларини ўрганиш ва юридик касбининг касбграммаларига оид психологик асосларини ишлаб чиқиш, маҳорат ва индивидуал тури, касбий күникма ва малакаларни тарбиялаш, кадрларни танлаб олиш ва жойлаштириш, хукуқни муҳофаза қилиш фаолиятини бошқариш, касбий йўналиш, касбий саралаш, хукуқни муҳофаза қилувчи органлари ишчилари шахсини тарбиялаш ва шакллантириш, касбий бузилиш ва уни олдини олиш, ишчи жойни ва ишчи вақтни ташкиллаштириш каби масалаларни ўрганишга қаратилган.
Ўқув жараёнининг мазмуни	-Юридик фаолиятнинг мақсад ва вазифалари. -Юридик фаолиятида муомала ва муроқот. - Юридик фаолиятда нутқнинг ўрни. -Юридик фаолиятда хиссиятларнинг бошқарилиши.
Ўқув жараёнининг амалга ошириш технологияси	Метод: оғзаки баён қилиш, “ФСМУ”, “Блиц”, “Кластер”, “Интер фаол”, “Баҳс – мунозара” методи, жамоатчилик фикрий фаолияти, ижодий, танқидий ва таҳлилий ёндашув асосида ўтказилади. Шакл: аудитория – дарс шакли, жамоада ишлаш. Восита: тарқатма материаллар – матнлар, маълумотномалар Усул: ёзма материаллар ва чизмаларни аниқ ажратиш ва белгилаш асосида. Назорат: савол - жавоблар
Иккита фундаментал психологик қонуният мавжуд: ташки сабаблар ички шарт-шароитлар орқали ва ички сабаблар ташки шарт-шароитлар орқали амал қиласди. А.Н.Леонтьевнинг психологик фаолият назарияси фақат шахс билан детерминизацияланган фаолият ва психологияси фақат ичидан детерминизацияланган ёпик тизим сифатидаги шахс ҳақидаги бир томонлама тасаввурни бартараф этишни бошлаб берди³. Б.Ф.Ломов “субъект-объект” тизимини таҳлил этишнинг чеклангани ва шахс ва унинг фаолиятини ижтимоий муносабатлар тизимидағи ҳаракатсиз, бундаги унинг ижтимоий-психологик “чизиқлар” тизимини “кесиб ўтишисиз”, яъни ижтимоий-психологик жиҳатсиз психологик тушунишга йўл қўйиб бўлмаслигини тўғри қайд қилган⁴. Шунинг учун айнан бир шахснинг қилмишлари ва ҳаракатлари ижтимоий, маънавий етуклиги, профессионализми даражаси бўйича турли вазиятларда фарқланиши мумкин. Айнан шу сабабли одамнинг қилмишлари ва ҳаракатлари ҳар доим ҳам бирдек унинг сифатлари билан белгиланади, деган фикр ҳам хатодир (худди шунинг акси – “инсоннинг феъл-автори бутунлай вазиятлар билан белгиланади”, деган фикр ҳам тўғри эмас).

Гоят муҳим амалий хулоса: ходимлар билан иш, шахсни танлаш ва унинг ривожланишига раҳбарлик қилишдан ташқари, яна албатта унга психологик раҳбарликни – унга ёрдам бериб, узилишларнинг олдини оладиган узлуксиз ва самарали ёрдам кўрсатишни назарда тутиши лозим.

Фикрларимиз юзасидан айтиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлган охирги қонуният шундай: шахснинг ривожланишини ҳал қилувчи даражада детерминизация қиласиган, ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган иккита асосий фактлар гуруҳи – унинг ўзининг фаоллиги ва теварагидаги шарт-шароитлар гурухлари бор.

Фаоллик - бу жамики жонзот ривожланишини универсал қонунидир. Теваракдаги оламга, табиатга инсоннинг ўзи (... табиатнинг кучи сифатида қарши туради. У... табиатдаги нарсани ўзлашётириш учун... ўз танасига тегишли табиий кучларни: қўллари ва оёклари, боши ва бармоқларини ҳаракатга келтиради. У ана шу ҳаракатлари орқали ташқи табиатга таъсир кўрсатиб ва уни ўзгартириб, айни бир пайтда ўзининг табиатини ҳам ўзгартиради. У ўзида мудраб ётган кучларни ҳаракатга келтиради ва бу кучлар ўйинини ўз ҳокимиятига бўйсундиради”⁵. Ҳозирги фан маълумотлари фаолиятнинг шахсни ва унинг омил хусусиятларини ривожлантирадиган ва шакллантирадиган роли ҳақидаги тасаввурни тасдиқлайди ва чуқурлаштиради. Шахснинг сифатлари – бу кўп жиҳатдан унинг шу кунгача шуғулланиб келган фаолиятларининг интеграл маҳсулни бўлиб, унинг ҳозирги фаоллиги эса – унда юз бераётган ўзгаришларнинг бош омилидир. Нимаики фаол бўлса, у ривожланади. Жисмоний кучни ривожлантириш учун мускулларни кўпроқ ишлатиш керак; хотирани ривожлантириш учун эслаб қолишни машқ қилиш лозим; ақлли бўлиш учун бошни “қақшатиб юборадиган” масалаларни ечиш зарур. Атрофдаги шароитлар муайян фикрлар, ниятлар, муносабатлар, қилмишларни фаоллаштиради, бировларини рағбатлантиради ва бошқаларини ушлаб туради ва шу орқали шахс психологияси ривожланишига таъсир қиласи. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимининг фаолияти ва бу фаолият кечадиган шароитлар – ҳар бирини узлуксиз ривожлантирувчи кучли двигателлардир. Бироқ уларнинг таъсири бир хилда эмас ва кўп жиҳатдан шахс позицияси, унинг ўз ниятлари, кучлари, фаоллигига боғлиқ бўлади.

Албатта, ходим шахси – ҳар доим нафақат: 1) ўтмишнинг, шу билан бирга 2) долзарб ҳозирги куннинг ва ҳатто 3) кутилаётган келажакнинг (шахс кутаётган ҳаётидаги ўзгаришларнинг) ҳам маҳсулидир. Шунинг учун иккинчи ва учинчисини тартибга солиши (хуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида – ҳар бир ходимнинг унинг мақсадлари, вазифалари, амалга ошириш усуллари, ўз имкониятларини намоён қилиши, кўрсатиладиган аниқ мақсадга интилиш, виждонийлик, қизиқишилар, иродавий кучларни), ижтимоий-психологик, ташкилий ва моддий шароитларни такомиллаштириш, ходимни ўзини ўзи муваффакиятли тасдиқлаш ва ўзини ўзи ривожлантиришга йўналтириш билан биз шахснинг касбий ўсишининг самарали воситалари ва усуллари билан қуролланиб оламиз.

2. Юрист шахсининг профессионал йўналтирилганлиги

Профессионал йўналтирилганлик моҳияти ва аҳамияти. Йўналтирилганлик – бу шахснинг етакчи психологик хусусияти бўлиб, унда шахснинг ҳаёт ва фаолиятга нисбатан жамики интилишлари тақдим этилиб, муносабатлари, позициялари ва фаоллигининг танланишимни белгилайди.

Юристнинг профессионал йўналтирилганлиги – бу унинг ўз кучлари ва қобилиятларини мамлакатдаги қонунчилик ва хуқуқий тартиботни мустаҳкамлашда қўллашга доир интилишларининг алоҳида тизимидир. У ходимнинг қонунга нисбатан олий ижтимоий ва ҳаётий қадриятга, қонунчилик ва хуқуқий тартиботга нисбатан худди шахсий ҳаётий вазифасига, хуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ва юрист касбига нисбатан худди ўзининг асосий хусусиятлари ва эҳтиёжлари, касбий вазифаларни ҳал этишининг қонуний ва маданий усулларини қўлланиш қоидаларига нисбатан бўлгани каби муносабати, касбнинг қийинчиликларига жиддий ёндашуви билан тавсифланади.

Ҳар қандай касбий йўналиш шахснинг инсоний, фуқаролик позициялари, унинг ҳаёт маъносини, ўзининг ундаги ўрнини, дунёқарашнинг хусусиятлари, ҳаётий иделлар, эҳтиёжлар, интилишлар, ҳаётдаги режаларини ва бошқаларни тушунишини акс эттирадиган

умумий йўналишига асосланади. У ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларида касбий йўналишни ривожлантириш негизи бўлади, уларни касбий танлаш ва хизмат жараёнида улар билан ишлашда ўрганиш ва ҳисобга олиш керак бўлади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хизматга қабул қилинаётган фуқароларнинг қарор топган умумий йўналишининг ўзига хос хусусиятлари бундай вазифани ҳал этиш йўлида ишончли таянч бўлади, кўпинча ҳатто катта қийинчилик ҳам туғдиради. Унинг нуқсонлари кўпинча касбий йўналишни ривожлантириш борасида ўтиб бўлмас тўсик бўлади, шунинг учун номзодларни қабул қилиш ва уларда умумий йўналишнинг жиддий камчиликлари аниқланганида қатъиятли ечим зарур бўлади.

Профессионал йўналтирилганликнинг асосий элементлари. Ижтимоий-мотивацион сифатлар – ходим, юристнинг касбий йўналиши сифатларининг биринчи кичик гуруҳидир. Унга нисбатан талаблар давлатнинг ички сиёсати ва ҳуқуқнинг ўзаро алоқаси билан белгиланади. Ҳуқуқ – бу жамият ҳаётини тартибга солувчи институтдир. Юридик иш – бу давлатнинг ички сиёсий тусга эга асосий масалалар: фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва шахсий қадр-кимматини, қонунийликни, давлат ва фуқаролик интизоми, жамиятга қарши кўринишларга қарши кураш, жамият ҳаёти ва ривожининг ҳуқуқий таъминоти масалаларига доир ишидир. Бу ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини тавсифлайдиган, юристнинг жамиятдаги ўрнини ва унинг шахсига нисбатан талабларни белгилайдиган асосий омилдир. Шунинг учун касбий йўналиш унинг шахсининг умумий йўналиши билан бевосита боғлиқликда бўлади.

Ижтимоий-мотивацион сифатларнинг ўзаги – бу ижтимоий жиҳатдан етук дунёқараш – ғоялар, эътиқодлар, ҳаёт ва жамиятга қараашлар мажмуидир. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳар қандай ходими факат жамият ҳаётини тушуниб, касбий муаммоларини ҳал этишда ижтимоий жиҳатдан тўғри позицияни эгаллаб, ўз жамиятининг тўлақонли фуқароси, ижтимоийadolat, ўз ҳалқининг яхши келажаги учун онгли курашчи бўлганида ўз ишини муваффақиятли тарзда бажариши мумкин. Унинг жамиятга нисбатан ўзининг касбий мушқулотлари туфайли “эшик қулфининг тешиги орқали” қарashi ва аҳоли билан ҳалол фуқароларни ўзи курашаётган ҳуқуқбузарлар билан чалғитмаслиги керак.

Эҳтиёж – бу инсоннинг бирон нарсага нисбатан барқарор ва узоқ муддат давом этадиган кучли эҳтиёжидир. Долзарблашган эҳтиёж инсонни бундай эҳтиёжни қондириш учун воситаларни доимий излашга ундейди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимига ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашда шахсан иштирок этиш бўйича кескин эҳтиёж, ўз ҳаётини ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятига бағишлиш эҳтиёжи хос бўлиши, бундай фаолиятда қатнашишдан ва эришилаётган ижобий натижалардан юксак қониқиши ҳиссини туйиши лозим. Ходимда, албатта, маънавий, маданий, билишга оид ва бошқа маданийлашган эҳтиёжлар ривожланган бўлиши лозим. Ўзини ўзи такомиллаштиришга нисбатан ривожланган эҳтиёж бўлиши муҳимдир. Ҳозирги жамиятдаги ривожланиш даражаси, ҳаёт динамикаси ва мураккаб муаммолар ҳар бир юристдан узлуксиз тарзда билим олиш ва такомиллашувни талаб қиласи.

Мойилликлар, идеаллар, ҳаётий режалар ва қизиқишлиар узоқ муддат амал қиласидиган талабларни белгилайдики, улар, жумладан, юридик касбни танлашга ҳам сабаб бўлади. Ривожланган йўналтирилганлик учун уларнинг барқарор тавсифномалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида хизмат қилиш ва ишлаш юзасидан – бутун ҳаёти учун мўлжаллангнан узоқ муддатли режалар, жиноятчиликка қарши кураш ва фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш йўлларини излашга нисбатан чинакам, теран қизиқиши ҳос бўлиши лозим.

Касбий-мотивацион сифатлар – ходим, ички ишлар аскари, юристнинг бевосита ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти жараёнида амал қиласидиган ва бундай фаолият билан боғланишда бўлиб, унга ва аниқ қилмишларга кенг таъсир қиласидиган ундовчи кучларининг иккинчи кичик гуруҳидир. Бундай сифатларнинг уруғлари юрист касбини танлашга қарор қилган ёш инсоннинг умумий йўналишида мавжуд бўлади. Ҳақиқий профессионал ўз

тандырмалар майда-чүйде хисоб-китоблар билан эмас, балки ҳаётдаги ўз ўрнини тушуниши, жиноятылыштын көрүшүнен оғир участкасыда ишлаш, фуқаролар, оддий ва халол инсонларни жиноятылыштардан ҳимоя қилишга интилиши билан асослады.

Юристнинг хукукий онги – бу унда реал мавжуд бўлган, унинг хукукий воқеликни англашини ифодалайдиган хукукий қарашлари ва тасаввурлари, аниқ хукукий нормаларни билиши, уларга ва хукукий тартибот соҳаси, хукуқни муҳофаза қилиш фаолиятидаги ҳодисаларга муносабатининг мажмудидир. Хукукий онг ҳар бир фуқарода бор, лекин у профессионалда бир тизимлилиги, тўлиқлиги, деталлилиги, етуклиги, профессионализми, теран англаниши, эътиқодлилиги билан фарқланиб туриши, илмий маълумотларга асосланиши керак. У юриспруденцияни, хукукий тартибот масалаларини билгани учун ҳам мутахассисдир. Унинг онгидаги юридик билимлар ижтимоий, психологик билимлар билан мустаҳкам боғланган, касбий эътиқодга ва қадриятли йўналишларга айланган, хукуқ, қонунчилик ва адолатни юксак даражада ҳис этиши, уларни ўз ишида оғишмай таъкидлаб боришига интилиши билан уйқашиб кетган. Мутахассиснинг хукукий онгидаги унинг дунёқараши, дунёни идрок этиши ва оламга муносабатининг ўзига хослиги акс этади. Шубҳасиз, касбий хукукий онгнинг шаклланиши – бу касбий йўналтирилганликни шакллантаришнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Профессионал концепция – бу мутахассис касбий йўналтирилганлигининг ўзига хос элементидир. У қўйидагилардан иборат бўлади:

у ўзлаштирган ва унинг ўз фаолияти мақсадлари ва вазифаларини, бу фаолиятнинг орган (бўлинма)даги ўрни, унинг бошқа ходимлар, мутахассислар фаолияти билан ўзаро алоқаларини тушунишини ифодалайдиган касбий қарашлари, эътиқодлари ва интилишлари мажмуи (“ташкилот тарзини”);

ўз хукуқлари ва мажбуриятларини, уларни амалга ошириш ва мақсадларга эришиш усуллари ва воситалари, шарт-шароитлар, қийинчиликларни тушуниши (“фаолият тарзи”);

ўзининг айнан қандай аниқ шахслар билан ишлаши, улар билан муносабатларни қандай қуриши, қандай ўзаро ҳаракат қилиши, қандай нормаларга амал қилиши кераклигини тушуниши (“жамоа тарзи”).

Кўпинча битирувчиларда касбий концепцияда ва айниқса қўпроқ унинг охирги блоки – “жамоа тарзи”да узилишлар учрайди.

Касбий мотивлар: хизмат ва танланган ихтисосликка; касбий фаолиятдаги нозик жиҳатларга қизиқиши ва профессионализм чўққиларини эгаллаш; ҳар доим тўғри ва амалий мақсадларга асосланиш; хизмат истиқболларидан келиб чиқишига интилиш ва уларни шахсий режалари билан боғлаш; хизматдаги соғлом эътиrozлар, ўзини ўзи ифодалаш ва ўзини ўзи тасдиқлашга интилиши ҳисобга олиш ва шакллантариш ҳам чуқур эътиборга муҳтож.

Ҳаёт йўналтирилганликка ҳар доим ҳам яхши бўлавермайдиган ўзгаришларни ҳам киритиб туради. Масалан, хозирда ИИВнинг таълим муассасаларига ўқишига кираётган шахсларнинг касбий танлов мотивларини тадқиқ қилиш ва уларни 70-80-йиллардаги маълумотлар билан таққослаш шуни кўрсатдикি⁶, романтик жиҳат, оиласвий анъаналар, ҳарбий хизмат таъсири, касбий ишга нисбатан мазмунли қизиқиши тобора камроқ қайд қилинади ва, аксинча, мушкул иқтисодий ва майний шароитлардан чиқиши излаш, олдинги ишидан кучли қониқмаслик, қандайдир машғулотлар (спорт, ўқиши, хўжалик) учун бўш вақтга эга бўлиш зарурлиги қўпроқ ўрин олмоқда.

Имтиёзлар, яхши иш ҳақига эга бўлиш, ўзини хавфсиз ҳис қилиш, ўз характерини ўзгартириш, ишончлироқ бўлиш каби мотив биринчи ўринга чиқмокда. Бошқа тадқиқотлар ҳам тасдиқлаётган бундай ўзгаришлар хукукий тизимда ишловчи барча шахслардаги мотивлар тизимини ўрганиш, баҳолаш ва ривожлантириш масалаларига эътиборни оширишига мажбур қиласди.

Шахснинг тўғри ривожланган йўналиши – бу ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида хизмат қилишга яроқлиликнинг мажбурий шартидир (З-расм). Уни лозим даражада ривожлантирмасдан ходимлар билан жами ишлар, уларнинг “юридик технократлар” сифатидаги касбий ўқуви ва касбий таълими фақат заарар етказиши, моҳир қаллоб, ўз манфаатидан бошқа ҳамма нарсага бепарво ва жиноятчиликка қарши кураш, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқ нормалари обрўсига заарар келтирадиган расмиятчи, амалдорни шакллантириши мумкин. Касбий йўналишдаги нуқсонлар – бу амалдаги ходимларнинг бир қисмида намоён бўладиган касбий бузилишларнинг бош сабабидир.

Ходимлар билан ишлаш, унинг хизмати ва ишини ташкил этишнинг жамики комплекси агар соф ҳуқуқий билимлар, малакалар ва қобилиятлардан ташқари у ҳозирда Ўзбекистон Республикасидаги ҳуқуқий тартибот ва юридик ишларнинг мақсадларини тўғри тушуниш, унга садоқат ва замон талаблари ва жамиятнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган ҳаракатлар стратегиясига асосланадиган теран идрок этилган, етук, фаол касбий позицияни шакллантирса, касбий йўналишни ривожлантиришда лозим натижаларни беради. Ҳар бир раҳбар, кадрлар аппаратининг ходими ана шундай натижани кўзлаши лозим. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳаёти ва фаолиятининг бутун тизими, унинг маънавияти ва моддий таъминланганлиги ҳам натижага катта таъсир кўрсатади, чунки инсон ҳар доим сўзлар билан эмас, балки воқеликлар, ишлар, бутун ҳаёт ва унинг хусусиятлари билан тарбияланади.

Пед. Технологиялар: Талабаларнинг мустақил ишлари кичик ва катта гурӯхларда муҳокама қилинади. Шунингдек, маъруза ва амалий машғулотларни олиб бориша тарқатма материаллар, замонавий пед-к, психологик технологиялар “Интер актив”, “Бумеранг”, Кластер, “Ақлий хужум” ”Давра столи”, “Кластер” “ФСМУ”каби интерфаол усуслардан фойдаланилади.

Мавзууни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Жиноятчи шахс тушунчаси нима ?
2. Конунбузарликнинг мотивларини келтиринг?
3. Ҳукуқбузар шахс тавсифи?
4. Жиноятчи шахснинг индивидуал психологик хусусиятларини сананг?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов. И.А Юксак маънавият –енгилмас куч.
-Т. : маънавият ,2008-17 б.
2. Васильев.В.А. Юридическая психология.Учебник.
–С.П. : Питер.2010.
3. Дулов.А.В.Судебная пс-я. Минск.2005.
4. Ениниев.М.И.Юридическая пс-я.М.: 2006.
5. Нагаев.В.В. Основа судебно-психологической экспертизы.
Учебник.М.: 2008.
6. Столяренко.А.М. Прикладная юридическая п-я.
Учебник.М.: 2007.
7. Ситковская.О.Я. Судебно-психологическая экспертиза аффекта.
Учебник. Мет-пос.М.:2008.
8. Рухиева.Х.А. Суд-психологик экспертизаси. Ўқув қўлланма – Т.: 2010.
9. Рухиева Х.А. Гозиев Э.Ф. Олий мактаб психологияси
Муаммолари. Ўқув қўлланма. Т.: 2008.
10. Романов.В.В. Юридическая пс-я. Учкбник. – М.:
Прогресс,2006.

Технологик карта

6 - МАВЗУ	Уюшган жиноятчилик ва жиноий гурухлар психологияси.
Мақсад ва вазифалар	Талабаларни уюшган жиноятчилик ва жиноий гурухлар психологияси, уюшган жиноятчиликнинг кўзга кўринадиган хусусияти асосий жиноий гурухни тўзишдан иборат бўлган, бу гурух, ўз даражадаги тартиб ва интизомга солиш ва ихтиёрий (хдр ким ўз жойини ўзи билиши, бошка нарсаларга аралашмаслиги) тизимини тузишдандаи иборат эканлигини ўрганади.
Ўқув жараёнининг мазмуни	-Уюшган жиноятчилик мотивлари. -Жиноий гурухларнинг психологик тавсифи. -Жиноий гурухлар ҳаракатларининг психологияси. -Шахс ва гурухнинг криминал йўналишининг ижтимоий-психологик тавсифи.
Ўқув жараёнининг амалга ошириш технологияси	Метод: оғзаки баён қилиш, “ФСМУ”, “Блиц”, “Кластер”, “Интер фаол”, “Бахс – мунозара” методи, жамоатчилик фикрий фаолияти, ижодий, танқидий ва таҳлилий ёндашув асосида ўтказилади. Шакл: аудитория – дарс шакли, жамоада ишлаш. Восита: тарқатма материаллар – матнлар, маълумотномалар Усул: ёзма материаллар ва чизмаларни аниқ ажратиш ва белгилаш асосида. Назорат: савол - жавоблар
Кутиладиган натижалар	Ўқитувчи: Маърузачи қисқа вақт ичida барча талабалар томонидан мавзунинг ўзлаштирилишига эришади. Талабалар фаоллигини оширади. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқиш ўйғотади. Ўз олдига кўйган мақсадига эришади. Талаба: Янги билимларни эгаллайди. Якка ҳолда ва гурух билан ишлашни ўрганади. Нутқи ривожланади ва эслаб қолиш қобилияти кучаяди. Қисқа вақт ичida кўп маълумотга эга бўлади.
Келгуси режалар (таҳлил, ўзгаришлар)	Педагогик ва психологик технологияларни ўзлаштириш ва уларни дарсга тадбик этиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш, мавзуни ҳаётий вокеалар билан боғлаш. Педагогик маҳоратни ошириш.

6. Мавзу. Уюшган жиноятчилик ва жиноий гурухлар психологияси.

Режа:

- 1.Уюшган жиноятчилик мотивлари.**
- 2.Жиноий гурухларнинг психологик тавсифи.**
- 3.Жиноий гурухлар ҳаракатларининг психологияси.**
- 4.Шахс ва гурухнинг криминал йўналишининг ижтимоий-психологик тавсифи.**

Кириш.

Уюшган жиноятчиликнинг кўзга кўринадиган хусусияти асосий жиноий гурухни тўзишдан иборат бўлиб, бу гурух, ўз даражадаги тартиб ва интизомга солиш ва ихтиёрий (хар ким ўз жойини ўзи билиши, бошқд нарсаларга аралашмаслиги) тизимини тузишдан иборат.

1.Уюшган жиноятчилик мотивлари.

Уюшган жиноятчиликнинг кўзга кўринадиган хусусияти асосий жиноий гурухни тўзишдан и борат булиб, бу гурух, ўз даражадаги тартиб ва интизомга солиш ва иерархии (хдр ким ўз жойини ўзи билиши, бошқд нарсаларга аралашмаслиги) тизимини тушэншдаи иборат.

2.Жиноий гурухларнинг психологик тавсифи.

Жиноий гурухнинт булимларини куйидаги шаклда куришимиз мумкин: бутун гурухни, ёки унинг алохига иштирокчиларини бошкарувчи шахс, масъулиятли жойдаги ижрочи; иккинчи даражали ижрочи; оппозиция, гурухнинг "буш халкасиси"; иродали оппозиция, гурухга карши ҳаракат юрутиши мумкин,

3. Жиноий гурухлар ҳаракатларининг психологияси.

Жиноий гурухнинг "юраги уриб туриши учун" доимо фаолият донрасини замон ва имкон томонидан кенгайтириб туриш лозим. Бундай ҳаракатлар булмаса жиноий фаолиятига нукта куйилади. Жиноий гурухнинг ички психологик ва функционал тизими қанчалик мустахкам ривожланган булса шунчалик унинг фаолияти мақсадга йуналган булади ва аъзолари уртасидаги роллар ва вазифалар аниқ, белгиланган булади.

4. Шахс ва гурухнинг криминал йўналишининг ижтимоий-психологик тавсифи.

Жиноий жамоаларнинг уюшганлиги маълум бир худуд, давлатларда криминологеншароитларни яратади. Ушбу жиноий оламга ёш йигитлар жалб қилинади. Уларга катта-катта моддий рағбатлантириш ваъдаларни бериш орқали "тузоқча илинтириш" ва ўз жиноий ғояларини амалга ошириш жамоаларнинг кенгайиши ва янада чуқурлашишига олиб келади.

Уюшган жиноятчилик ва жиноий гурухлар psychologyаси

Уюшган жиноятчиликга психологик тавсиф. Уюшган жиноятчиликнинг кўзга кўринадиган хусусияти асосий жиноий гурухни тўзишдан и борат булиб, бу гурух, ўз даражадаги тартиб ва интизомга солиш ва иерархии (хдр ким ўз жойини ўзи билиши, бошқд нарсаларга аралашмаслиги) тизимини тушенишдаи иборат.

1 ; Бу ихтиёрий тизим 3 та булимдан ташкил топган:

бошカリш;

буйсуниш;

-жиноятлар орасида функциялар (вазифалар) ни таксимлаш кабилардир.

Уюшган жиноятчиликнинг тизими.(кучсиз богинда бармен, шнетсар, фохишабос шахслар ўз фаолиятини юритадилар).

Криминал психология фанининг маҳсус булимида уюшган жиноятчиликнииг ташкил топиши, у ерда роллариинг таксимланиши ва унинг психологик механизмини урганишга батафсил, тухталиб ўтилади.

Ўз вактида очилмаган ва жазога тортилмаган; жиноятчи шахс жуда хавфли булиб, у бошқдларга таъсир курсата олади ва шу туфайли жиноий йул орқали бошка ўзига мустахкам булмаган одамларни шакллантиришга ҳаракат киласида ва уюшган жиноятчиликни тўзишга бел боғлайди.

Айрим холларда жиноятчи шахе якка ўзи ҳаракатлар қилишта курби етмайди. Бунииг учун унга уюшгаилик даражаси керак булади.

Жиноий гурухнинт булимларини куйидаги шаклда куришимиз мумкин:

бутун гурухни, ёки унинг алохига иштирокчиларини бошкарувчи шахе;

масъулиятли жойдаги ижрочи; иккинчи даражали ижрочи;

оппозиция, гурухнинг "буш халкасиси"; иродали оппозиция, гурухга карши ҳаракат юрутишимумкин,

Жамиятда бошлиқ (стакчи) мавкеини урнатиш жуда ҳам муҳим ва мураккаб. Чунки уни (етакчи) ҳамма тан олиши ва унга буйсунишлари лозим.

Жиноий гурухни шаклланишида куйидаги омиллар рол уйнайди:

а) жиноятни бир ўзи содир кила олмаслиги;

б) жиноий ишларга йуналтирилган кизикишларнинг бирлиги;

в) ўзаро хайриҳохлиқ, самиймилиги;...

г) хулки, ишончлари, хукукий онгининг ухшашликлари (камчиликлари).

Жиноий гурухлар куйидаги. белгиларга эга:

1. уюшганлиги (катьй иерархия, тартиб-коида, пастки бугин юқори бугинга буйсупишини инобатга олиш);

2. мустахкамлиги (гурухнинг барбот булишидан сунг кайта тикланиши);
 - гурух, сардорларининг килмишлари буйича маъсулиятдан кутилиш учун керакли булган бошкарув тизимини тўзиш (яъни, айрим аъзолари жиноий жазога тортилганда хам жамоа сакланиб колади);
 - ўзларининг кора ниятларини амалга ошириш; ва худудда хукумдорлик урнатиш учун турли жиноятларни содир этиш.

Жиноий гурухнинг "юраги уриб туриши учун" доимо фаолият донрасини замон ва имкон томонидан кенгайтириб туриш лозим. Бундай ҳаракатлар булмаса жиноий фаолиятига нукта куйлади.

Жиноий гурухнинг ички психологик ва функционал тизими қанчалик мустахкам ривожланган булса шунчалик унинг фаолияти мақсадга йуналган булади ва аъзолари уртасидаги роллар ва вазифалар аниқ, белгиланган булади.

Жиноий гурух иштирокчилари орасида факат ишчи муносабат-лар хукм суради, шахсий муносабатларга ўрин булмайди.

Жиноий гурухда доимо 2-та карама-карши кучлар/тукнашадилар: биринчи куч гурухнинг ахил булишига ўз хиссасини күшса, иккинчиси унинг сийилиб кетишига ҳаракат килади. Омади чопган пайтида гурух яна бир таи бир жон булади, лекин омадни кулдан бой берган холарда унингтаркалиши турган гап.

Жиноий гурух орасида маълумот таркетишнинг ўзга хос усуллари маижуд.

- тулик тизим оркали (ҳар бир аъзо бир бирлари билан алока уриатадилар ва маълумот бсрладилар);
- дойра птклидаги тизим ёрдамида (маълумотнинг йуналиши чапдан унга, ёки унгдан чапга)
- "занжир - доиранинг булиниши" шакли оркали (биринчи шахе иккинчи шахсга маълумот беради, учинчи шахе маълумотни ким таркатганилигини билмайди - яъни биринчи шахс кимлигини билмайди, шу боис иккитчи шахе туртинчи одам тўғрисида ҳам хеч парса билмайди - яъни учинчи шахедан кейин кимга маълумот ту!пиши номалум,
- "дойра - ўзаги билан" шакли ёрдамида - бошлиқ гурухнинг битга аъзоси билан боғлик, демак у аъзо ҳамма билан боғлик;
- комбинация тизими - бошлиқ гурух аъзоларига маълумот етказиш учун иккита ёки учта шахслар билан боғланади;
- мураккаб тизим - бошлиқ иккита ёки учта кичик гурухлар билан боғланади, улар ўз навбатида бошка кичик, катта гурухлар билан боғланган булади;

7. куп тармоқди тизим оркали - етакчи бир меча бошка шахслар оркали жиноий гурухлар билан боғланади ва улар ўзининг химоясини таъминлайди. Улардан олинган маълумотлар маҳсулотни жунатиш, транспорт, бухгалтерия масалаларига оид булиши мумкин.

Уюшган жиноятчилик тизимида юқори даражада турадиган сардорлар иккита кисимга булииади:

2 катта талон-тарож ишларни бажарувчи иш билармонлар;

3 жиноятчилар.

Жиноий гурухларни ташкил килувчилари шахслар куйдаги хукумдорлик ваколатига эга:

- тақдирланиш хукми (яъни, куйладиган шартлар бевосита бажариб келинган булиши лозим);

1. буйсундириш, жазо хукми (жазо олиш, ундан халос булиши);

2. этalon хукми (гурух аъзоси етакчига ухшаш учун интилиши);

- норматив хукми (тартиб-коида, урф-одатларга буйсуниш);

билармонлик хукми (етакчининг обру-эътибори, унинг билими, малакасининг аҳамиятлилиги);

- маълумот хукми (етакчи шахсан ўзи маълумот олишга кодир). Ҳозирги замон шароитида пастги бупшда жонлашган гурух аъзолари ўзларининг бошлиқдари (етакчилари)ни билмаётликлари мумкин: (конспирация туфайли).

Уюшган жинои гурух (жамоа)ларнинг шаклланишига собик спотчиларуюшмаси манба булиб хисобланишлари мумкин (айнйкса рэкет жараёнида). Бунга ижтимоий-психологик асослар сабаб булиши мумкин: "катта спотрни" ташлаб кетган спотчилар келгусида ўзининг ички заҳираларини йукотган, маълум бир касбда билим ва малакаларини куллай олмасликлари, моддий таъминоти йуклиги жинои гурухларга аъзо булиб колишларига имкон яратади.

Жинои жамоаларнииг уюшганлиги маълум бир худуд, давлат-ларда криминоген шароитларни яратади. Ушбу жинои оламга купгина ёш йигитлар жалб килинади. Жинои жамоа уларга катта-катта моддий рагбатлантириш ваъдаларини беради, "тўзокка илинтириш" техникасидан фойдаланган холда ўз жинои гояларини амалга оширади, жамоанинг кенгайиши ва янада чукур булишига имконият яратади.

Уюшган жиноятчилик Уюшган жиноятчилик ижтимоий ута хавфли булиб, житоятчиликнинг «чуккиси»ни англатади. У одатдаги «жинои шериклар»дан фаркли уларок жинои ҳамжамият тарзидаги фаолиятни билдиради.

Уюшган жиноятчилик - баркарор ҳодиса булиб, одатдаги жиноятнинг олдини олиш - профилактика тадбирларига буйсунавермайди, чунки жинои жамоа иштирокчиларининг криминоген боғликлиги доимий ўзаро таъсир билан кучайтириб турилади, гурух аъзоларидан бирининг жинои мутдан четга чикишига ўриниши эса шавкатсизлик билан уч олинишига сабаб булади.

Уюшган жиноятчилик кенг камровлилиги билан ажралиб туради. Купинча бутун бошли худудларни, халқ хужалиги тармокларини ўз тури билан камраб олиб, жиноятчарнинг хукук - тартибот идораларидаги айрим коррупцияга мойил ҳодимлари, порахур, мансабини сусисте'мол қилиш, катта микдорда давлат ва жамоа мулкини ўзлаштириш, конунга хилоф контрабанда - валюта онерациялари ёрдамида жамият тараккиётига ғов булади.

Жинои ҳамжамият аъзоси булиб колгач, купчилик жамоачилар фаоллашиб кетади, чунки уларнинг фаолияти гурух «обру - эътибори» билан қувватланиб турилади. Уюшган жиноятчиликни факат унгагина хос булган учта белл'илар билан ҳарактерлаб берилади.

Биринчиси шундан иборатки, баркарор ташкилий тизим ўзок муддат мобайнида, мунтазам жинои фаолият билан шугулланишни кўзда тутиб, ташкил килинади, жинои ҳамжамият аъзолари уртасида мавке зинапояларига амал килади, унга кура «куйи» мавкедаги шахе юқориро мавкени эгаллаганга сўзииз буйсунади, ролла рва фаолият чегаралари

катъият таксимлаб куйилади, ўзига хос «мехнат таксимоти» «иҳтинослашув» хукм суради, «штат рўйхатига» монанд тарзда «амаллар» белгилаб куйилади - курбоши (баъзан бир неча гурухларнинг курбошлари) - жинои «касса» хазиначиси, алоказичилар, кора ишни баҳарадиган жангарилар, «рахбар»га - сурбошига сўзсиз итоат этадилар. Айрим жинои тудалар ўз разведкалари ва контразведкаларини, баъзан эса хатто ўз судларини тўзатадилар. Жинои гурух. аъзолари бир - бирига ипсиз бокланган, баъзан «кондош», шу жумладан курбонларнинг тукилган кони эвазига «кондош» булиб коладилар. Купчилик жинои гурух, аъзолари «қасам» ичадилар, ҳар қандай шароитда ҳам «шериклари» ва содир этган жиноятларини сир саклашга сўз берадилар. Бу уларнинг «ахлок кодексидир».

Иккинчидан, жинои гурух; гарчи сурбетлиги г>а мураккаб тайёрланганлигига кура пишик - иухта фактати жиноятни (масалан банкни умариш) содир этиш учунгина эмас, балки ўзок ^гудАат1 баъзан йиллар мобайнида жинои фаолият билан шугулланиш максадида таркиб топади.

Уюшган жиноятчиликнинг учинчи белгиси - коррупциядир, бошкача қилиб айтганда, жинои элементларнинг давлат аппарати ҳамда хукук -тартибот идоралари билан чатишиб кетишларидан иборатдир.

Жинои ҳамжамиятни таҳлил килганда куйидаг'и омилларга эътибор бериш керак:

1. Ушбу гурухга уюшиш сабаблари:

а) «бирлашмасдан» жиноят содир этишнинг имконияти йуклиги;

б) жиноий максадларнинг уйгунилиги;
в) шахсий бир - бирини ёктириш;
г) хулк - авторнинг, эътиқодларнинг монандлиги, хукукий онгдаги умумий норасолик ва хоказо.

2. Жиноий гурухда ролларгыш таксимланиши:

- а) ирода сифатлари;
- б) ташкилотчиларнинг қобилиятилари;
- в) етакчиларнинг обруси ва ташаббуси;

г) иккинчи даражали аъзоларнинг иродасизлиги, мослашувчанлиги ичкиликка ружу куйиш.

3. Гурух ичидаги тукнашувлар ва зиддиятлар. Уюшган жиноий тизимлар зулукдек жамият қонини сўради. Яширин иқтисод уларнинг молиявий асосидир. Жиноятчиликнинг туб ўзаги ғараздан иборат мотивдир (Контрабанда, соҳта пул ясаш, валюта операциялари конунларининг бўзилиши каби) давлат ва хизмат сирларини сотиш, котиллик ва .кайнаш, курол ва ук -дори билан конунга хилоф операциялар каби жиноятлар ва ук -дори билан конунга хилоф операциялар каби жиноятлар учун гаразли мотивлашув ҳарактерлидир. Шантаж қилиб тulos ундириш макс'адини кўзлаган жиноятчиликнинг яна бир тури «кинднеппин» (одамларни, купчилик холларда болаларни угираш) ҳам томир отди. Уюшган жиноий гурухларнинг манбаларидан бири (айникса рэкэт жиноятида) спортчилар булиб кояпти. Зуронлигининг интенсивлиги жихатидан рэкэт уюшган жиноятчиликнинг энг тажовўзкор турларидан бири булиб хисобланади. Куп холларда у жисмоний зурлик ишлатиш, азоблаш, кайнаш, кимнидир гаровга олиш, мол-мулкни йук қилиб ташлаш, боскинчилик кўринишларида намёён булади.

«омади чопган» жиноий ҳамжамият аъзоларида жазонинг мукаррар эмаслиги, корпоратив бирдамлик, химояланганлик туйгуларини шакллантиради. Бирок, жиноий гурухлардан бирини фош этишга оид муваффакиятли утказилган тергов бошка гурухлардаги жиноятчиликларда ҳам фош этилишдан қўрқувни уйготади, ўзини асраш хиссини кўзгатади. Тергов муваффакиятли уткалиши учун жиноий ҳамжамиятнинг психологик анализини, унинг тўзилишини, барча аъзоларини, «лавозим зинапоясидаги» мавkesини, ҳар биринининг шахсий хусусиятларини урганиш ва аниқлашдан бошламок зарур.

Жиноий гурухнинг психологик структураси шундан иборатки, уларда интеграцион муносабатлар ўрнатилган. Бу муносабатлар мухит билан боғлиқ бўлиб, улар: шахслараро, горизонтал, вертикал ҳолатларда бўлиши мумкин.

Вертикал ҳолатдаги итеграцион бу муносабатлар- хукуқни муҳофаза қилиш органлари ва давлат органлари билан алоқада бўлиши мумкин. Ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-психологик ва бошқа шароитлар коррупция, соявий иқтисодиётни келтириб чиқаради ва кейинчалик ривожлантиради. Интеграцион муносабатлар- жиноий гурух аъзолари ўртасидаги роллий вазифаларга суннади (бу дегани, жиноий фаолиятнинг ҳаракетига кўра роллар, мажбуриятлар иноий гурух аъзолари ўртасида тақсимланади).

Жиноий гурух ўзининг ҳаракатларини қўйидаги тарзда амалга оширади:

- турли йўллар билан жиноятни содир этиш учун керакли бўлган маълумотларни йиғиш;
- хукуқни муҳофаза қилиш ва бошқа органларни доимо коррупциялаштириш (коррупциялашган мансабдор шахслар гурухини кекракли бўлган маълумотлар билан таъминлайдилар кадрларга тегишли саволларни ҳал этишга ёрдам берадилар ва гурухнинг муҳофазасини ташкиллаштирадилар);
- ўзларининг ҳатти-ҳаракатларига ташки қонунийлик бериш мақсадида асосий ижтимоий-иқтисодий институтлардан моҳирона фойдаланиши;
- ўзларининг кучлилиги тўғрисида миш-мишлар ва қўрқув тарқатиши;

- гурух сардорларининг қилмишлари бўйича маъсулитдан қутилиш учун керакли бўлган бошқарув тизимини тузиш (яъни, айрим аъзолари жиноий жазога тортилганда ҳам, жамоа сақланиб қолади);
- ўзларининг қора ниятларини амалга ошириш ва худудда ҳукумдорлик ўрнатиш учун турли жиноятларни содир этиш.

Жиноий гурухнинг яшаб туриши учун доимо фаолият доирасини замон ва имкон томонидан кенгайтириб туриш лозим. Бундай ҳаракатлар бўлмаса жиноий фаолиятига нукта қўйилади.

Жиноий гурухнинг ички психологик ва функционал тизими қанчалик мустаҳкам ривожланган бўлса, шунчалик унинг фаолияти мақсадга йўналган бўлади ва аъзолари ўртасидаги роллар ва вазифалар аниқ белгиланган бўлади.

Жиноий гурух иштирокчилари орасида фақат ишчи муносабатлар хукм суради, шахсий муносабатларга ўрин бўлмайди.

Жиноий гурухда доимо 2 та қарама-карши кучлар тўқнашадилар: Биринчи куч гурухнинг ахил бўлишига ўз ҳиссасини қўшса, иккинчиси унинг ёйилиб кетишига ҳаракат қиласади. Омади чопган пайтида гурух янада бир тан бир жон бўлади, лекин омадни қўлдан бой берган ҳоларда унинг тарқалиши турган гап.

Жиноий гурух орасида маълумот тарқатишнинг ўзига хос усуслари мавжуд:

1. тўлиқ тизим орқали (ҳар бир аъзо бир бирлари билан алоқа ўрнатадилар ва маълумотберадилар);
2. доира шаклидаги тизим (маълумотнинг йўналиши чапдан ўнга, ёки ўнгдан чапга) ёрдамида;
3. “занжир-доиранинг бўлиниши” (биринчи шахс иккинчи шахсга маълумот беради, учинчи шахс маълумотни ким тарқатганлигини билмайди – яъни биринчи шахс кимлигини билмайди, шу боис иккинчи шахс тўртинчи одам тўғрисида ҳам ҳеч нарса билмайди-яъни учинчи шахсдан кейин кимга маълумот тушиши номалум, ?-2-3-?) орқали;
4. “доира - ўзаги билан” – бошлиқ гурухнинг битта аъзоси билан боғлиқ, демак у аъзо гамма билан боғлиқ;
5. комбинация тизими – бошлиқ гурух аъзоларига маълумот етказиш учун иккита ёки учта шахслар билан боғланади;
6. мураккаб тизим – бошлиқ иккита ёки учта кичик гурухлар билан боғланади, улар ўз навбатида бошқа кичик, катта гурухлар билан боғланган балади;
7. кўп тармоқли тизим орқали- етакчи бир неча бошқа шахслардан жиноий гурухлар билан боғланади ва улар ўзининг ҳимоясини таъминлайди. Улардан олинган маълумотлар маҳсулотни жўнатиш, транспорт, бухгалтерия масалаларига оид бўлиши мумкин.

Уюшган жиноятчилик тизимида юқори даражада турадиган сардорлар иккита қисимга бўлинади:

1. – катта талон-тарож қилувчи иш билармонлар;
2. - жиноятчилар

Жиноий гурухларни ташкил қилувчилари қўйдаги ҳукумдорлик асосларига эга:

1. тақдирланиш ҳукуми: қўйиладиган шартлар бевосита бажариб келинган тақдирда;

2. бўйсундириш, жазо ҳукуми: жазо олиниши мумкин, ундан халос бўлиши мумкин;
3. эталон ҳукуми: гуруҳ аъзоси етакчига ўхшашлиги;
4. норматив ҳукуми: тартиб-қоида, урф-одатларга бўйсуниш;
5. билармонлик ҳукуми: етакчининг обрӯ этибори, унинг билими, малакаси;
6. маълумот ҳукуми: етакчи ўзи маълумот олишга қодир.

Ҳозирги замон шароитида пастги бўғинда жойлашган гуруҳ аъзолари ўзларининг бошлиқлари (етакчилари)ни лидерларини билмаслиги мумкин (конспирация туфайли) Уюшган жиноий гуруҳ (жамоа)ларнинг шаклланишига сабик спотчилар манба бўлиб ҳисобланишлари мумкин, (айниқса рэкет жараёнида). Бунга ижтимоий-психологик асослар сабаб бўлиши мумкин: “катта спотрни” ташлаб кетганд спотчилар келгусида ўзининг ички заҳираларини йўқотган, маълум бир касбда билим ва малакаларини қўллай олмасликлари, моддий таминоти йўқлиги жиноий гурухларга аъзо бўлиб қолишларига имкон яратади.

Жиноий жамоаларнинг уюшганлиги маълум бир худуд, давлатларда криминологеншароитларни яратади. Ушбу жиноий оламга кўпгина ёш йигитлар жалб қилинади. Уларга катта-катта моддий рағбатлантириш ваъдаларни бериш орқали “тузоқча илинтириш” ва ўз жиноий ғояларини амалга ошириш жамоаларнинг кенгайиши ва янада чукурлашишига олиб келади.

Пед. Технологиялар: Талабаларнинг мустақил ишлари кичик ва катта гурухларда муҳокама қилинади. Шунингдек, маъруза ва амалий машғулотларни олиб борища тарқатма материаллар, замонавий пед-қ, психологик технологиялар “Интер актив “, “Бумеранг “, Кластер, “Ақлий хужум” ”Давра столи”, “Кластер” “ФСМУ”каби интерфаол усуллардан фойдаланилади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар :

1. Уюшган жиноятчилик мотивлари хақида айтинг?
2. Жиноий гурухларнинг психологик тавсифи хақида айтинг?
3. Жиноий гурухлар харакатларининг психологиясини тушунтиринг?
4. Шахс ва гурухнинг криминал йўналишининг ижтимоий-психологик тавсифи?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 4 Каримов. И.А Юксак маънавият –енгилмас куч.
-Т. : маънавият ,2008-17 б.
- 2.Васильев.В.А. Юридическая психология.Учебник.
–С.П. : Питер.2010.
- 3.Дулов.А.В.Судебная пс-я. Минск.2005.
- 4.Ениниев.М.И.Юридическая пс-я.М.: 2006.
- 5.Нагаев.В.В. Основа судебно-психологической экспертизы.
Учебник.М.: 2008.
- 6.Столяренко.А.М. Прикладная юридическая п-я.
Учебник.М.: 2007.
- 7.Ситковская.О.Я. Судебно-психологическая экспертиза аффекта.
Учебник. Мет-пос.М.:2008.
- 8.Рухиева.Х.А. Суд-психологик экспертизаси. Ўқув қўлланма – Т.: 2010.
- 9.Рухиева Х.А. Гозиев Э.Ф. Олий мактаб психологияси
Муаммолари. Ўқув қўлланма. Т.: 2008.
- 10.Романов.В.В. Юридическая пс-я. Учкбник. – М.:

Технологик карта

7 - МАВЗУ	Турли тоифадаги қонунбузарларнинг психологик жиҳатлари.
Мақсад ва вазифалар	Мавзуга оид тарқатма материалларнинг талабалар томонидан якка ва гурухий асосда ўзлаштириб олинишини таъминлаш, сұхбат – мунозара орқали ўзлаштиришни назорат қилиш.
Ўқув жараёнининг мазмуні	-Социал психологияда одамларни бир – бирига таъсири муаммоси; -Дидактикалық таъсир назарияси; -Социал психологияда конформизм ва конфликт; -Ўзаро таъсирни экспериментал схемаси. Беңлес схемаси; -Ўзаро таъсирнинг психологисини этик томонларини ишлаб чиқиш.
Ўқув жараёнининг амалга ошириш технологиясы	Метод: оғзаки баён қилиш, “баҳс – мунозара” методи, жамоатчилик фикрий фаолияти, ижодий, танқидий ва таҳлилий ёндашув асосида ўтказилади. Шакл: аудитория – дарс шакли, жамоада ишлаш. Восита: тарқатма материаллар – матнлар, маълумотномалар Усул: ёзма материаллар ва чизмаларни аниқ ажратиш ва белгилаш асосида. Назорат: савол - жавоблар
Кутиладиган натижалар	<p style="text-align: center;">Ўқитувчи:</p> <p>Маърузачи қисқа вақт ичидә барча талабалар томонидан мавзунинг ўзлаштирилишига эришади. Талабалар фаоллигини оширади. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқиши уйғотади. Ўз олдига күйгөн мақсадига эришади.</p> <p style="text-align: center;">Талаба:</p> <p>Яңги билимларни әгаллейди. Якка ҳолда ва гурух билан ишлашни ўрганади. Нутқи ривожланади ва әслаб қолиши қобилияти кучаяди. Қисқа вақт ичидә күп маълумоттаға әга бўлади.</p>
Келгуси режалар (таҳлил, ўзгаришлар)	Педагогик ва психологик технологияларни ўзлаштириш ва уларни дарсга тадбик этиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш, мавзуни ҳаётий воеалар билан боғлаш. Педагогик маҳоратни ошириш.

7. Мавзу. Турли тоифадаги қонунбузарларнинг психологик жиҳатлари.

Режа :

- 1.Турли тоифадаги қонунбузарларнинг психологик тавсифи
- 2.Вояга етмаган қонунбузарларнинг психологик хусусиятлари.
- 3.Норкамания, алъкоголизм мотивларининг психологик тавсифи.
- 4.Алкоголизм ва норкаманиянинг психопрофилактикаси.

Кириш

Турли тоифадаги қонунбузарларнинг психологик тавсифини, вояга етмаган қонунбузарларнинг психологик хусусиятларини, норкамания, алъкоголизм мотивларининг психологик тавсифи, алкогольизм ва норкаманиянинг психопрофилактикаси хақида маълум билимлар берилади.

1.Турли тоифадаги қонунбузарларнинг психологик тавсифи

Ноижтимоий хулқа эга бўлган дўстлари, тенгқурлари унга ва унинг идеалларини шаклланишига катта таъсир кўрсатади. «Қийин» ўсмирнинг шахсини шаклланишида салбий оиласвий шароит энг муҳим бўлиб ҳисобланади. (ичувчи ота-она, уларнинг аҳлоқсиз хулқи сезиларли даражада таъсир кўрсатиши мумкин.)

2.Вояга етмаган қонунбузарларнинг психологик хусусиятлари.

16 ёшда ўсмир, барча жиноят ишлари бўйича жиноий жавобгарликка тортилади. Ўсмир ёши – бу танглик даври ҳисобланиб, унинг психика ва организими кўп ўзгаришларга учрайди (ота-оналар ўзларининг муносабатларини бошқатдан кўриб чиқишлари лозим).

3.Норкамания, алъкоголизм мотивларининг психологик тавсифи.

Норкамания , алъкоголизмга қатий чора тадбирлар кўрилади. Психологик сухбатлар ўтказилади.

4.Алъкоголизм ва норкоманиянинг психопрофилактикаси.

. Насилдан-насилга ўтадиган биологик омилларини аниқлаш: алкогол салбий таъсир кўрсатиши; ота-онанинг нерв-психик касалликларга мойинлиги; ҳомиладорлик пайтидаги онанинг соғлиғидаги камчиликлар туғилишидаги нуҳсонлар ва х.к.

Атроф муҳитнинг салбий омиллари ва вояга етмаганлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар асосида пайдо бўлган таъсирланиш оқибатида жиноий иш содир бўлиши мумкин. Жиноий ишларни кўпинча «қийин» педагогик томондан «қўлдан чиқиб қолган» ўсмирлар содир этадилар. Уларнинг қизиқишлари ва ижтимоий қарашларининг билимлари паст даражада бўлганлиги, уларни дангаса, иродасиз, масъулиятсиз, сезгирсиз, агрессив ҳолатларда эканлигини намоён қиласди.

Ноижтимоий хулқа эга бўлган дўстлари, тенгқурлари унга ва унинг идеалларини шаклланишига катта таъсир кўрсатади. «Қийин» ўсмирнинг шахсини шаклланишида салбий оиласвий шароит энг муҳим бўлиб ҳисобланади. (ичувчи ота-она, уларнинг аҳлоқсиз хулқи сезиларли даражада таъсир кўрсатиши мумкин.)

У ўқиши инкор этади, бу ҳолат ўсмир ва синф жамоаси, педагоглар ўртасида низо келтириб чиқаради. Ўсмир ёши (11-13-14-15 ёшлар) – бу биологик нуктаи назаридан ўтиш даври бўлиб ҳисобланади, чунки бу ёшда жинсий улғайиш намоён бўлади.

Бу ёшдаги энг муҳим туйғу – катта бўлганлиги, улғайганлигини сезиш (ёшлик даври ортда қолиб катта одам «куниб чиқади.»)

Ўсмир ёши – ниҳоятда сезувчан, руҳий томондан тез шикасланувчи, қарама-қаршиликларга эга бўлган ёшdir.

Ўсмирлик ёшида (14-18 ёшлар) – жинсий улғайганлиги ўз якунини топади ва болалар илк бор ишлаб чиқариш меҳнатига қадам қўйядилар. Бу ёшларда уларнинг ижтимоилашуви охирги босқичдан ўтади. Улар ҳуқуқий ва аҳлоқий хулқ нормаларини ўзлаштира олган бўладилар ва қонун олдида жавоб беришлари лозим. 14 ёшда ўсмир – айрим жиноий ишлар бўйича жавобгарликка тортилса, (одам ўлдириш, ўғрилик, тажовус кўрсатиш ва х.к.) , 16 ёшда ўсмир, барча жиноят ишлари бўйича жиноий жавобгарликка тортилади.

Ўсмир ёши – бу танглик даври ҳисобланиб, унинг психика ва организими кўп ўзгаришларга учрайди (ота-оналар ўзларининг муносабатларини бошқатдан кўриб чиқишлари лозим).

Л.С. Выготский ўсиб келаётган ёшнинг қўйдаги танглик нукталарини очиб берган:

1 ёшда;

3 ёшда ;

7 ёшда ;

13 ёшда энг қийин мураккаб кризис даври.

Нима учун ўсмирлик даври - «қийин» давр деб ҳисобланади?

Бириңчидан: организм ва жинсий улғайғанлигининг ривожланиши бир текста эмаслиги (масалан: узун бүй ва кичик боши, күкрап қафаси тор, қўл-оёқларнинг узунлиги). Юрак томир тизимидағи диспропорцияда бўлмаганлиги ўсмирга катта таъсир кўрсатади.

Иккинчидан: юрак-томир тизими бир текисда эмаслиги сабабли қон-томирининг уруши (кон босими) юқори бўлиши мумкин. Бош оғришлар, галлюцинация ва бошқа белгилар яққол кўринади. Ҳис туйғуларининг мустаҳкам эмаслиги, тез қўзғалишлари низо ҳолатларига олиб келади.

Мулоқатга бўлган эҳтиёжи ва ҳаётда ўзининг ўрнига эга ва мустақил бўлишга интилиши факат яхши шароитда ва ижтимоий фойдали фаолият асосида юзага келади. Бундай шароит йўқ бўлса, демак ўсмир, ўзини ўзи исботлаб олиши, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши учун норасмий ўсмирлар гурухи, кўча-куйда, кўча гурухларида ўзининг эҳтиёжини қондиради. Бу жойларда унинг ҳати-харакатлари ноижтимоий ҳулқга айланаб ўсмир ичиш, чекиш, ёмон сўзлаш, безорилик қилишни ёқтириб қолади.

Наркотик модда, спиртли ичимликлар билан дўстлашиш кўпроқ инсоннинг ёшлик даврида намоён бўлади. Одам анимия ҳолатида бўлган пайтида, кўпроқ шу нарсаларга қўл уради. Бу дегани, бундай одамларда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган идеалларининг йўқлиги, реал ҳаётда ўзининг ўрнига эга бўлиши, ўзининг имкониятларидан фойдалана олиш учун қураш олиб боришдан бош тортади.

Танглик вазиятидан енгил чиқиши ва қийинчиликлардан ўзини халос қилиши учун ўсмир наркотик моддалар ва алкогозим иллатига берилиб кетади. Наркотик орқали у ҳаёлпарат бўлиб қолади, бу нарсалар унинг юрагига малҳам бўлиб, руҳий осудалик баҳш этади. Одамларни наркотик моддалар билан таъминлаш учун катта тизимдаги наркобизнес ишга тушади.

Ўсмирларининг соғлом ижтимоий ҳаётга зид бўлган ҳулқини ўрганиш учун жуда кўп тадқиқотлар ўтказилган. Масалан: психиатр А.Е.Личко ўсмир ёшдаги болаларнинг норма ва нормада бўлмаган характерларидағи белгиларини ўрганиб чиқкан. Тадқиқотчини кўпроқ ўсмир характерининг эгатология, аникроғи психопатия ҳолатлари қизиқтирган. Унинг нуқтаи назари бўйича ўсмир ёшидагиларнинг характерлари 11 турдаги имкониятларига эга бўлиб, уларнинг ҳар-хил шароитлардаги кўринишлари ноижтимоий ҳулқига олиб келиши мумкин.

Ўсмир ёшидаги болаларнинг ноижтимоий ҳулқи асосида юзага келган характерларини педагогик жиҳатдан яхшилаш (педагогик томонидан тузатиш) учун уларнинг ҳар бирига индивидуал ёндошиш лозим.

Юқорида тўхталиб ўтганимиздек, «қийин» ўсмир ёшидаги болаларнинг шахсини шакилланишида, кўпчилик ҳолларда, оиласдаги нотинч вазият сабаб бўлади. Атрофимизга назар ташлаб ўтканимизда, одатда, одамлар ўзларининг умумий қизиқишилари орқали қадриятли меъёрий субъектив маданиятлар, жамоаларига кирадилар ва у ерда ўзарожипислашишга ҳаракат қиладилар.

Бу жамоалар турлича бўлишлари мумкин: жиноий, ретрист (ичувчи, доимий равища алкагол маҳсулотларини истеъмол қилувчи, наркоман хиппи-олифта), ўсмирлар, диндор одамлар.

Улар жамиятни тан олмайдилар ва унга қарши ҳаракат қиладилар. Жамият томонидан бу маданиятлар қанчалик инкор қилинса, шунчалик бу ҳолат уларни янада жипслаштиради ва пухталаштиради.

Ёшлар, шу жумладан ўсмирлар суб-ўзига хос маданиятини тан оловчи жамоалар билан бирлашадилар. Чунки, у ерда, уларни бошқа катталар дунёсига қараганда кўпроқ тушунадилар, кўпроқ имкониятлар берилади.

Ретрист субмаданиятини ўзига хос шаклланишида қўйидаги сабаблар асос бўлиши мумкин:

1. жамиятда шахснинг ўз ўрнини топа олмаслиги;
2. мустақил шаклланишига курби етмаганлиги;

3. мулокатга бўлган эҳтиёж («ўзига ўхшаганлар (жамоа) керак»). Улар спиртлик ичкилигини эмас, балки ўзига яқин бўлган жамоани хоҳлайдилар;
4. норасмий гуруҳни ташкил қилиш эҳтиёжи (ижтимоий назорат томонидан босим қилиниши натижасида вужудга келади).

Балоғат ёшидаги шахслар билан қандай тергов ишлари олиб борилади? Уларнинг психологик ҳусусиятлари нималардан иборат?

Балоғат ёшидаги қонунбузар шахсни анализ қилиш қўйдаги схема орқали амалга оширилади.

1. Насилдан-насилга ўтадиган биологик омилларини аниқлаш: алкогол салбий таъсир кўрсатиши; ота-онанинг нерв-психик касалликларга мойинлиги; ҳомиладорлик пайтидаги онанинг соғлиғидаги камчиликлар туғилишидаги нуҳсонлар ва ҳ.к.
2. Ўсмирнинг ўраб турган ижтимоий яқинлари: оила, ота-онанинг ижтимоий-иқтисодий ўрни, ака-опаларининг муносабатлари тарбиянинг ҳусусиятлари, мактаб, дўстлари ва ҳ.к.
3. Ўсмирнинг шахсий тавсифномаси: характер ва темпераментининг ҳусусиятлари, қадриятли-мотивацион доираси, қадриятларининг йўналишлари, мойиллик даражаси, ўзини ўзи баҳолаш ва баҳолашдаги мавжуд низолар, касбига бўлган муносабати қадриятлар тизимидағи касбининг ўрин, келажакдаги режалари.
4. Ўсмирнинг ҳуқуқий онги.

Ўсмирнинг оиласи шароитини ўрганишда қуйидагиларга ургу бериш лозим.

1. оиласи тўғрисида тўлиқ маълумот: (кимлар туради, ёши, маълумоти, ҳулқи, ажрашганлиги, ўлими ва ҳ.к.);
2. ота-онаси, яқин қариндош-уруги, ўсмирнинг ўқиши, бўш вақти, дўстлари, танишлари;
3. балоғат ёшдаги ўсмирнинг салбий ҳулқига эътибор берилганлиги (урушган пайтида, спиртли ичимлик ичган пайтида).

Ўқиши жойида:

1. дарсларга қатнашганлиги;
2. қайси синф, дарсларни ўзлаштириши қандай;
3. қайси фанлар билан қизиқади, синфда қолганлиги;
4. мактабнинг ижтимоий ҳаёти билан қизиқанлиги (секция, клуб, кружоклар);
5. ўқувчилар билан муносабати;
6. синфдошлари билан дўстлашганлиги, узокда бўлганми;
7. мулокатда ўзини тутиши;
8. ҳасис, қизиқонлик, қўли очик, ростгўй;
9. жамоа фикрига қўшиланлиги;
10. ота-она, ўқитувчиларга бўлган муносабати, унинг учун ким намуна;

Ўқиши пайтидаги салбий ҳулқи:

1. айибларини тан олганлиги, иқрор бўлгани;
2. бошқа ўсмирлар ножӯя иш қилиб қўйган бўлишса қандай муносабатда бўлганлиги;
3. мактабдан чиқариб юборилган пайтлари дарсларга киритилмаганлиги. Ушбу сабаблар бўйича ота-онаси чақиртирилганлиги;
4. қўлланган чоралардан сўнг унинг ҳулқидаги ўзгаришлари;
5. дарслардан сўнг бўш вақтини қаерда ўтказгани;
Гумон қилинувчи ва айбланувчи шахсларни сўроқ қилиш психологияси.

Уларнинг процессуал ҳолати ҳар ҳил бўлганлиги билан, психологик нуктаи назардан фарқи жуда катта эмас.

Гумон қилинувчи – ҳар ҳил психологик ҳолатларда бўлиши мумкин (бир қараганда ўзига ишонади, ёки ишонмайди, ғамгин, ўзини йўқотган).

У иш юзасидан катта маълумотларга эга ва шунинг учун у қарши ҳаракат қилишга интилади.

Гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг психик ҳолатлари, мотивлари билан ҳулқининг хусусиятлари унча фарқ қилмайди.

Айбланувчи - руҳий безовталаниш ҳолатига тушиши мумкин бу шахсда «бошқалар билиб қолмасин» деган мотив устин туради, қариндош ва дўстлари билиб қолмаслиги керак, чунки унинг учун уларнинг фикрлари жуда муҳим). Лекин, айрим тоифадаги айбланувчилар учун (масалан, рецидивистлар) бошқаларнинг фикри ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаслиги мумкин.

Айрим айбланувчиларни, йиллар давомида қўлга қритилган ижтимоий хизмат ва моддий мавқенини йўқотиш, озодликдан маҳрум бўлиши каби саволлар безота қиласида ва улар онгли равишда тўғри кўрсатмалар беришдан бош тортадилар.

Улар доимо безота ҳолатда бўладилар. Бу ҳолат бош миянинг катта ярим бўлакларидаги қўзғалишлари (яъни, доминантанинг пайдо бўлиши) натижасида пайдо бўлади. Айбланувчи миядаги ўзгариш жараёни асосида қўрқув ҳолатига тушади ва ҳаёлан тез-тез бўлиб ўтган воқеага қайтади.

Одил суд хукмидан қутилиш учун миядаги ўзгариш жараёни (доминанта) орқали у бир-қанча хилалар ўйлаб топади. (масалан: қалбаки командировка, миш-мишлар тарқатиш, жабрланувчини пулга сотиб олиш ва ҳ.к.)

Сўроқ қилиш пайтида низолий вазият, яъни айбланувчи мажбурий мулоқатга чақирилиши; бошқалар билан алоқада бўлишдан маҳрум қилиниши ва бошқа сабабларига кўра юзага келиши мумкин

Лекин, ҳеч қачон сўроқ қилиш жараёни терговчи томонидан шахсий ҳаракатларга эга бўлмаслиги лозим, куч ишлатиш ман этилади.

Қўлга олиш психологияси.

Тинтуб ўтказиш ва қўлга олиш – бир пайтда ўтказиладиган ҳаракатлар. Одатда қўлга олиш шахсий тинтуб ўтказиш давомида амалга оширилади.

Қўлга олиш жараёни доимо сторесс ҳаракетига эга, чунки, тергов ҳаракати иштирокчилари ҳаёти ва соғлиғига ҳавф етказиш мумкин. Шунинг учун унга жуда пухта тайёрланиш, айбланувчи шахс хусусиятларини инобатга олган ҳолда, вазиятга кўра тўғри иш тутиш лозим.

Қўлга олиш пайтида айбланувчи қарши ҳаракатлар қилиш мумкин (у қуролланган бўлиши мумкин). Шунинг учун терговчи ҳавсизлик чораларини кўриб чиқиши лозим.

Қўлга олиш пайтини ўта эҳтиёткорлик билан танлаш лозим. Агарда жиноятчи маст ҳолда, наркотик моддалар таъсирида бўлса уни ўзига келиши учун имконият бериш лозим.

Психологик таъсир кўрсатишнинг энг самарали воситаси бу, уни ўз хоҳишига кўра, таслим бўлишга ишонтириш. Жиноятчи билан музокара ўтказиш лозим ва музокарага ота онаси, болалари, дўстларини таклиф қилиш лозим

Пед. Технологиялар: Талабаларнинг мустақил ишлари кичик ва катта гурухларда мухокама қилинади. Шунингдек, маъруза ва амалий машғулотларни олиб боришда тарқатма материаллар, замонавий пед-к, психологик технологиялар “Интер актив”, “Бумеранг”, Кластер, “Ақлий хужум” ”Давра столи”, “Кластер” “ФСМУ”каби интерфаол усуллардан фойдаланилади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

- 1.Юзлаштириш психологиясини тушунтиринг?
- 2.Юзлаштириши натижасига таъсир кўрсатувчи омилларни айтинг?
- 3.Сўроқ қилишнинг психологик хусусиятлари қандай?
- 4.Қўлга олиш психологиясини тушунтиринг?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Каримов. И.А Юксак маънавият –енгилмас куч.
-Т. : маънавият ,2008-17 б.
- 2.Васильев.В.А. Юридическая psychology.Учебник.
–С.П. : Питер.2010.
- 3.Дулов.А.В.Судебная пс-я. Минск.2005.
- 4.Ениниев.М.И.Юридическая пс-я.М.: 2006.
- 5.Нагаев.В.В. Основа судебно-психологической экспертизы.
Учебник.М.: 2008.
- 6.Столяренко.А.М. Прикладная юридическая п-я.
Учебник.М.: 2007.
- 7.Ситковская.О.Я. Судебно-психологическая экспертиза аффекта.
Учебник. Мет-пос.М.:2008.
- 8.Рухиева.Х.А. Суд-психологик экспертизаси. Ўқув қўлланма – Т.: 2010.
- 9.Рухиева Х.А. Фозиев Э.Ф. Олий мактаб психологияси
Муаммолари. Ўқув қўлланма. Т.: 2008.
- 10.Романов.В.В. Юридическая пс-я. Учкбник. – М.:
Прогресс,2006.

ТЕХНОЛОГИК КАРТА

10 - МАВЗУ	Суд-психологик экспертизаси.
Мақсад ва вазифалар	Талабаларга Суд-психологик экспертизасининг асосий вазифаси - гувоҳ, айбланувчи, ҳамда жабрланувчиларнинг ўзига хос психик фаолияти бўйича ҳақиқатни аниқлаш имкониятини бериш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган янги далилларни маҳсус психологик билимлар асосида олишдан иборатdir. Мавзуга оид тарқатма материалларнинг талабалар томонидан якка ва гурӯҳий асосда ўзлаштириб олинишини таъминлаш, суҳбат – мунозара орқали ўзлаштиришни назорат қилиш.
Ўқув жараёнининг мазмуни	-СПЭ нинг ҳуқуқий асослари ва унинг зарурияти. -Эксперт ваколатлари. -СПЭ тайинланиши. -Ўтказиш тартиби.
Ўқув жараёнининг амалга ошириш технологияси	Метод: оғзаки баён қилиш, “ФСМУ”, “Блиц”, “Кластер”, “Интер фаол”, “Баҳс – мунозара” методи, жамоатчилик фикрий фаолияти, ижодий, танқидий ва таҳлилий ёндашув асосида ўтказилади. Шакл: аудитория – дарс шакли, жамоада ишлаш. Восита: тарқатма материаллар – матнлар, маълумотномалар Усул: ёзма материаллар ва чизмаларни аниқ ажратиш ва белгилаш асосида. Назорат: савол - жавоблар
Кутиладиган натижалар	Ўқитувчи: Маърузачи қисқа вақт ичida барча талабалар томонидан мавзунинг ўзлаштирилишига эришади. Талабалар фаоллигини оширади. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқиш ўйғотади. Ўз олдига қўйган мақсадига эришади. Талаба: Янги билимларни эгаллайди. Якка ҳолда ва гурӯҳ билан ишлашни ўрганади. Нутқи ривожланади ва эслаб қолиш қобилияти кучаяди. Қисқа вақт ичida кўп маълумотга эга бўлади.
Келгуси режалар (таҳлил, ўзгаришлар)	Педагогик ва психологик технологияларни ўзлаштириш ва уларни дарсга тадбиқ этиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш, мавзуни ҳаётий воеалар билан боғлаш. Педагогик маҳоратни ошириш.

10. Мавзу. Суд-психологик экспертизаси.

Режа:

- 1.СПЭ нинг ҳуқуқий асослари ва унинг зарурияти.**
- 2.Эксперт ваколатлари.**
- 3.СПЭ тайинланиши.**
- 4.Ўтказиш тартиби.**

КИРИШ

СПЭ нинг ҳуқуқий асослари ва унинг зарурияти, эксперт ваколатлари, Суд-психологик экспертизаси тайинланиши хақида.

1.СПЭ нинг ҳуқуқий асослари ва унинг зарурияти.

Суд-психологик экспертизасининг асосий вазифаси - гувоҳ, айбланувчи, ҳамда жабрланувчиларнинг ўзига хос психик фаолияти бўйича ҳақиқатни аниқлаш имкониятини бериш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган янги далилларни маҳсус психологик билимлар асосида олишдан иборатdir.

2.Эксперт ваколатлари.

Суд-психологик экспертизаси эксперт ваколатининг мазмунини ҳар бирiga суд-психологик экспертизасининг аниқ тури тўғри келган эксперт психологик изланишларнинг аниқ предметларини кўрсатиш орқали очиб бериш мумкин.

3.СПЭ тайинланиши.

Эксперт-психолог текширув ишларини олиб борганда қандай методларда фойдаланганлигини, экспертизанинг асосий қисмини мақсади нимадан иборат эканлигини кўрсатиши керак. Суҳбат натижалари сўзма - сўз ҳаммаси аниқ ёзилиши шарт эмас, умумий мазмуни баён этилса бўлади, лекин текширилувчининг баъзи бир шахсий хусусиятларини нозик томонлари аниқ кўрсатилиши учун (агар шу ишга тааллуқли бўлса) тўлиқ ёзилиши керак.

4.Ўтказиш тартиби

Суд-психологик экспертизаси муаммоларига мурожаат қилган кўпчилик муаллифларнинг фикрича, суд-психологик экспертизаси фақат зарур ҳоллардагина психик жиҳатдан соғлом кишиларга нисбатангина ўтказилиши мумкин ва шарт.

Суд-психологик экспертизасининг предмети ва эксперт ваколати.

Суд-психологик экспертизасининг асосий вазифаси - гувоҳ, айбланувчи, ҳамда жабрланувчиларнинг ўзига хос психик фаолияти бўйича ҳақиқатни аниқлаш имкониятини бериш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган янги далилларни маҳсус психологик билимлар асосида олишдан иборатdir.

Суд-психологик экспертизасининг вазифаси тушунчасидан келиб чиқсан ҳолда, унинг умумий предмети тариқасида маҳсус психологик текширишлар йўли билан синалувчиларнинг барча психологик хусусиятларини аниқлаш жараёни қабул қилинди.

Эксперт психологик текширувларнинг обьекти - инсон психикасидир.

Суд-психологик экспертизаси муаммоларига мурожаат қилган кўпчилик муаллифларнинг фикрича, суд-психологик экспертизаси фақат зарур ҳоллардагина психик жиҳатдан соғлом кишиларга нисбатангина ўтказилиши мумкин ва шарт, яъни суд-психологик экспертизасига юборилаётган айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг руҳий соғлиги (саломатлиги) ҳуқуқни муҳофаза қилиш органининг вакилларида савол тўғдирмаган ёки суд-психиатрик экспертизасининг холосаси билан тасдиқланган ҳолатларда ўтказилади⁷.

Шундай қилиб, суд-психологик экспертизаси ўзининг текшириш предмети ва обьектига эга бўлиб, ўзида эксперт текширувларнинг мустақил турини акс эттиради ва шунинг учун ҳам у бошқа ҳеч қандай экспертиза билан алмаштирилиши мумкин эмас.

Суд-психологик экспертизаси эксперт ваколатининг мазмунини ҳар бирiga суд-психологик экспертизасининг аниқ тури тўғри келган эксперт психологик изланишларнинг аниқ предметларини кўрсатиш орқали очиб бериш мумкин.

Шу вазиятлардан келиб чиққан ҳолда суд-психологик экспертизасининг ваколатига биринчи ўринда:

1. Психик касаллик билан боғлиқ бўлмаган психик ривожланишда орқада қолиш аломатларига эга бўлмаган вояга етмаган айбланувчи ўз ҳаракатларининг аҳамиятларини бутунлай англай олиши ва у қандай миқдорда шу ҳаракатларини бошқариши имконияти тўғрисидаги савонни аниқлаш;

2. Ёш хусусиятларнинг психик ривожланиш ҳолига ва индивидуал психологик хусусиятларга кўра психик соғлом гувоҳ ва жабрланувчиларнинг иши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни тўғри таҳлил этиш ва улар ҳақида оқилона кўрсатма бериш қобилиятини белгилаш;

3. Жиноят содир бўлган вақтда субъектда аффект ва одам онгига ва ҳаракатига катта таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлган нопотологик эмоционал ҳолларнинг борлиги ёки йўқлигини аниқлаш диагностикаси;

4. Номусга тегиши жиноятлари бўйича ўтаётган психик соғлом жабрланувчиларни уларнинг устидан қилинаётган ҳаракатларининг характеристини ва аҳамиятини тушуниш қобилиятини белгилаш;

5. Инсонда маълум бир вазиятда психик ҳолатларнинг (паришон-хотирлик, довдираш, ориентировкани йўқотиши) пайдо бўлиши имкониятини ва уларни авиацияда, темир йўл ва автомобил транспортида, ишлаб чиқаришда, автоматлаштирилган системадаги ишда професионал функцияларни бошқариш сифатида таъсирининг экспертиза баҳосини белгилаш;

6. Субъектнинг хулқ-атворига катта таъсир кўрсатиш қобилиятига эга бўлган индивидуал психологик хусусиятларининг диагностикаси;

7. Одамнинг хулқ-атворини характерлашни мустаҳкамлашга йўналтирувчи мотивларни белгилаш ва шахсий хусусиятлари ҳаракатининг мотивини аниқлаш:

8. Ўлган одамда ўлимидан олдинги даврда ўзини-ўзи ўлдириш учун қулай шароит яратиб берувчи психик ҳолат ва бу ҳолатни келтириб чиқарувчи сабабларнинг бор ёки йўқлигини белгилаш.

Юкорида кўрсатилган суд-психологик экспертизаси эксперт ваколатининг чегаралари албатта умумий психология ва амалий психология соҳаларининг ривожланиши ҳисобига ҳамда эксперт психологик изланишларда олиб борилган тадқиқотлардан олинган маълумотларни анализ ва синтез қилиб, таҳлил этиб тажрибаларни йиғиши натижасида кенгайди

Яққол кўриниб турибдики, суд-психологик ва жамланган психологик-психиатрик экспертизаларнинг ўтказилиши амалиётининг кенгайиши уларнинг мазмуни ва кейинги ривожланиш йўлларини англанилишини аниқлашга шароит яратиб беради. Суд экспертизасининг ҳар қандай турининг ривожланиши унинг предмети ва эксперт ваколатини янада чуқурроқ тушунилишга олиб келади.

Суд-психологик экспертизасининг моҳияти, мақсади ва вазифалари.

Ҳозирги кунда суд-психологик экспертизаси мустаҳкам методологик асосга эга бўлган ҳолда ривожланиб, ўсиб бормоқда. Тарихни ўрганиб боришни афзаллиги шундаки, “ўтмишимизда йўл қўйилган хатолар келажакда қайтарилмасин”.

Экспертизанинг ўзи нима? Бунга таъриф берамиз “Экспертиза деб, жиноят процесуал қонуни асосида фан ва техниканинг, санъат ва халқ хўжалигининг айrim соҳаларида мутахассислар, хунар - касб эгалари томонидан терговда ёки суд муҳокамасида келиб чиқадиган баъзи фактларнинг бўлган ёки бўлмаганлигини аниқлаш мақсадида обьектлар устида лабаратория шароитида олиб бориладиган текшириш ишларига айтилади”.

Суд-психологик экспертизаси эса жиноятни очилиши ёки уни олдини олишда психологлар томонидан ўтказиладиган экспримент, лабаратория ва бошқа ишларни ташкил этади. Тергов ва суд мұхомамасидаги баъзи бир муаммоларни түғри ҳал қилинишида психологлар экспертиза асосида унга аниқликлар киритади. Бу суд-психологик экспертизаси кишининг рухий ҳолати шахсий индивидуал психологик хусусиятларини чукур ўрганишни талаб этади.

Суд-психологик экспертизани ким ва қачон ўтказади? Қандай ўтказади? Бу саволларга қисқагина қилиб жавоб берилиши мүмкін эмас. Шунинг учун саволлар кетмакет, иложи борича мукаммалроқ баён этиб борилади.

Суд-психологик экспертизасига қачон мурожаат этилади. Қачонки муаммоли вазият юзага келганды, яъни тергов жараёнида ёки суд мұхомамасида бирор масалани ҳал қилишда аниқлик киритиш ва маълумот олиш мақсадида малакали мутахассис жалб қилинади ва унинг шу иш юзасидан фикрини олишга түғри келади. Суд-психологик экспертизасини вазифаларини - эксперт - психологлар бажаради. Эксперт - психолог - бу илмий, маданий педагогик савияга эга бўлган, фан соҳаларида маҳсус билимга эга бўлган, экспертиза муассасаларидан бирида ёки психология кафедраларида ишловчи процесуал шахс бўлиб, маҳсус билимга эга бўлган мутахассис эксперт психолог сифатида фаолият юритиши мүмкін.

Терговчи ёки судья гарчанд маҳсус билимларга эга бўлсалар ҳам, лекин бу вазифани бажариш хуқуқи уларга берилмаган. Улар ўзларининг процесуал ҳолатлари сабабли суд ёки терговда эксперт сифатида қатнашишлари мүмкін эмас. Бироқ уларнинг маҳсус билимларидан хабардорлиги тергов қилинаётган ишни чукурроқ ўрганишга, терговни түғри олиб боришга, айrim масалалар устида фикр ва мулоҳазалар юритишга ва айниқса экспертизинг берган хуносасига объектив баҳо боришга ёрдам беради. Экспертиза ўтказишни суриштирув дастлабки тергов органлари ёки суд ўзининг маҳсус қарори ёки ажрими билан мутахассисларга топширади.

Эксперт бир қанча талабларга жавоб берishi керак:

- Экспертдан терговчи ёки суд унинг олдига қўйган саволларга етарли даражада түғри ва асосли жавоб беришга қодир ҳамда шахсан шу соҳа мутахассиси бўлиши керак.
- эксперт жиноят ишига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган бетараф, объектив равишда ҳал қилувчи мутахассис бўлиши шарт.
- экспертдан маҳсус бир қанча тайёргарликлардан, текширишлардан ўтган бўлиши экспертизанинг муваффақияти гарови ҳисобланади.
- эксперт олинган маълумот ва информацияларни сақлай олиши мухим аҳамият касб этади.
- эксперт психолог давлат қонунларини, хукуқшунос касбий фаолиятларини яхши билиши керак.

Эксперт психологларнинг хуқуқ ва бурчларини Ўзбекистон Республикаси жиноят - процесуал кодексида аниқ кўрсатилган .

Суд-психологик экспертизасининг асосий вазифаси - жиноятни олдини олишда ёки суд хукмининг түғри чиқарилишида тергов ва қидирив ишларидаги муаммоли вазиятларни түғри ҳал қилинишида инсонинг индивидуал психологик хусусиятлари, психологик ҳолатлари ҳамда жараёнларини мукаммал ўрганган ҳолда масалани ойдинлаштириш (аниқлик киритишида);

Суд-психологик экспертизасининг мақсади шахснинг айrim психологик хусусиятларини таъкидлаш билан чекланиб қолмаслиги лозим. Ҳамма вақт экспертиз-психологлар вазиятни мутахассис сифатида ҳар томонлама чукур ўрганиб илмий фактлар асосида муаммони очиб бериш керак. У психодиагностика усууллари ҳамда, илмий тадқиқот ишларидан фойдаланиб шахсни психологик ҳолатига аниқлик киритиши мухим аҳамиятга эга бўлади. Турли хил психологик тест ва усууллардан фойдаланиб шахснинг фаолиятида хақиқатни очиб беришда, чиқарилган хуносани ўзgartiriшига олиб келиши мүмкін.

Суд-психологик экспертизасининг умумий предметини ўрганилишига, ҳолатига, ишнинг олиб борилишига, ёки психологик мухитларга қараб бир қанча майда бўлимларга бўлиб ўрганилади. Бунга бир мисол: ўсмир қонунга хилоф равишда иш қилганида ички ҳис - туйғуларини нотўғри бошқарилиши натижасими ёки, ақлий ривожланиши орқада қолганлиги сабабли ўз хатти-харакат фаолиятига тўлиқ жавоб бера олмаслиги натижасими? – буни эксперт-психолог текширишлар натижасида аниқлайди. Суд-психологик экспертизасини ҳар қандай бўлими - унинг умумий предметига боғлаб туради. Суд-психологик экспертизасининг обьекти ҳар доим соғлом психик ривожланган шахс бўлиши керак. Суд-психологик экспертизаси ўзининг предмети, обьекти ва методларига асосланиб мустақил ҳолда тадқиқотлар орқали изланишлар олиб боради. Бу экспертиза ўз соҳасининг саволларига жавоб бериш билан бошқа экспертизалардан нисбатан ўзининг ҳаққонийлиги ва илмийлиги билан ажralиб туради. Шунинг учун ҳам унинг ўрнини ва фаолиятини бошқа ҳеч қандай экспертизалар бажара олмайди. Юридик психология учун энг кўп ва керак бўлган малумотларни факат суд-психологик экспертизаси бера олади. Лекин буни суд-психиатрик экспертизиси фаолияти билан аралаштириб юбормаслик керак. Буни фаннинг тарихини ўрганганимизда ҳам қайд этиб ўтган эдик. Ҳозирги кундаги ҳар бир адабиётларда ҳам шу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтилади. Психиатрия нима? У қандай фан? Нимани ўрганади? Бунга ҳам қисқача изоҳ бериб ўтамиш.

Психиатрия - медицинанинг бир тармоғи. У нерв системаси фаолиятини бузилишини ўрганади. Нерв - психик системасидаги нуқсонларни ўрганади ҳамда келиб чиқиши сабаларини аниқлайди, касалликнинг олдини олади. Касалликни турли хил метод ва усуллар, дори-дармон билан даволайди. Нерв - физиологик системасининг камчилиги ёки бузилиши хаёт давомида бўлганми ёки туғмами уни даволаш мумкинми? Буни аниқлайди ва жавоб беради. У психоз, невроз, олигофрения, шизофрения, психиатрия, эпилепсия, наркомания, гиёхвандлик каби касалликларга бўлинади.

Махсус адабиётларни таҳлил қилиниши, қидиув ишлари ва суд практикаси фаолиятларининг умумлаштирилиши, суд-психологик экспертизасининг илмий тадқиқотлари ҳаммаси биргаликда бир қатор саволларни мукаммал ўрганишни талаб этади.

Экспертиза тушунчаси ва унинг вазифаси

Экспертиза текширишларининг характеристига кўра турли хил бўлиши мумкин.

Экспертиза ўтказиш ўзининг изчиллиги жихатидан дастлабки ва такрорий экспертиза ўтказишга бўлинади. Дастлабки экспертиза бу шу иш юзасидан биринчи навбатдан ўтказилган экспертизадир. Такрорий экспертиза эса дастлабки экспертиза хulosалари билан келишилмаган ҳолда қайта тайин қилинади. Бундай ҳолатлар кўпинча экспертиза хulosаси билан жиноят ишидаги материаллар ўртасида жиддий қарама - қаршилик мавжуд бўлганда, экспертиза хulosалари ноаниқ ёки ишонарсиз бўлса, текшириш методлари нотўғри ёки эксперт ўз вазифа доирасидан четга чиқиб кетган бўлса ва айбланувчи асосли вожлар келтирса, мазкур масала илмий жихатдан ҳал қиланмаган бўлса, шу ишдан эксперт манфаатдор бўлса, шунга ўхшаш ҳолларда такрор экспертиза тайин қилиниб, уни ўтказиш бошқа экспертиларга топширилади.

Текширишнинг ҳажмига қараб экспертиза асосий ва қўшимча экспертизаларга бўлинади.

Қўшимча экспертиза асосий экспертиза саволларига янги қўшимча саволлар қўйиш, ишда янги ҳолат ёки ўзгартиришлар киритиш ва материалларни кўпроқ тўпланиши каби вазиятларда тайин қилинади. Қўшимча экспертизани биринчи экспертга топшириш ҳам мумкин. Чунки бунда эксперт иш материали билан таниш бўлиб, экспертиза ўтказиш муддатини қискартиришга ва асосли бўлишга кўмаклашади.

Экспертиза ўтказишда қатнашувчи экспертиларни сонига қараб бир экспертили ва комиссияли экспертизага бўлинади.

Экспертли текширишни фақат экспертнинг бир ўзи комиссияликда эса бир соҳадаги бир неча мутахассис эксперtlар томонидан олиб борилади. Бу одатда текширилаётган обьектларни катта хажмдалилигига ёки мураккаб эканлигига боғлиқ бўлади. Одатда такрорий экспертиза икки ёки ундан ортиқроқ бўлган экспертлар комиссиясига топширилади.

Текширишда фойдаланилган билимларнинг составига қараб экспертиза бир соҳалик, кўп соҳалик ёки комплекс экспертизалар бўлиши мумкин.

Бир соҳали экспертизада билимнинг бир тармоғи доирасида текшириш олиб борилади.

Комплекс экспертизада эса бир неча соҳага мансуб бўлган билимлар асосида текширилаб шу текшириш натижаларига қараб умумий бир хулоса чиқарилади. Комплекс экспертиза текширишларни бир неча соҳадаги билимлардан яхши хабардор бўлган битта шахснинг ўзи ёки зарур соҳадаги мутахасислардан бир неча киши ўтказишлари мумкин. Комплекс экспертиза ўтказишда ҳар бир эксперт ўз текшириш ва хулосалари учун жавобгарликни ҳис қилиши шарт. Умумий қилинган хулосага ҳар бир эксперт алоҳида ўз имзосини қўяди. Хулосада ҳар бир экспертнинг олиб борган текшириши ва олинган натижаси кўрсатилмоғи муҳим аҳамият касб этади. Агар экспертлардан бирортаси умумий хулоса билан келишмаса, у ҳолда ўз фикрини алоҳида ёзиг бериш керак. Ҳар бир экспертнинг қандай иш олиб борганлиги ва текшириш методлари хулосада алоҳида - алоҳида қайд қилинади.

Юкорида кўсатилган деярли барча турдаги экспертизалар маҳсус давлат экспертиза муассаларида ўтказилади. Экспертиза ўтказиш илмий жиҳатдан асосланган миллый модификациялаштирилган методлар асосида, мукаммаллашган илмий техника воситаларидан фойдаланилган ҳолда, лабаратория ва табиий шароитларда олиб борилади. Бу муассасаларда экспертиза тадқиқотлари системалаштирилади ва умумлаштириб ўрганилади.

Суд-психологик экспертизаси суд ёки терговчининг қарорига асосан ўтказилади. бу қарорда воқеанинг асосий мазмуни, экспертиза ўтказилиши учун зарур бўлган хулосаларнинг сабаби, экспертиза ўтказишнинг кимга топширилаётганлиги, қандай саволларга жавоб бериш кераклиги аниқ кўрсатилган бўлади. Экспертнинг олдига маҳсус билимидан юкори бўлган саволларни (масалан: жиноятнинг сабаби каби) қўймаслиги керак. Экспертизани тайинлаш зарурлиги асосан дастлабки тергов характларидан келиб чиқади. У жиноий ишларнинг характерига ҳам боғлиқ.

Суд-психолоик экспертизани амбулатор қабули шароитида ўтказиш мумкин. Экспертга буйруқ, топшириқ беришдан олдин уни жиноий иш материали билан таништириш керак. Экспертизани ўтказиш учун материаллар тайёрланганда кишининг шахсий, индивидуал хусусиятларига таалуқли бўлган вазиятларни алоҳида қайд этиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Биринчи навбатда ақлий салоҳияти, тарбиявий психологик муҳити, характери, одатлари, хулқидаги мустаҳкам кўнікмалари, хиссий таъсирчанлик доираси, қизиқишлари, ҳаётидаги олдига қўйган мақсадлари, бошқа одамлар билан муомала - муносабатлари ҳақида маълумоти бўлиши керак.

Суд-психиатрик экспертизаси билан суд-психологик экспертизаси бир вақтда олиб борилмайди. Яъни кўп соҳали экспертиза, ёки шу одамнинг ҳақиқатдан ҳам ақлий соғлом эканлиги суд ва терговчида ишонч ҳосил қилинган тақдирдагина психологик экспертиза ўтказиш мумкин.

Прокурор, терговчи ва судья экспертизани тайинлашдан олдин эксперт психологни қонундаги хуқуқ ва мажбуриятлари билан таништириб чиқиши шарт. Экспериментнинг ўтказилиши, хулосалари тартиби - жиноят - процесуал кодекси моддаларида белгилаб берилган. Агар эксперт психолог саволларга мукаммал жавобни бера олмаслигини билса, экспертиза ўтказишни инкор этиши мумкин. Масалан: инженер психолог - “кичик ёшдаги болани гувоҳлик беришини” ёки “жабрланишини” болалар психологиясини яхши билмаганлиги учун тўғри жавоб бера олмаслиги мумкин. Агар психолог белгиланган талаб

ва қоидаларга жавоб берса олмаса ”чегарадан чиқиб кетса” жавобгарликка тортилади. Агар эксперт писихолог хulosы чиқариш учун етарли материаларга эга бўлмаса, терговчи ёки судъяга ёзма равишда керак бўлган материаллари ҳақида маълумот беради. Эксперт қидиув суд органларининг ижозати билан экспертизанинг хulosасига қадар ишнинг ҳолати билан танишиши, тергов ва қидиув ишлар олиб борилиши жараёнида қатнашиши, сўрек қилинувчига саволлар бериш, экспертизага таалуқли бўлган предмедларни кузатиши, гувохлик берувчи бошқа шахсларни чақириб, савол жавоб ўтказиш мумкин.

Суд-психологик экспертизасининг текширув натижалари албатта ёзма равишда баён қилиниши керак. Ҳар қандай экспертиза ўтказиш уч босқичдан иборат бўлади, яъни тайёргарлик кўриш, текшириш ва хulosы чиқариш.

Тайёргарлик кўриш қисмидан қачон, ким билан ва нимага асосланган ҳолда (суд, терговчининг кароридан келиб чиқкан ҳолда) экспертиза ўтказилиши кўрсатилади. Айбланувчи, жабрланувчи ёки гувоҳнинг фамилия, исми шарифи, туғилган йили, жиноий ишга муносабати ёзилади. Бу ерда саволлар келтирилади ва экспертизани ўтказиш учун керак бўлган сабаб кўрсатилади.

Текширув ўтказиш босқичи асосийси бўлиб, бир қанча бўлимларга бўлинишни талаб этади:

- а) жиноий ишнинг тасвиранган мазмуни.
- б) текширилувчининг таълим ва тарбиявий психолгик риожланиши, ҳаётининг турли даврлардаги ўзгаришлари харктерларига таъсири кўрсатилади.
- в) текширилувчининг экспериментал психологик текширув йўллари ва натижалари маълум қилинади.
- г) текширилувчи билан бўлган сухбат ёзилади.
- д) умумий психологик анализ учун экспертиза ўтказишда рухсат берилган пландаги савол - жавоблар берилади.

Эксперт-психолог текширилувчини психологик ривожланишини анализ қилаётганда шахс ҳаётини турли давларидаги ҳодиса - воқеаларига алоҳида эътибор бераб ўрганиб чиқиши керак. Айниқса болалик ва ўсмирлик ёшидаги ўзгаришларин синчиклаб ўрганишни талаб этади. Бунинг учун психолог ёш даврлар психологиясини, кризис этапларини яхши билиши керак.

Эксперт-психолог текширув ишларини олиб борганда қандай методларда фойдаланганлигини, экспертизанинг асосий қисмини мақсади нимадан иборат эканлигини кўрсатиши керак. Сухбат натижалари сўзма - сўз ҳаммаси аниқ ёзилиши шарт эмас, умумий мазмуни баён этилса бўлади, лекин текширилувчининг баъзи бир шахсий хусусиятларини нозик томонлари аниқ кўрсатилиши учун (агар шу ишга таалуқли бўлса) тўлиқ ёзилиши керак. Текширилувчининг муносабатига қараб сухбат давом эттирилиши мумкин. Агар у сухбат давомида кўрилаётган иш учун керак бўлган янги факт ва маълумотлар айтса, терговчи ёки судъя бундан хабардор бўлмаса, шуларни сухбат охирига қайд этиш лозим.

Олинган маълумотларни умулаштириб туриб психологик анализ қилиш натижасида текширув ўтказиш бўлимидан хulosы чиқариш бўлимига ўтилади. Бу бўлимнинг хulosасида эксперт олган ахборотлари билан биргаликда ўзининг билим малакаларига таяниб туриб шу ишга муносабатини белгилайди ва асосли психологик баҳо беради. Мана шу берилган баҳодан текширув ишларининг олиб борилишида психологнинг ўрни аниқ кўрсатилади.

Хulosы қисми қисқа ва аниқ бўлади, режадан ва олдинга кўйилган саволлардан ташқарига чиқиб кетилмайди. Ҳар доим хulosы аниқ характерга эга бўлади, қониқарли ёки қониқарсиз, тасдиқловчи ёки инкор этувчи. Иккиланувчи ёки ноаниқ мавҳум хulosага келиш мумкин эмас. Эксперт хulosаси шундай тузилиши керакки, уни ўқиган ҳар бир шахс экспертизанинг мазмунини, ўтказилган текширишларни услубини ва қилган хulosасини тушинсин.

Экспертнинг хulosаси судья, терговчи, ёки прокурор учун мажбурий далил эмас. Экспертнинг фикри билан келишмаслик ҳам мумкин. Бундай ҳолларда суд-психологик

экспертизани тайинлаган шахс (прокурор, терговчи, судья) қонунга мувофиқ равища эксперт фикри билан келишмасликка олиб келган сабабларни асосли равища бирма-бир кўрсатиб бериши шарт. Чунки экспертнинг хулосасидаги маълумотлар илмий - назарий манбалар асосида белгиланган бўлади.

Экспертнинг хулосаси қўйидагича баҳоланади;

биринчидан; ишдаги тўпланган бошқа далиллар билан таққослаб кўриш йўли билан баҳоланади. Агар эксперт хулосаси билан ишдаги материалларда қарама-қаршилик бўлса, эксперт хулосасини ёки ишдаги материалларни нотўғри деб ҳисоблашга олиб келади;

иккинчидан ўтказилган текширишнинг тўғрилиги нуқтаи назардан баҳоланади яъни экспертнинг хулоса фикри илмий жихатдан қанчалик асосли эканлиги текширилади;

учинчидан нотўғри хулосага олиб келувчи бирор ўзгариш рўй берган ёки бермаганлиги аниқланади.

Эксперт психологлар томонидан берилган аниқ ва тўғри хулосалар суд-психологик экспертизанинг муваффакияти гарови ҳисобланади.

Суд-психологик экспертизасида амалий психологиянинг тутган ўрни.

Шундай қилиб, XXI асрнинг бошланишида ҳамма инсонлар олдида турган муҳим, ечимини кутаётган глобал муаммолардан бири бу инсон муаммосидир. Психология шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари, психик жараёнлари, психик ҳолатлари ҳамда ички кечинмаларини ўрганадиган фан бўлгани учун ҳам унинг амалий қиймати ғоят каттадир.

Юкорида айтганимиздек, амалий психология руҳий ҳодисаларнинг асл табиатини, уларнинг пайдо бўлиб, қандай сабабларга биноан ўзгаришларини мавжуд ҳаётий мисоллар асосида тушунтириб беради. Кишининг умумий маълумотларини кенгайтиради, билим савиясини оширади, инсоннинг биологик ва ижтимоий моҳияти билан боғлик бўлган фанлар (биология, физиология, фалсафа, антропология, тиббиёт, педагогика) каби фанларнинг ҳам муҳим обьекти ҳисобланади. Ҳозирги кунда мустақил давлатимизнинг буюк қудратини тиклаш тўғрисида жиҳдий маънавий ҳаракат бошланган экан, бундай қудратли жамиятда яшаётган фукароларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаб етиштириш вазифаси кун тартибida турибди. Бу вазифани тўғри ҳал килиш учун, аввало истиқолимиз ёшларини, уларнинг руҳий қудратини ҳар томонлама ўрганишимиз зарур. Миллий психологиямизни ўрганишда ўзининг самарали фаолиятини олиб бораётган етакчи олимларимиз профессорлар Ф.Б.Шоумаров, Э.Ғ.Ғозиев, В.Каримова, М.Г. Давлетшин, А. Жабборов, Б. Қодировлар бугунги кунда инсон шахсини комплекс равища ўрганиш зарур деган илмий амалий муаммони илгари сурмоқдалар (Бу муаммони дастлаб рус психологи академик Б.Г.Ананьев бошлаб берган эди). Бунинг маъноси шундан иборатки, ижтимоий ҳаётда шахс камолотини битта ёки бир нечтагина фан эмас балки бир катор фанлар бараварига системали равища ўрганиши керак. Ана шунда инсон шахсиятининг ҳақиқий фаолиятини билиш, ижтимоий-тарихий, сиёсий, миллий психологиясини тушунтириб бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шахсни мукаммал ўрганишда бошқа фанларга нисбатан психология фанининг ўрни бекиёсdir. Масалан, биология инсон организмидаги биологик ва физиологик ҳодисаларни ўрганади. Фалсафа одам онгининг борлиқга бўлган муносабати масаласини ўрганади, тиббиёт одам организмидаги турли касалликларни пайдо бўлишини ва даволашни, педагогика одамга бериладиган таълим-тарбиянинг қонуниятларини ўрганади. Психология эса инсондаги мураккаб акс эттиришни, яъни психик жараёнларни, уларнинг намоён бўлиши ва ривожланиш механизmlари қонуниятларини ўрганади ҳамда инсон онги ва шахсининг таркиб топиши, шаклланиб бориши масалалари билан ҳам шуғулланади.

Инсон психикасининг келиб чиқиши, ҳайвонот дунёсида психик ҳаёт формаларининг тараққий этиши, инсон психикасининг тарихан қандай ривожланганлиги, ҳар бир инсон дунёга келиш жараёнидан бошлаб унинг онги қандай психологик муҳитларда тараққий

этади каби масала ҳамда муаммоларни ўрганиш психология фани олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Характер, темперамент қандай вужудга келади, одамнинг қобилиятлари, истеъоди қандай шаклланади, психологиянинг илмий ва ижтимоий тадқиқотлари ана шу саволларимизга жавоб беради. Одам теварак-атрофдаги дунёни қандай идрок этади, уни қандай эсда сақлаб қолади, қандай эсга туширади ва фикр юритади, у қандай ҳисларни кўнглидан кечиради, одам теварак атрофдаги психологик мухитни ўз эҳтиёжларига мослаштириб, янги моддий ва маънавий бойликларни вужудга келтириб, қандай фаолият юритади каби саволларга жавоб топиш орқали психологияни ва шунга ўхшаш муаммоларни чуқурроқ тушуниб оламиз.

Психологияни ўрганиш инсоннинг психология ҳакидаги ва психик ҳаётнинг хилманиларни, йўналишлари, хусусиятлари ҳакидаги билимлар билан бойитибина қолмай унинг интеллектини ҳам ўстиришга ёрдам беради. Ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичида психология фани борган сари алоҳида соҳаларга бўлинib бормоқда. Жумладан, юридик психология, криминал психология, суд психологияси болалар психологияси, тарбия психологияси, психофизиология, тиббиёт психологияси, меҳнат психологияси, ижтимоий психология, инженерлик психологияси, ҳарбий психология, санъат психологияси, парapsихология ва бошқалар шулар жумласидандир. Психология фани қанчалик қўп соҳаларга бўлинса, у ўз предметини шунчалик чуқур ва атрофлича ўрганади, тадқиқ этади.

Пед. Технологиялар: Талабаларнинг мустақил ишлари кичик ва катта групкаларда муҳокама қилинади. Шунингдек, маъруза ва амалий машғулотларни олиб боришда тарқатма материаллар, замонавий пед-к, психологик технологиялар “Интер актив”, “Бумеранг”, Кластер, “Ақлий хужум” ”Давра столи”, “Кластер” “ФСМУ” каби интерфаол усуллардан фойдаланилади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Суд-психологик экспертизасининг предмети ва эксперт ваколати?
2. Суд-психологик экспертизасида амалий психологиянинг тутган ўрни.?
3. Экспертиза тушунчаси ва унинг вазифаси?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Каримов. И.А Юксак маънавият –енгилмас куч.
-Т. : маънавият ,2008-17 б.
- 2.Васильев.В.А. Юридическая психология.Учебник.
–С.П. : Питер.2010.
- 3.Дулов.А.В.Судебная пс-я. Минск.2005.
- 4.Ениниев.М.И.Юридическая пс-я.М.: 2006.
- 5.Нагаев.В.В. Основа судебно-психологической экспертизы.
Учебник.М.: 2008.
- 6.Столяренко.А.М. Прикладная юридическая п-я.
Учебник.М.: 2007.
- 7.Ситковская.О.Я. Судебно-психологическая экспертиза аффекта.
Учебник. Мет-пос.М.:2008.
- 8.Рухиева.Х.А. Суд-психологик экспертизаси. Ўқув қўлланма – Т.: 2010.
- 9.Рухиева Х.А. Гозиев Э.Ғ. Олий мактаб психологияси
Муаммолари. Ўқув қўлланма. Т.: 2008.
- 10.Романов.В.В. Юридическая пс-я. Учбник. – М.:
Прогресс,2006.

1-семинар мавзуси:”Хуқуқ психологиянинг предмети, вазифалари ва замонавий имкониятлари”

Режа

- 1.Юридик психологиянинг психология фани тизимидағи ўрни
- 2.Юридик психологиянинг асосий вазифалари ва аҳамияти
- 3.Юридик психология тармоқлари ўртасидаги муносабат.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Каримов. И.А Юксак маънавият –енгилмас куч. -Т. : маънавият ,2008-17 б.
2. Каримов.И. А. Асарлар тўплами. 1-17 жиллар. Т. :Ўзбекистон. 1996-2010.
- 3.Васильев.В.А. Юридическая психология.Учебник. –С.П. : Питер.2010.
- 4.Рухиева Х.А. Гозиев Э.Ғ. Олий мактаб психологияси муаммолари. Ўқув қўлланма. Т.: 2008.
5. Рухиева.Х.А. Суд-психологик экспертизаси. Ўқув қўлланма – Т.: 2010.
- 6.Рухиева.Х.А. Социально-психологический трен .Уч.метод.пос. –Т.2008.
- 7.Романов.В.В. Юридическая пс-я. Учкбник. – М.: Прогресс,2006.
8. Усмонова.А.А. Норбоев.А.Н. Юридик пс-я Ўқув қўлланма. Т.Д.ЮИ-.2005.
- 9..Столяренко.А.М. Прикладная юридическая п-я. Учебник.М.: 2007.
10. Нагаев.В.В. Основа судебно-психологической экспертизы. Учебник.М.: 2008.
- 11.Чалдини.Р. Психология влияния. Учебник.М.: 2008.
- 12.Фозиев.Э.Г. Психология. Дарслик.-Т.: Ўқитувчи.2010.

2-Семинар мавзуси : Хуқуқ психологиянинг замонавий методлари ва уларнинг мақсад ва вазифалари.

Режа

1. Юридик психологияда методикларнинг тутган ўрни.
2. Методикаларнинг замонавий имконияти
3. Тергов жараёнида юридик психология методларининг зарурияти.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Каримов. И.А Юксак маънавият –енгилмас куч. -Т. : маънавият ,2008-17 б.
2. Каримов.И. А. Асарлар тўплами. 1-17 жиллар. Т. :Ўзбекистон. 1996-2010.
- 3.Васильев.В.А. Юридическая психология.Учебник. –С.П. : Питер.2010.
- 4.Рухиева Х.А. Гозиев Э.Ғ. Олий мактаб психологияси муаммолари. Ўқув қўлланма. Т.: 2008.
5. Рухиева.Х.А. Суд-психологик экспертизаси. Ўқув қўлланма – Т.: 2010.
- 6.Рухиева.Х.А. Социально-психологический трен .Уч.метод.пос. –Т.2008.
- 7.Романов.В.В. Юридическая пс-я. Учкбник. – М.: Прогресс,2006.
8. Усмонова.А.А. Норбоев.А.Н. Юридик пс-я Ўқув қўлланма. Т.Д.ЮИ-.2005.
- 9..Столяренко.А.М. Прикладная юридическая п-я. Учебник.М.: 2007.
10. Нагаев.В.В. Основа судебно-психологической экспертизы. Учебник.М.: 2008.
- 11.Чалдини.Р. Психология влияния. Учебник.М.: 2008.
- 12.Фозиев.Э.Г. Психология. Дарслик.-Т.: Ўқитувчи.2010.

3- Семинар мавзуси: Хуқуқ фаолиятнинг мақсад ва вазифалари.

Режа

- 1.Юридик фаолиятда психологиянинг тутган ўрни.
- 2.Юридик фаолиятга психологик тайёргарликда инсон хотираси.
- 3.Масалаларни ҳал қилишда тафаккур ва интуиция.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Каримов. И.А Юксак маънавият –енгилмас куч. -Т. : маънавият ,2008-17 б.
2. Каримов.И. А. Асарлар тўплами. 1-17 жиллар. Т. :Ўзбекистон. 1996-2010.
- 3.Васильев.В.А. Юридическая психология.Учебник. –С.П. : Питер.2010.
- 4.Рухиева Х.А. Гозиев Э.Ғ. Олий мактаб психологияси муаммолари. Ўқув қўлланма. Т.: 2008.
5. Рухиева.Х.А. Суд-психологик экспертизаси. Ўқув қўлланма – Т.: 2010.
- 6.Рухиева.Х.А. Социально-психологический трен .Уч.метод.пос. –Т.2008.
- 7.Романов.В.В. Юридическая пс-я. Учкбник. – М.: Прогресс,2006.
8. Усмонова.А.А. Норбоев.А.Н. Юридик пс-я Ўқув қўлланма. Т.Д.ЮИ-.2005.
- 9..Столяренко.А.М. Прикладная юридическая п-я. Учебник.М.: 2007.
10. Нагаев.В.В. Основа судебно-психологической экспертизы. Учебник.М.: 2008.
- 11.Чалдини.Р. Психология влияния. Учебник.М.: 2008.
- 12.Фозиев.Э.Г. Психология. Дарслик.-Т.: Ўқитувчи.2010.

4- Семинар мавзуси:Юридик фаолиятда юрист шахсининг ижтимоий- психологик йўналганлиги.

Режа

- 1.Юридик фаолиятда мuloқot тушунчаси
2. Мулокот ўрнатиш жараёнидапсихологик тактика.
3. Юридик фаолиятнинг ижтимоий-психологик асослари.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Каримов. И.А Юксак маънавият –енгилмас куч. -Т. : маънавият ,2008-17 б.
2. Каримов.И. А. Асарлар тўплами. 1-17 жиллар. Т. :Ўзбекистон. 1996-2010.
- 3.Васильев.В.А. Юридическая психология.Учебник. –С.П. : Питер.2010.
- 4.Рухиева Х.А. Гозиев Э.Ғ. Олий мактаб психологияси муаммолари. Ўқув қўлланма. Т.: 2008.
5. Рухиева.Х.А. Суд-психологик экспертизаси. Ўқув қўлланма – Т.: 2010.
- 6.Рухиева.Х.А. Социально-психологический трен .Уч.метод.пос. –Т.2008.
- 7.Романов.В.В. Юридическая пс-я. Учкбник. – М.: Прогресс,2006.
8. Усмонова.А.А. Норбоев.А.Н. Юридик пс-я Ўқув қўлланма. Т.Д.ЮИ-.2005.
- 9..Столяренко.А.М. Прикладная юридическая п-я. Учебник.М.: 2007.
10. Нагаев.В.В. Основа судебно-психологической экспертизы. Учебник.М.: 2008.
- 11.Чалдини.Р. Психология влияния. Учебник.М.: 2008.
- 12.Фозиев.Э.Г. Психология. Дарслик.-Т.: Ўқитувчи.2010.

5- Семинар мавзуси: Жиноятчи шахснинг индивидуал психик хусусиятлари.

Режа

- 1.Қонунбузарликнинг мотивлари ва уларнинг тавсифи
- 2.Жиноятчи шахснингасий криминал турларининг психологик тавсифи.
- 3.Жиноятчи шахснинг темперамент типологияси.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Каримов. И.А Юксак маънавият –енгилмас куч. -Т. : маънавият ,2008-17 б.
2. Каримов.И. А. Асарлар тўплами. 1-17 жиллар. Т. :Ўзбекистон. 1996-2010.
- 3.Васильев.В.А. Юридическая психология.Учебник. –С.П. : Питер.2010.
- 4.Рухиева Х.А. Гозиев Э.Ф. Олий мактаб психологияси муаммолари. Ўқув қўлланма. Т.: 2008.
5. Рухиева.Х.А. Суд-психологик экспертизаси. Ўқув қўлланма – Т.: 2010.
- 6.Рухиева.Х.А. Социально-психологический трен .Уч.метод.пос. –Т.2008.
- 7.Романов.В.В. Юридическая пс-я. Учбник. – М.: Прогресс,2006.
8. Усмонова.А.А. Норбоев.А.Н. Юридик пс-я Ўқув қўлланма. Т.Д.ЮИ-.2005.
- 9..Столяренко.А.М. Прикладная юридическая п-я. Учебник.М.: 2007.
10. Нагаев.В.В. Основа судебно-психологической экспертизы. Учебник.М.: 2008.
- 11.Чалдини.Р. Психология влияния. Учебник.М.: 2008.
- 12.Гозиев.Э.Г. Психология. Дарслик.-Т.: Ўқитувчи.2010.

6-Семинар мавзуси: Уюшган жиноятчиликнинг келтириб чиқарувчи психологик омиллар.

Режа

- 1.Уюшган жиноий гурухлар психологияси
- 2.Уюшган жиноят психологияси
- 3.Жиноий гурухлар типологияси

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Каримов. И.А Юксак маънавият –енгилмас куч. -Т. : маънавият ,2008-17 б.
2. Каримов.И. А. Асарлар тўплами. 1-17 жиллар. Т. :Ўзбекистон. 1996-2010.
- 3.Васильев.В.А. Юридическая психология.Учебник. –С.П. : Питер.2010.
- 4.Рухиева Х.А. Гозиев Э.Ф. Олий мактаб психологияси муаммолари. Ўқув қўлланма. Т.: 2008.
5. Рухиева.Х.А. Суд-психологик экспертизаси. Ўқув қўлланма – Т.: 2010.
- 6.Рухиева.Х.А. Социально-психологический трен .Уч.метод.пос. –Т.2008.
- 7.Романов.В.В. Юридическая пс-я. Учбник. – М.: Прогресс,2006.
8. Усмонова.А.А. Норбоев.А.Н. Юридик пс-я Ўқув қўлланма. Т.Д.ЮИ-.2005.
- 9..Столяренко.А.М. Прикладная юридическая п-я. Учебник.М.: 2007.
10. Нагаев.В.В. Основа судебно-психологической экспертизы. Учебник.М.: 2008.
- 11.Чалдини.Р. Психология влияния. Учебник.М.: 2008.
- 12.Гозиев.Э.Г. Психология. Дарслик.-Т.: Ўқитувчи.2010.

7- Семинар мавзуси: Онтогенезда қонунбузарликнинг психологияк тавсифи.

Режа

- 1.Қонунбузарликнинг психологик тавсифи
- 2.Вояга етмаганлар ишлари бўйича тергов ҳаракатларининг психологик хусусиятлари

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Каримов. И.А Юксак маънавият –енгилмас куч. -Т. : маънавият ,2008-17 б.
2. Каримов.И. А. Асарлар тўплами. 1-17 жиллар. Т. :Ўзбекистон. 1996-2010.
- 3.Васильев.В.А. Юридическая психология.Учебник. –С.П. : Питер.2010.
- 4.Руҳиева Х.А. Фозиев Э.Ғ. Олий мактаб психологияси муаммолари. Ўқув қўлланма. Т.: 2008.
5. Руҳиева.Х.А. Суд-психологик экспертизаси. Ўқув қўлланма – Т.: 2010.
- 6.Руҳиева.Х.А. Социально-психологический трен .Уч.метод.пос. –Т.2008.
- 7.Романов.В.В. Юридическая пс-я. Учбник. – М.: Прогресс,2006.
8. Усмонова.А.А. Норбоев.А.Н. Юридик пс-я Ўқув қўлланма. Т.Д.ЮИ-.2005.
- 9..Столяренко.А.М. Прикладная юридическая п-я. Учебник.М.: 2007.
10. Нагаев.В.В. Основа судебно-психологической экспертизы. Учебник.М.: 2008.
- 11.Чалдини.Р. Психология влияния. Учебник.М.: 2008.
- 12.Фозиев.Э.Г. Психология. Дарслик.-Т.: Ўқитувчи.2010.

8- Семинар мавзуси: Тергов ҳаракатларининг тактик ва психологик хусусиятлари.

Режа

- 1.Тинтувнинг психологик хусусиятлари
- 2.Тинтув тактикасининг психологик асослари
- 3.Воқеа содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг тактик ва психологик холатлари.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Каримов. И.А Юксак маънавият –енгилмас куч. -Т. : маънавият ,2008-17 б.
2. Каримов.И. А. Асарлар тўплами. 1-17 жиллар. Т. :Ўзбекистон. 1996-2010.
- 3.Васильев.В.А. Юридическая психология.Учебник. –С.П. : Питер.2010.
- 4.Руҳиева Х.А. Фозиев Э.Ғ. Олий мактаб психологияси муаммолари. Ўқув қўлланма. Т.: 2008.
5. Руҳиева.Х.А. Суд-психологик экспертизаси. Ўқув қўлланма – Т.: 2010.
- 6.Руҳиева.Х.А. Социально-психологический трен .Уч.метод.пос. –Т.2008.
- 7.Романов.В.В. Юридическая пс-я. Учбник. – М.: Прогресс,2006.
8. Усмонова.А.А. Норбоев.А.Н. Юридик пс-я Ўқув қўлланма. Т.Д.ЮИ-.2005.
- 9..Столяренко.А.М. Прикладная юридическая п-я. Учебник.М.: 2007.
10. Нагаев.В.В. Основа судебно-психологической экспертизы. Учебник.М.: 2008.
- 11.Чалдини.Р. Психология влияния. Учебник.М.: 2008.
- 12.Фозиев.Э.Г. Психология. Дарслик.-Т.: Ўқитувчи.2010.

9- Семинар мавзуси: Тергов жараёнида юзлаштириш ва сўроқ қилиш психологияси.

Режа

1. Тергов жараёнида жзлаштириш психологиясию
2. Сўроқ қилишнинг психологик тактикаси.
3. Сўроқ қилиш динамикаси.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Каримов. И.А Юксак маънавият –енгилмас куч. -Т. : маънавият ,2008-17 б.
2. Каримов.И. А. Асарлар тўплами. 1-17 жиллар. Т. :Ўзбекистон. 1996-2010.
- 3.Васильев.В.А. Юридическая психология.Учебник. –С.П. : Питер.2010.
- 4.Руҳиева Х.А. Фозиев Э.Ғ. Олий мактаб психологияси муаммолари. Ўқув қўлланма. Т.: 2008.
5. Руҳиева.Х.А. Суд-психологик экспертизаси. Ўқув қўлланма – Т.: 2010.
- 6.Руҳиева.Х.А. Социально-психологический трен .Уч.метод.пос. –Т.2008.
- 7.Романов.В.В. Юридическая пс-я. Учбник. – М.: Прогресс,2006.
8. Усмонова.А.А. Норбоев.А.Н. Юридик пс-я Ўқув қўлланма. Т.Д.ЮИ-.2005.
- 9..Столяренко.А.М. Прикладная юридическая п-я. Учебник.М.: 2007.
10. Нагаев.В.В. Основа судебно-психологической экспертизы. Учебник.М.: 2008.
- 11.Чалдини.Р. Психология влияния. Учебник.М.: 2008.
- 12.Фозиев.Э.Г. Психология. Дарслик.-Т.: Ўқитувчи.2010.

10- Семинар мавзуси: Суд- психологик экспертизасининг замонавий имкониятлари.

Режа

- 1.Экспертиза турлари ва уларнинг имкониятлари.
- 2.СПЭ ўтказиш методлари.
- 3.СПЭ натижаларини баҳолаш

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Каримов. И.А Юксак маънавият –енгилмас куч. -Т. : маънавият ,2008-17 б.
2. Каримов.И. А. Асарлар тўплами. 1-17 жиллар. Т. :Ўзбекистон. 1996-2010.
- 3.Васильев.В.А. Юридическая психология.Учебник. –С.П. : Питер.2010.
- 4.Руҳиева Х.А. Фозиев Э.Ғ. Олий мактаб психологияси муаммолари. Ўқув қўлланма. Т.: 2008.
5. Руҳиева.Х.А. Суд-психологик экспертизаси. Ўқув қўлланма – Т.: 2010.
- 6.Руҳиева.Х.А. Социально-психологический трен .Уч.метод.пос. –Т.2008.
- 7.Романов.В.В. Юридическая пс-я. Учбник. – М.: Прогресс,2006.
8. Усмонова.А.А. Норбоев.А.Н. Юридик пс-я Ўқув қўлланма. Т.Д.ЮИ-.2005.
- 9..Столяренко.А.М. Прикладная юридическая п-я. Учебник.М.: 2007.
10. Нагаев.В.В. Основа судебно-психологической экспертизы. Учебник.М.: 2008.
- 11.Чалдини.Р. Психология влияния. Учебник.М.: 2008.
- 12.Фозиев.Э.Г. Психология. Дарслик.-Т.: Ўқитувчи.2010.

ЮРИДИК ПСИХОЛОГИЯ ФАНИ БҮЙИЧА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ОЛИШ МАВЗУЛАРИ

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.

- 1.Юридик психологиянинг тарихий ривожланиши
- 2.Тергов ва суд жараёнида юридик психологиянинг тутган ўрни.
- 3.Юридик фаолиятга психологик тайёргарлик.
- 4.Юридик фаолиятда методикалардан фойдаланиш тартиби.
- 5.Методикаларнинг ишончлилик даражаси.
- 6.Методикалардан олинган маълумотларни интерпритация қилиш.
- 7.Юридик фаолиятда билиш жараёнларининг ҳисобга олиниши.
- 8.Юридик фаолиятда психологик аппаратуралардан фойдаланиш
- 9.Гувоҳ, жабрланивчи, гумонланувчи ва айбланувчиларни баҳолашнинг психологик жиҳатлари
- 10.Шахсни ўрганиш схемаси
- 11.Жиноятчининг психологик партрети.
- 12.Жиноятчи шахсни ажратиб турувчи психологик хусусиятлари
- 13.Уюшган жиноятчиликнинг келтириб чиқарувчи психологик омиллар.
- 14.Уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш ва бартараф этиш усуллари
- 15.“Тревонометр “ ёрдамида шахснинг хаяжонланиш даражасини аниклаш
- 16.“Адажтометр”дан тергов харакатларини олиб боришда фойдаланиш
- 17.Суд жараёнида иштирок этиш – амалиёти.
- 18.СПЭни ташкиллаштириш-амалиёт
- 19.Юридик психологиянинг тарихий ривожланганлиги.

ГЛОССАРИЙЛАР

АДАПТАЦИЯ (лотинча «adabtare» - мослаштироқ) - сезги аъзоларининг қўзговчи кучига мослашуви натижасида муайян сезигирликнинг ўзгариши. Адаптация ҳодисасида сезигирлик орхиши ҳамда камайиши мумкин: кучли таассуротдан кучсиз таассуротга ўтганда сезигирлик аста-секин ортиб боради; таассурот кучайганда эса сезигирлик аксинча камайиб боради. Адаптация қонунияти барча сезигиларга хосдир (кўркув адаптацияси, эшитиш адаптацияси, тери адаптацияси).

